

## ИНФЛЯЦИЯ:

одамлар топаётган  
даромаднинг  
қадри бўлиши  
керак

5



ФУҚАРОЛИК  
КОДЕКСИНИ  
янгилашга қандай  
зарурат туғилди?

22



@mahalladoshuz

@mahalladosh\_uz

www.mahalladosh.uz

№31

(1961) 2020 йил  
17 – 24 сентябрь

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI

# Маҳалла

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

«АФҒОНИСТОН  
осудалик,  
тинчлик уйига  
айланади»

9

ҚИШЛОҚ  
ОДАМЛАРИ  
қачон сифатли  
давлат хизматидан  
фойдаланади?

10

«РАИС ЎЗИНИ  
ночор оилалар  
ўрнига қўйиб  
қўриши керак эди...»

13

ЎЗБЕКИСТОН  
ОЛИМЛАРИ  
дунё илмидан  
қанчалар ортда қолган?

17

КОРОНАВИРУС  
АНИҚЛАНГАН  
ўқитувчилар шахси сир  
сақланиши тўғрими?

18



## МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ:

хавфсиз,  
тартибли ва  
қонуний асосда  
йўлга қўйилади

3

МАҚАЛЛАНИ «МАНАЛЛА»СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН...  
ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

2021

ОБУНА  
ИНДЕКСИ: 148



## СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 16 сентябрь куни сув хўжалигида тежамкор технологияларни жорий этиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш чоратadbирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



### Бир гектар майдонга қанча харажат қилиняпти?

Охириги 10 йилда Ўзбекистонда сув хажми 12 фоизга, ўтган йилгига нисбатан эса бу йил 15 фоизга камайган. Хусусан, 2,5 миллион гектар майдонни суғориш учун 5 мингдан зиёд насос ишлатилиб, йилига 8 миллиард килловатт соат энергия ва 2,4 триллион сўм бюджет маблағлари сарфланмоқда. Бир гектар майдонга сувни насослар орқали етказиб бериш учун бюджетдан ўртача 800 минг сўм харажат қилиняпти. Эгнатлаб суғориш оқибатида йилига қарийб 5-6 миллиард куб метр ёки 20 фоиз сув далада беҳуда сарфланмоқда.

Йиғилишда таъкидланганидек, шу пайтгача 285 минг гектар, яъни бор-йўғи 7 фоиз ерда сув тежовчи технологиялар жорий этилган. Бу борада, айниқса, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятларида қолоқлик бор. Айрим жойларда сув тежовчи бирорта ҳам лойиҳа татбиқ қилинмаган. Йиғилишда келгуси йилда сув тежовчи технология-

ларни жорий этишни 600 минг гектарга етказиш режа қилиб қўйилди.

Бундай технологиялар қамрови кенгайиши билан уларни ишлаб чиқаришга ҳам талаб ошади. Бироқ юртимизда шунга ихтисослашган 13 та корхонанинг қуввати келгуси йил эҳтиёжининг ярмини қоплашга ҳам етмайди. Шу боис Самарқанд, Тошкент ва Наманган вилоятларида сув тежовчи технологиялар учун ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этилади.

### Сув объектлари хусусий шерикка берилади

Соҳадаги яна бир инновация — кластерлар 3 минг гектардан зиёд экин майдонини лазер ёрдамида текислаш орқали сув сарфини 20-25 фоиз, ўғитни 15 фоиз тежашга, ҳосилдорликни камида 10 фоизга оширишга эришган. Давлатимиз раҳбари бу тажрибани кенг қўллаб, пахта, ғалла ва шולי майдонларини лазер ёрдамида текислаш муҳимлигини таъкидлади.

Жорий йилда Куйичирчик, Нарпай, Булунгур, Сардоба, Нишон, Касби

туманларида сув хўжалиги объектлари хусусий шериклик асосида тадбиркорларга берилиб, намунавий лойиҳа амалга оширилмоқда. Йиғилишда бундай лойиҳаларни бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Сув исрофига сабаб бўлаётган муаммолардан яна бири шуки, бутунги кунда 3 мингдан зиёд сув ўлчаш постларининг атиги 2 фоизи, 400 та йирик сув объектининг 2,5 фоизидан барча ўлчаш постларида сувни онлайн режимда назорат қилувчи автоматлашган тизим жорий этилади.

Маълумки, бу йилдан қишлоқ хўжалиги корхоналарида сув солиғи бўйича берилган имтиёзлар бекор қилинди. Шу билан бирга, сувдан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоизга пасайтирилди. Президент ушбу қамайтирилган ставкани келгуси йилда ҳам сақлаб қолиш зарурлигини таъкидлади.

ЎЗА материали  
асосида тайёрланди.




## МУАММОЛАР ЕЧИМИДА МАСЪУЛИЯТ ҚАЧОН ОРТАДИ?

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида фуқаролар йиғинларига услубий-амалий кўмаклашиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов танқидий руҳда ўтказилган йиғилиш давомида «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини жорий этишда белгиланган вазифаларни маҳаллабай, кўчабай, хонадонбай тизими асосида олиб бориш зарурлигини таъкидлаб,

тизими йўлга қўйилмаган. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари биноларини қуриш ва таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам муаммолар тўла бартараф этилмаган.

Йиғилишда «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонларини



бу борада тизимда меҳнат қилаётган ҳар бир масъул ходим ўз вазифасига масъулият билан ёндашиши муҳим эканини қайд этди.

Таъкидланишича, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида маҳалла ходимларининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги қониқарли йўлга қўйилмагани сабабли жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига нотинч оилалар шу йилнинг иккинчи чорагига нисбатан Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Наманган вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида сезиларли даражада ошган.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган фуқароларга маҳаллалар томонидан имтиёзлар берилганига қарамай, улардан самарали фойдаланиш

амалиётга жорий этиш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўйича жойларда олиб борилган ишлар таҳлилига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, ҳозирга қадар Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари, Тошкент, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича аҳоли мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларда келтирилган муаммоларни бартараф этиш ишлари асоссиз равишда кечиктирилган.

Йиғилиш сўнггида келтириб ўтилган вазифалар ижроси бўйича масъул раҳбар ва ходимларга зарур топшириқ ва кўрсатмалар бериб ўтилди. Шунингдек, ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлган, аҳоли мурожаатлари билан ишлашда сусткашликка йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан тегишли жазо чоралари белгиланди.

Носир ҲАЙДАРОВ.

## ШАРОИТ БЎЛСА, ДЕМАК, НАТИЖА БЎЛАДИ

Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 6 та маҳалла фуқаролар йиғинига янги компьютер жамланмалари топширилди.

— Туман ҳокимлигининг бугунги ташаббусидан бениҳоя хурсандимиз, — дейди «Нурли келажак» йиғини раиси Муҳаммадзоир Охуннов. — Бизга берилган янги компьютер жамланмаси ишимизни янада яхшилашга хизмат қилади. Энди маҳалламиздаги 630 та хонадонда

яшаётган 3 мингдан зиёд аҳоли ҳақида электрон маълумотлар базасини яратиш имкони мавжуд. Шунингдек, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини ҳаётга татбиқ этишда бу компьютерлардан унумли фойдаланамиз.

Маълумот ўрнида, айни пайтда туманда 72 та маҳалла фаолият юритмоқда. Уларнинг самарали ишлаши учун барча шароитлар яратилмоқда.

Севинч ҲУСАНОВА.

«Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳасини амалга оширишга доир Президент қарори имзоланди.





# МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ: хавфсиз, тартибли ва қонуний асосда йўлга қўйилади

**М**еҳнат миграцияси ва мигрантлар... Айрим амалдорлар хушламай тилга оладиган ушбу тоифа аслида жаҳон иқтисодиётида ҳаракатланувчи куч саналади. Тан олиш керак, бу тушунчалар бизнинг ҳаётимизга кириб келганига ҳам анча вақт бўлган. Бироқ қонуний миграция оқимини бошқариш, меҳнат мигрантларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш узоқ вақт ўз ҳолига ташлаб қўйилди.



— Яна бир муҳим жиҳат — хорижда мураккаб молиявий аҳволга тушган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, маблағларсиз қолган 10 мингга яқин фуқарога **446 минг сўм (40 доллар)** миқдорда бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, меҳнат мигрантларига ҳуқуқий ёрдам бериш бўйича **онлайн платформа яратилиб, Россия Федерациясида «Call-марказ»** ташкил этилади.

Фақатгина сўнгги йиллардагина миграцияга қараш том маънода ўзгарди. Хорижда ишлаётган фуқаролар билан мулоқот ўрнатилди, уларни қўллаб-қувватлаш учун алоҳида жамғарма ташкил этилиб, мигрантларнинг ҳаёти ва соғлигини сугурталаш, ипотека кредитларини ажратиш амалиёти йўлга қўйилди. Шунга қарамай, бундай юртдошларимизни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий қўллаб-қувватлаш борасида ечимини кутаётган муаммолар ҳали кўп. Айниқса, улар иш берувчи компанияларни топиш, талаб қилинадиган иш кучига мутахассислиги бўйича талаб, тил билиш ва ўша давлатдаги меҳнат қонуночилигини ўрганиш каби муаммоларга энг кўп дуч келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 сентябрдаги «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ана шу масалаларнинг комплекс ечимига қаратилган.

— Қаерда меҳнат миграцияси тўғри ташкил этилган бўлса, бандлик, оилалар даромади, малакали мутахассислар кўпайди, — дейди **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Муҳиддинов**. — Президент қарори билан соҳада **хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими** жорий қилинмоқда. Хорижда ишлашга кетишдан олдин фуқароларни касб-хунарга ва хорижий тилларга ўқитиш, уларга касбий малакани тасдиқловчи халқаро тан олинадиган сертификатларни бериш амалиётини жорий қилиш мазкур тизимнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

## Меҳнат мигрантлари мажбурий тартибда ўқитиладими?

Хорижда юртдошларимиз муносиб шароитларда меҳнат қилиши учун, энг аввало, йирик иш берувчи компаниялар билан алоқаларни кенгайтириш лозим. Бунинг учун

эса, ўз навбатида, ўша корхоналар талабига мос малакага эга ва тил биладиган мутахассислар тайёрланиши зарур. Шу боис қарор билан бу борада янги тизим жорий этилади.

Яъни эндиликда ҳудудлардаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги филиаллари хорижий иш берувчилар билан келишувлар тузади ҳамда хорижга фуқароларни ишга юборади.

Қарор билан 2021 йил 1 январдан бошлаб ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан хорижга чиқиб кетаётган шахсларни ишга юборишдан олдин мажбурий тартибда касб-хунарга ўқитиш тизими жорий қилинмоқда.

— Касб-хунарга ва чет тилига ўқитиш 14 та «Ишга марҳамат» мономаркази, 30 та касб-хунарга ўқитиш маркази, пойтахтимиздаги 11 та касб-хунарга ўқитиш курслари ҳамда юртимизнинг 136 та маҳалласидаги касб-хунарга ўқитиш масканларида, шунингдек, ҳудудлардаги 26 та коллеж ва техникумларда амалга оширилади, — дейди **Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бошқарма бошлиғи Азим Аҳмадов**. — Бунда Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан ҳар бир фуқаро учун **БҲМнинг 4 баравари миқдорда** грант маблағлари ажратилади. Бирламчи касбга ўқитиш йўналишлари 18 та этиб белгиланиб, келгусида уларнинг сони талаб ва эҳтиёжга кўра оширилади.

## 10 миллион сўмгача микроқарз берилади

Айтиш мумкинки, ҳужжатнинг ҳар битта банди меҳнат мигрантларини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Масалан, 2021 йил 1 январдан бошлаб «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот

тизимига киритилган кам таъминланган оила аъзоси вақтинчалик ишлаш учун хорижга чиқиб кетаётганда **микроқарзлар бериш тартиби жорий этилади**.

Микроқарзлар хорижда ишга жойлашиш (шу жумладан, йўл ҳақини тўлаш ва меҳнат фаолиятига рухсат олиш) билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун **10 миллион сўмгача** миқдорда бир йил муддатта берилади. Унинг фоиз ставкасининг 14 фоизли пунктдан юқори бўлган қисми, лекин 21 фоиздан ошмаган миқдори Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилинади.

Яна бир масала — айна пайтда хорижда ишлаётган фуқароларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш тизимида атиги 4,5 минг нафар киши рўйхатга олинган. Шу боис келгуси йил бошидан ташкиллаштирилган ҳолда хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш — **ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турларига** тенглаштирилади. Ушбу шахсларга ўзини ўзи банд қилганлар учун белгиланган **солиқларни тўлаш** ҳамда **пенсия миқдорини ҳисоблаш** тартиби қўлланилади.

## Хорижда қийналиб қолган шахсларга моддий ёрдам кўрсатилади

Ташқи меҳнат миграцияси соҳасини янада ривожлантириш мақсадида 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистонда Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигининг паспорт-виза хизмати ваколатхонаси очилади ҳамда ушбу ваколатхонада патентни тайёрлаш, расмийлаштириш ва бериш хизматлари кўрсатилади.

— Ўзбекистон фуқароларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида чет давлатлардаги адвокатлик ташкилотлари билан битимлар тузилади, — дейди **А.Аҳмадов**.

## Маҳалла фаоллари оилаларга қўмаклашади

2021 йил 1 январдан бошлаб «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида кам таъминланган сифатида рўйхатга олинган оила аъзоларига, улар хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириб, қайтиб келганда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлса, бунинг учун **2,2 миллион сўм** миқдорда субсидия тўланади. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитнинг 14 фоиздан юқори бўлган қисми, лекин 21 фоиздан ошмаган миқдори **компенсация қилинади**.

Туман ва шаҳар сектор раҳбарлари, маҳалла раислари ва меҳнат инспекторлари хорижга ишлаш учун кетган фуқароларнинг оила аъзоларига моддий ва ижтимоий ҳолатини яхшилаш, зарур тиббий патронаж хизматини кўрсатиш, ипотека кредитларини асосида уй-жойлар ажратиш, фарзандларининг таълим олишидаги муаммоларини ҳал қилиш, меҳнатга лаёқатли аъзоларини иш билан таъминлашга қўмаклашади.

Умуман олганда, қарор доирасидаги тадбирларни амалга ошириш натижасида 2020-2021 йилларда **70 мингга яқин** шахс касб-хунарга ва чет тилларига ўқитилади. **144 мингдан ортиқ** шахс ташкиллаштирилган ҳолда хорижга вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юборилади. **148 мингга яқин** хориждан қайтиб келган фуқаронинг бандлиги таъминланиб, **120 мингга** яқин меҳнат мигрантининг оила аъзоларига ёрдам кўрсатилади. Бу эса минглаб юртдошларимиз касб-корли, оилалари даромадли бўлади, муҳими, Ўзбекистон фуқаролари қаерда бўлмасин, давлат ҳимоясини ҳис этади деганидир.

**Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.**



«Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.



# СЕНАТНИНГ ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ:

## Ортиқча бюрократик тўсиқлар олиб ташланадими?

**О**лий Мажлис Сенатининг видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган еттинчи ялпи мажлисида юқори палата аъзолари 16 та масала, шу жумладан, 7 та қонунни кўриб чиқишди. Хўш, сенаторлар томонидан қайси қонунлар маъқулланди? Уларнинг аҳамияти нималарда кўринади? Янги қонунлар одамларга қандай қулайликларни яратади?

### Ногиронлиги бор шахслар учун «тўсиқсиз муҳит» шакллантирилади

Тан олиш керак, кундалик ҳаётимизда — транспорт, овқатланиш шохобчалари, хизмат кўрсатиш объектлари, маданий-кўнгилочар масканларда ногиронлиги бор шахслар учун зарур шароитлар яратилмаганига кўп бор дуч келамиз. Тиббий хизмат кўрсатишда ҳам талай бюрократик тўсиқлар мавжуд. Табиийки, бу уларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Сенат аъзолари томонидан муҳокама қилинган «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун айна масалалар ечимига қаратилган.

Хужжат кучга кириши билан тиббий текширув комиссиялари фаолияти такомиллашади, мурожаат қилувчи 10 календарь кунида хулосани олади. Тиббий текширувлар бепул амалга оширилади. Бундай шахсларни касб-ҳунарга ўргатиш, коллеж ва техникумларда таълим олишлари дағлат ҳисобидан таъминланади. Олий таълимда жами контингентнинг 2 фоизи миқдорида давлат грантлари ажратилади.

— Мазкур йўналишда йиллар давомида талай муаммолар тўпланиб қолганини ҳаммамиз яхши биламиз, — дейди Сенат Раиси **Танзила Норбоева**. — Шу жумладан, ногиронлиги кундек равшан бўлган инсонларни ҳар сафар қайта-қайта кўриқдан ўтказиш, текшириш амалиёти ҳам йўқ эмас. Қонунда бундай ҳолатларга йўл қўймаслик, ногиронлиқни белгилаш жараёнини соддалаштириш бўйича аниқ нормалар белгиланганини ҳам эътироф этишимиз керак. Яна бир муҳим масала: ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлашда статистикани тартибга солиш керак. Ногиронлик масаласини таҳлил қилиш, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама

қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳаётга тўлиқ интеграция қилиш учун бундай шахслар тўғрисида аниқ маълумотга ва тасаввурга эга бўлишимиз шарт. Акс ҳолда амалга ошириладиган ишлар тўлиқ бўлмайди, қайсидир қатлам, қайсидир инсонлар эътибордан четда қолиб кетаверади. Бундан ташқари, халқро мезонлардан келиб чиқиб, мамлакатда ногиронлиги бор шахслар учун «тўсиқсиз муҳит»ни шакллантиришимиз лозим.

### Қайси бюрократик талаблар бекор қилинади?

«Бюрократик тўсиқлар янада қисқартирилиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойиллари жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун ҳам муҳокамадан марказида бўлди. Мазкур ҳужжат жами 6 та қонун ва 3 та кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутди.

— Қонун кучга киргач, суғурта полиси ёнида бўлмаган ҳайдовчилар транспорт воситаларини бошқарганда уларнинг автотранспорт воситаларини ушлаб туриш (жарима майдончасига қўйиш) тартиби бекор қилинади, — дейди сенатор **Фарҳод Боқиев**. — Бу билан мулк ҳуқуқларининг кафолатлари кучайтирилади. Айтиш керакки, юқоридаги қонун билан фуқаролар йиғинидан талаб қилинадиган бир қатор маълумотномалар олиш тартиби бекор қилинмоқда. Жумладан, эндиликда ишга қираётган шахдан тураржойдан маълумотнома олиб келиш талаб этилмайди. Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс томонидан аризасига яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини

ўзи бошқариш органидан маълумотномани илова қилиш талаби бекор қилинади. Тураржойларни алмаштириш ва сақлаш гувоҳномаси (брон) беришда ҳам фуқаролардан яшаш жойидан маълумотнома зарур бўлмайди.

Қолаверса, назорат остидаги шахснинг қаердалиги аниқланмаган тақдирда ички ишлар органининг тураржойи ва етиб келмаслик сабабларини аниқлаш бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги ҳужжатлардан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилмадиган маълумотнома бекор қилинмоқда. Бу каби ўзгартиришлар натижасида бугун кўпчиликни кийнаётган ортиқча бюрократик тўсиқлар олиб ташланиб, сансалоқликларга чек қўйилади.

### Ҳимоя ордери талаблари бажарилмаса, жавобгарлик бор

Маълумки, «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун билан ҳимоя ордери таъсис этилган эди. Лекин ушбу ҳимоя ордерида назарда тутилган чекловларни

**«**Хужжат кучга кириши билан тиббий текширув комиссиялари фаолияти такомиллашади, мурожаат қилувчи 10 календарь кунида хулосани олади. Тиббий текширувлар бепул амалга оширилади.**»**

бажармаганлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик масаласи очик қолган.

Шу боис «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан тазйиқ ўтказишга ва (ёки) зўравонлик содир этишга мойил бўлган ёки уларни содир этган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди ва бу чекловларнинг бажарилишини яна бир

бор кафолатлади. Ўз ўрнида жабрланганларга етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан даъвогар фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод қилинди.

### Нега ишсиз аёллар сони камаймаяпти?

Маълумотларга кўра, 2019-2020 йилларда 115 минг 920 нафар тadbиркор аёл ўз фаолиятини тўхта-тишга мажбур бўлган. Бунинг сабаби — ҳудуд, мамлакат эҳтиёжидан келиб чиқиб, бизнес-режалар тузиш, истиқболда эса экспортга маҳсулот чиқариш мақсадида хотин-қизлар тadbиркорлигини йўлга қўйиш масаласида тизимли таҳлиллар ўтказилмаган.

— Қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш ишлари етарли даражада олиб борилмаган, — дейди сенатор **Феруза Эшматова**. — Бундай оилалар аъзолари бўлган хотин-қизларни тadbиркорликка йўналтириш, ўқитишга жалб қилиш, ўз ишини йўлга қўйиш борасида мавжуд имкониятлар тўғрисида хабардорликни ошириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари самарали ташкил этилмаган. Шунингдек, мутасадди идоралар томонидан меҳнат бозоридаги ҳолат етарли даражада таҳлил қилинмаган, мавжуд бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар тегишли ҳисоботларда тўлиқ акс эттирилмаган. Оқибатда ҳақиқатда ишга жойлаштишга муҳтож хотин-қизлар ҳамда ёшлар қатламини аниқлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан манзилли чора-тadbирлар амалга оширилмаган.

Ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан яқка тартибда иш олиб бориш амалиёти яхши йўлга қўйилмагани оқибатда оғир турмуш шароитида бўлган ишсиз хотин-қизлар сони камаймаяпти. Юқоридагиларни инobatта олиб, Олий Мажлис Сенати Вазирлар Маҳкамасига хотин-қизлар тadbиркорлигини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида парламент сўрови юбориш ҳақида қарор қабул қилди.

**Мавлуда ПЎЛАТОВА тайёрлади.**

Президентимиз Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосарини қабул қилди.





# ИНФЛЯЦИЯ:

## одамлар топаётган даромаднинг қадри бўлиши керак

**М**арказий банк Ўзбекистонда инфляция даражаси жорий йилнинг январь-август ойлари давомида 2019 йил якунидаги йиллик 15,2 фоиздан 11,6 фоизгача секинлашгани ҳақида маълум қилди. Шунингдек, асосий ставка 1 фоиз бандга пасайтирилиб, йиллик 14 фоиз даражасида белгиланди. Хўш, юртимизда инфляция ниманинг ҳисобига пасаймоқда? Унинг иқтисодийёта, одамлар турмуш даражасига қандай таъсири бор? Инфляцион хатарлар мавжудми?



### Пулнинг қадри қолмадими?

Ораимизда «Пулнинг қадри қолмади, қанча кўп даромад топсак ҳам, рўзғорга етмаяпти», дейдиганлар оз эмас. Чиндан ҳам, сўнгги йилларда товар ва хизмат нархлари кескин ошиб кетди. Натижада пул қадрсизланди. Бунинг жуда кўп омиллари бор. Оддий мисол: нон нархи эркинлаштирилди. Ўз-ўзидан нарх ҳам юқорилди.

Яна бир қанча омиллар пулнинг қадрсизланишига олиб келди. Ушбу ҳолат иқтисодийётада «инфляция» тушунчаси билан изоҳланади ва унинг даражаси қанчалик юқори бўлса, аҳолининг харид қобилияти шунча пасаяди. Инфляция энг ривожланган давлатлар иқтисодиётида ҳам кузатиладиган ҳодиса, агар у нормал (4 фоиз) ҳолатда бўлса, хавф туғдирмайди. Унинг юқорилиги эса мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти этишига ва аҳолининг даромадига салбий таъсир ўтказиши. Бундан, айниқса, ишчилар, хусусан, ёлланма ишчилар кўпроқ жабр кўради.

Инфляция жараёнида нархларнинг ошиши баробарида иш ҳақлари ҳам ошиб боради. Иш ҳақининг ошиши унинг харид қувватини сезиларли даражада пасайтиради. Бунинг қандай тушуниш керак? Инфляциягача, айтилик, сиз 1 миллион сўм ойлик олгансиз ва бир килограмм гўштни 25 минг сўмга харид қилгансиз. Инфляция ортидан маошингиз 1,1 миллион сўм бўлди, аммо сиз бир килограмм гўштни энди 30-35 мингдан харид қиласиз. Инфляция натижасида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами кўпроқ жабр кўради. Бу қатламга ижтимоий нафақа, стипендия ва моддий ёрдам оладиганларни киритсак бўлади.

### Инфляция ниманинг ҳисобига пасайди?

Ҳақли савол туғилади: Ўзбекистонда инфляция даражаси 2019 йил якунида 15,2 фоиз бўлган ҳолда, саккиз ой ичида қандай қилиб 11,6 фоизга пасайди? Инфляциянинг секинлашишига қайси омиллар сабаб бўлди?

— *Энг аввало, бунга давлат томонидан тартибга солинадиган нархларнинг ўзгаришсиз қолгани сабаб бўлди.* — дейди **Марказий банк раиси Мамаризо Нурмуратов.** — Яъни йил бошидаги прогнозимизда электр энергияси ва табиий газ нархлари эркинлашти-

охиригача электр энергия, коммунал хизматлар, жамоат транспорти тарифлари ва бошқа тартибга солинадиган нархларнинг ўзгаришсиз қолиши билан боғлиқ.

Бундан карантин чекловларининг босқичма-босқич бекор қилиниши билан истеъмолчиларда кечиктирилган талабнинг юзага чиқиши, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари — гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг ортиши, куз-қиш даврида дори-дармонлар, мева-сабзавотлар ва бошқа маҳсулотлар нархларининг мавсумий ошиши каби омиллар қисқа муддатли даврда истеъмол нархларига оширувчи хатарларнинг сақланиб қолишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, аҳолининг келгусида юқори даромад топиши бўйича ишончининг пасайиши, харажатларни мақбуллаштириш хоҳиши ва истеъмолчилар танловларининг ўзгариши натижасида аҳоли томонидан, айниқса, бирламчи эҳтиёж тоифасига кирмайдиган маҳсулотларга бўлган талабнинг қисқариши инфляциянинг секинлашишига хизмат қилади.

### Карантинда аҳоли харажатлари ошдими?

«Инфляция» сўзи аслида назарий тушунча бўлиб, уни баҳоловчи кўрсаткичлар одатда истеъмол нархлари индекси ҳисобланади. Бу индексни ҳисоблаш учун аҳоли фаровонлигини таъминловчи товар ва хизматлар рўйхати, уларнинг аҳамиятлили даражаси ва нархларидати ўзгаришлар бўйича маълумотлар керак бўлади.

Халқаро ташкилотлар тадқиқотлари натижасига кўра, охириги ойда аҳолининг 40 фоизи ўз харажатларини қисқартирган бўлса, 60 фоизининг харажатлари ошган. Карантин шароитида узоқ муддатли истеъмол товарлари (мебель, кийим-кечак, электротехника ва б.) ишлаб чиқариш ҳажми чеклан-

ган. Шу билан бирга, уларга бўлган талаб ҳам аҳоли даромадлари камайиши ҳисобига пасайган.

— Пандемия шароитида аҳолини, асосан, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархидаги ўзгариш қизиқтирди. — дейди **Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази бош илмий ходими Бахтишод Ҳамидов.** — Бу нархларнинг ўзгаришига, бир тарафдан, тақлифнинг камайиши, иккинчи тарафдан, уларга талабнинг ошиши ҳам таъсир этади. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан ўтказилган 10 мингдан зиёд киши қатнашган сўровнома натижалари ҳам қатнашганларнинг 63 фоизи ҳозирда узоқ муддатли истеъмол товарлари харид қилиш учун яхши фурсат эмаслигини таъкидлаб ўтган. 10 фоизи эса харид қилиш тарафдори бўлган.

\*\*\*

Бугунги кунда ҳар қандай даражадаги инфляция салбий жиҳатта эга, деган фикр оммада мавжуд бўлиб, аслини олганда, инфляциянинг ҳар қандай даражаси ҳам иқтисодиёт учун зарарли эмас. Иқтисодий ўсиш учун кам фоизли барқарор инфляция, бу — табиий жараён. Паст даражадаги инфляция иқтисодиётда қўшимча талаб яратиши орқали иқтисодий ўсишга туртки беради. Инфляциянинг умуман йўқ бўлиши эса иқтисодиётнинг ўсиш суръатини пасайтириб юбориши мумкин. Шиддатли инфляция келгусида юқори инфляцияга олиб келиб, иқтисодиётни издан чиқариши мумкин. Шу нуқтаи назардан паст даражадаги барқарор инфляция ижобий ҳисобланади.

Охириги йилларда инфляцияни жиловлашга сиёсий хоҳиш борлиги кўриниб турибди. Жумладан, инфляцион таргетлашга ўтиш ва бюджет қонун кўринишида қабул қилиниши, бир тарафдан, сиёсий тартибни таъминласа, иккинчи томондан, давлат пул-кредит сиёсатидаги ишларнинг аниқлиги ошиши ҳисобига инфляцион қутилмаларнинг жиловланишига хизмат қилади. Шу маънода кейинги йилда инфляция кўрсаткичида 10 фоиз, 2023 йилда 5 фоизлик таргетта эришиш режалаштирилган.

Мухтасар айтганда, одамлар топаётган даромаднинг қадри бўлиши керак. Бир йилда ишлаб топган маблағингизнинг миқдори қанчалиги эмас, шу пулга нималар сотиб олиш мумкинлиги, нималарга қурби етиши муҳимроқ. Макроиқтисодий барқарорликнинг асосий маъноси ҳам одамлар ишлаб топган даромаднинг қадрини ушлаб қолишдир.

**Санжар ИСМАТОВ**  
«Mahalla»

**ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАСИГА КўРА, ОХИРГИ ОЙДА АҲОЛИНИНГ 40 ФОИЗИ ўЗ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРГАН БўЛСА, 60 ФОИЗИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ ОШГАН.**

рилиши мумкинлигини инobatта олган эдик. Пандемия сабабли бу амалга ошмаслигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Шунингдек, бу ҳолат мева-сабзавотлар нархларининг мавсумий пасайиши, иқтисодиётга кредит қўйилмаларининг ўтган йилга нисбатан секинроқ суръатларда ўсгани, валюта курсининг апрель ойидаги девальвациясидан кейинги ойлarda барқарорлашуви ва бошқалар билан изоҳланади.

### Инфляцион хатарлар мавжудми?

Яқин истиқболда иқтисодиётда инфляцияни оширувчи омилларнинг вужудга келиши кутилмаяпти. Бу, биринчидан, жорий йил

**Коронавирусга чалинган абитуриентлар учун тест синовы 17 сентябрь куни ўтказилади.**



# ФУҚАРОЛИККА қабул қилиш қай даражада осонлашади?



эмас, давлат тилида гаплашиши ҳам муҳим эмас, шунчаки Ўзбекистон фуқароси бўлиши учун мулоқот даражасида билса, етарли.

Қонунга кўра, давлат тилини билиш даражасини аниқлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бунда давлат тилини билиш даражасини аниқлаш минимал талаблар асосида тест шаклида амалга оширилади.

Муҳокамалар давомида кимдир бу талаблар керагидан ортиқча деса, яна кимдир айни мудоао, деган фикрларни билдирди. Хуллас, нима бўлганда ҳам қонун кучга кирди. Унда белгиланган меъёрлар 15 сентябрдан бошлаб амалиётга татиқ этила бошланди. Бир сўз билан айтганда, эндиликда Ўзбекистон фуқаролигини олиш учун давлат тилини билиш шарт бўлади.

## «Бу ҳолат мен учун айбдек туюларди...»

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Гулобод» маҳалласида истиқомат қилувчи Музаффар Аширов 24 йил деганда ушалган орзуси ҳақида сўзлаб берди.

— Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятида туғилиб ўсганман, — дейди М.Аширов. — 1996 йил Ўзбекистонга кўчиб келганман. Худого шукр, шу ерда уйланиб, икки фарзандли, уйли-joyли, дўсту биродарли бўлдим. Бироқ менга берилган вақтинчалик ҳужжат билан бирор joyга ишга қиролмасдим. Иш учун ҳужжат топширсам, кўглаб тушунмовчилик ва қийинчиликларга сабаб бўларди. Бу ҳолат мен учун айбдек туюларди. Шунинг учун ўлими ҳаммадан бекитиб яшадим. Ҳужжатларимни ҳам таниш-билишларимдан бекитиб топширганман. Бир куни кутилмаганда телефон бўлиб, фуқароликни олганим ҳақида хабар қилишди. Тўғриси айтсам, шунча йил мени қийнаб келаётган муаммога ечим топилганига ишонгим келмасди.

\*\*\*

Фуқаролик — кишининг шу давлат, шу жамиятта тўлақонли мансуб эканининг белгиси, фуқаролик — инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлиги, барча имконият ва шароитлардан тўлиқ фойдаланиш кафолати ва ниҳоят, фуқароликка қабул қилинганлиги — давлат, жамият, одамларнинг муайян инсонга нисбатан ишончи, ҳурмати. Янги қонун минглаб инсонлар кўнглига ана шу ишонч, эртанги кунига хотиржамлик ҳиссини бахш этди. Ва, албатта, шу юртининг, шу халқнинг ҳақиқий фарзандиман, дейиш ҳуқуқини берди.

Санжар ИСМАТОВ  
«Mahalla»

«Мен — Ўзбекистон Республикаси фуқаросиман!» Кўпчилигимиз учун бу оддий тушунча, уни оддий қабул қиламиз. Шу мамлакат фуқароси сифатида бизга қандай беқиёс имкониятлар, шароитлар яратиб берилаётганига кўп ҳам эътибор беравермаймиз. Бироқ масалага йиллар давомида мамлакатимиз худудида яшаб, ижод қилиб, ишлаб келаётган, аммо фуқаро сифатида тан олинмаган инсонлар нуқтаи назаридан қарасак, фуқароликнинг ҳақиқий қадри-қимматини чуқурроқ англаймиз.



## Фуқароликни олиш нега қийин вазифа эди?

Тан олиш керак, яқин тарихимизда фуқаролик энг баҳсли, ақсар ҳолларда ёпиқ мавзулардан бири бўлиб келди. Маълумотларга кўра, 1991 йилдан 2007 йилга қадар республикамизда жами 482 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган. 2007 йилдан 2016 йилнинг декабрь ойига қадар ҳеч кимга фуқаролик берилмаган. Бу эса амалда кўглаб инсонлар Ўзбекистонда яшаб, унинг тараққиётига ҳисса қўшиб келаётган бўлса-да, юридик жиҳатдан ҳуқуқлардан маҳрум эканига сабаб бўлиб келаётган эди.

Хўш, нега шу вақтгача Ўзбекистон фуқаролигини олиш жуда мураккаб, шу билан бирга, қийин вазифа бўлиб келди? Бунинг қандай сабаблари бор эди? Янги қонун билан қандай тартиблар жорий этилмоқда? Айни саволларга жавоб топиш мақсадида **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Ҳазратқул ХўЖАМҚУЛОВ**га муурожаат қилдик.

— Айтиш керакки, фуқароликка олишдаги мураккабликларнинг ўзига яраша сабаблари бор эди, — дейди **Х.Хўжамқулов**. — Хусусан, маълум вақт бўлдики, қўшни давлатларда нотинчлик юзага келиб, бу ҳолат бизга таъсир қилмаслигини таъминлаш зарур эди. Нотинчлик ўз-ўзидан юзага келмайди. Жумладан, Афғонистонга ҳам, Қирғизистонга ҳам чеккадан келган шахслар ўз таъсирини ўтказган ва шу таъсир доирасида аҳолининг ўзи давлатчилик бошқаруви инкирозига сабабчи бўлишган. Шунингдек, аввалги қонуннинг асосий камчилиги — у 1992 йилда қабул қилинган бўлиб, айни вақтда фуқароликни расмийлаштириш билан боғлиқ муносабатларни тўлиқ қамраб ололмаган. Бу ерда

давлат ва фуқароликни оладиган шахс ўртасидаги муносабатлар ҳақида гап кетяпти. Ўша муносабатлар қонунда акс этмаган ва уни тўлиқ тартибга олиш нормалари мавжуд эмас эди.

Юқоридаги масалаларнинг ечими сифатида «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилди ва 2020 йил 13 мартда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди. 15 сентябрдан бошлаб мазкур қонун тўлиқ кучга кирди.

## Жараён қай тартибда амалга оширилади?

Айтиш керакки, янги қонун билан фуқароликка қабул қилиш тамойиллари эркинлаштирилди, ҳужжатда либерал моддалар кўпайиб, бюрократик нормалар каймайд. — 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистон худудига кириб келган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ҳамда мазкур қонун кучга киргунига қадар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон фуқароси деб тан олинади.

— Фуқароликка қабул қилишнинг умумий, соддалаштирилган ҳамда алоҳида тартиблари белгиланди, — дейди **Х.Хўжамқулов**. — Унга кўра, чет давлат фуқароси бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланган ватандошга нисбатан Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилади. Умумий тартибда фуқаролик Ўзбекистон худудидан узлуksиз беш йил яшаган хорижий давлат фуқаролари (хорижий давлат фуқаролигидан чиқишни расмийлаштирган бўлса), шунингдек, яшаш маълумотномасига эга бўлган фуқаролиги бўлмаган шахсларга тақдим этилади. Алоҳида тартибда эса Ўзбекистон Республикаси

Президентининг ташаббуси билан берилади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, бу жараёнда жуда эҳтиёткор бўлмоқ керак. Чунки шахс фуқароликка қабул қилинганидан кейин у Ўзбекистон фуқароси учун белгиланган барча ҳуқуқларга эга бўлади — сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, давлат хавфсизлиги, ички ишлар, прокуратура, ҳарбий хизмат, давлат бошқарув органларида ишлаш. Демак, биз Конституцияга амал қиладиган, Ўзбекистон давлатчилиги қонунларини ҳурмат қиладиган ва тан оладиган шахсларни фуқароликка қабул қилишимиз керак.

## «Биз меҳмон эмас, фуқаро қабул қиламиз»

Қонунга Ўзбекистон фуқаролигига умумий тартибда қабул қилишнинг асосий шартларидан бири сифатида ариза топширган шахснинг давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур даражада билиши ҳам киритилди. Қонун лойиҳаси муҳокамаларида бу талаб жуда катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Хўш, тилни билишни тасдиқлаш зарурати нима билан изоҳланади?

— Айтиш керакки, халқаро тажрибада ҳам фуқаролик беришда давлат тилини билишга талаб қўйилади, — дейди **Х.Хўжамқулов**. — Бу ерда гап давлат тили — ўзбек тили эканлиги устида кетмаяпти. Биз «Давлат тили тўғрисида»ги қонунни қабул қилганмиз ва давлат бу борада сиёсат юритиши шарт. Шунингдек, биз меҳмон қабул қилмаямиз, балки фуқаро қабул қиляпмиз. Демак, Ўзбекистонда доимий яшайдиган, шу ерда уйли-joyли бўладиган киши мулоқот даражасини билмаса, у қандай яшайди? Фуқаро давлат тилида маъруза қилиши ёки ёзиши шарт

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳайъати таркиби тасдиқланди.



**М**еҳнат кодексиди ходим учун иш вақтининг нормал муддатлари белгилаб берилган. Кодекснинг 115-моддасига кўра, ишнинг муддати ходимлар учун ҳафтасига 40 соатдан, яъни олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги 7 соатдан, беш кунлик иш ҳафтасига эса 8 соатдан ортиб кетмаслиги лозим. Афсуски, ҳуқуқий база таъминланган бўлса-да, кўп ҳолларда айрим соҳаларда бу нормаларга риоя қилинмаяпти.



Мослаштирилган иш вақти белгиланаётгани ҳам қонун лойиҳасининг муҳим жиҳатларидан. Бу маълум бир гуруҳлари учун иш кунининг бошланиши, тугаши ва умумий иш куни муддатини ходимнинг ўзига тартибга солишга руҳсат этган ҳолда иш вақтини ташкил этиш усули ҳисобланади.

### Карантин шароитида қисман иш ҳақи тўланадими?

Коронавирус пандемиясига қарши чора-тадбирларни амалга оширишдан олинган сабоқларни ҳисобга олган ҳолда, ходимга қисман иш ҳақи билан, лекин энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган таътил бериш имкониятини белгилайдиган, шунингдек, иш ҳақи тўланмаган таътилни 6 ойгача узайтирадиган меъёрларни жорий этиш кўзда тутилмоқда.

— Мамлакатда эки минтақада фавқулодда ҳолат эки карантин чоралари эълон қилинганда ходимнинг розилигисиз меҳнат шартномасига ўзгартириш киритиш шартлари белгиланмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одилбек Тожиёв. — Шу билан бирга, ҳужжатда меҳнат шартномасини тузиш билан боғлиқ айрим муносабатлар такомиллаштирилмоқда. Жумладан, ишга қабул қилишга йўл қўйилмайдиган ёшга аниқлик киритилиб, ишга қабул қилишда дастлабки синов белгиланмайдиган шахс тоифалари кенгайтириляпти. Бу ортиқча бюрократия, оворагарчиликларни камайтириб, ходимлар ҳуқуқларини таъминлайди.

Умуман айтганда, ушбу ҳужжат мазкур соҳадаги қатор муаммоларни, меҳнат бозоридидаги вазиятнинг инobatта олиб, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, қонуний хал қилишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

С. ИСМАТОВ

# КОДЕКС ТАЛАБЛАРИ ҚАЧОН ТўЛИҚ БАЖАРИЛАДИ?

Жумладан, баъзи ҳолларда ходимлар вақти одатдаги 8 соат ўрнига 10 ёки 12 соатгача чўзил-япти. Бунинг эса фойдасидан зарари кўпроқ. Аввало, бу ҳолат ходимнинг меҳнат унумдорлигини пасайтиради. Шунингдек, шу ташкилотга иқтисодий тарафдан ортиқча харажатга (масалан, ортиқча электр энергияси ва бошқа сарф-харажатларга) олиб келади. Қолаверса, ходимнинг ўз оиласи даврасида ўтказадиган вақтини қисқартиради. Бу, айниқса, фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Баъзи ҳолларда эса иш вақти қонунчилик нормаларига эмас, аксинча, раҳбарнинг ишда бўлиш ё бўлмаслигига қараб белгиланмоқда. Айрим ходимлар раҳбарнинг ишдан кетиш вақтини пойлаш билан умр ўтказмоқда. Бу эса ачинарлидир...

Юқорида меҳнат муносабатларига оид биргина ҳолатга тўхталиб ўтдик, бундай вазиятларга эса, афсуски, кундалик ҳаётимизда кўп бор дуч келамиз. Кўриниб турибдики, амалдаги меҳнат қонунчилигини замон талабларига мослаш, унга ходимлар манфаатларини таъминлаш бўйича айрим ўзгартиришларни киритиш фурсати етди. Шу маънода Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат кодексининг янги таҳрири устида иш бошланди.

— Меҳнат кодексиди ходим ва иш берувчи ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қиладиган асосий қонун ҳужжати ҳисобланади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Мавлудхон Хўжаева. — Бироқ, тан олиш керакки, қабул қилинганига 25 йил тулган мазкур кодекс бугунги кун талабига жавоб бермай қолди. Унда фуқароларни меҳнат фаолиятига жалб қилишнинг янги турли хил шакллари билан фаол

ривожланиши каби бир қатор масалалар ҳисобга олинмаган, ҳужжатда ишламайдиган ҳаволаки нормалар талайгина. Янги ишлаб чиқилаётган кодекс лойиҳаси 2 қисм, 34 боб ва 621 моддадан иборат бўлиб, унинг асосий жиҳати

— Амалиётда кўп қузатганмиз, иш берувчи ходимнинг ишлаш даражасидан қатъи назар, унинг пенсия ёшига тўлиши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиши ҳолатлари мавжуд, — дейди М.Хўжаева. — Бу Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат ва бандлик соҳасидаги камситишларни бартараф этиш тўғрисидаги конвенциясига мос келмайди. Шу боис лойиҳада ходимнинг пенсия ёшига тўлиши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асоси чиқариб ташланмоқда. Шунингдек, амалдаги кодексда бўлмаган иш билан таъминлаш жараёнларини рақамлаштириш, электрон меҳнат дафтарчаларини юритиш, меҳнат шартномаларини тузиш ва ягона маълумот базасида рўйхатдан ўтказиш тизими очиб берилмоқда.

**БАЪЗИ ҲОЛЛАРДА ЭСА ИШ ВАҚТИ ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИГА ЭМАС, АКСИНЧА, РАҲБАРНИНГ ИШДА БўЛИШ Ё БўЛМАСЛИГИГА ҚАРАБ БЕЛГИЛАНМОҚДА.**

— у тўғридан-тўғри ишлайдиган хусусиятга эга бўлиб, қўшимча қонуности ҳужжатларни қабул қилишни талаб қилмайди.

### Ходим иш вақтини ўзи белгилайдими?

Маълумотларга кўра, сўнгги йилларда юртимизда иш билан банд бўлганлар сони 1,5 баробарга (8,8 млн.дан 13,5 млн.гача), иш берувчилар сони 4,5 баробарга (203,2 мингдан 928,9 минггача) ошди. Бу эса ҳар икки томон муносабатларида фаол ривожланиш талабларини ҳисобга олишни тақозо этмоқда.

Лойиҳада иш берувчи субъектлар сифатида мулкӣ ва идоравий мансублигидан қатъи назар, ташкилотлар, ёлғаш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ҳамда жисмоний шахслар белгиланмоқда. Мазкур қонуннинг белгиланиши ишчи ўринларининг кўпайиши, норасмий секторда фаолият олиб борувчи шахсларнинг қисқариши ҳамда уларнинг ҳуқуқларини доимий равишда ҳимоя қилинишига олиб келади.



### МЕНДА САВОЛ БОР...

#### Тушлик пайтида иш талаб қилиш тўғрими?

— Тушлик вақти қонун билан аниқ белгилаб қўйилганми? Бошлиқ уни қисқартириш ёки тушлик пайтида ишлашни сўраши мумкинми?

Ноила РУСТАМОВА,  
Тошкент шаҳри.

Фаррух Жўраев,  
Адлия вазирлиги масъул ходими:


— Агар раҳбарият ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан ҳоли бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақтдан, яъни дам олиш вақтидан маҳрум этса, бу қонунчиликнинг бузилишидир.

Меҳнат кодексининг 127-моддасига кўра, ходимга иш куни (смена) давомида дам олиш ва овқатланиш учун танаффус берилиши керак, бу танаффус иш вақтига киритилмайди. Танаффус бериш вақти ва унинг муҳлати ички меҳнат тартиби қоидаларида, смена графикларида эки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади.

Ишлаб чиқариш шароитига кўра дам олиш ва овқатланиш учун танаффус бериш мумкин бўлмаган ишларда иш берувчи ходимга иш вақтида овқатланиб олиш имкониятини таъминлаш шарт. Бундай ишларнинг рўйхати, овқатланиш тартиби ва жойи ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилади.


Ўзбекистонда 330 минг нафардан ортиқ фуқарога бир марталик моддий ёрдам берилди.





# СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ: Ўзбекистонда уни ривожлантириш истиқболлари борми?

**Я**қинда интернетда «Podoon» ёстиғи ҳақида ўқиб қолдим. Ёстиқ бўйин остеохондрозини даволашда қўл келади. Унинг қулайлиги — киши чалқанча ётса, у ёқ-бу ёғига ағдарилса, шароитга қараб кўтарилади ёки пасаяди. Ёстиқ ичига датчик ўрнатилгани боис у ҳаво босимини ўзгартириш хусусиятига эга. Ўзига хос операцияларни автоматик тарзда бажарадиган бу каби сунъий интеллект намуналари XXI аср мўъжизаси, деб баҳоланмоқда.



тика ёки даволаш усуллари билан бемор натижалари ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилишга асосланган. Аммо бу марказлашган аҳоли пунктларигагина хос бўлиб, қуйи поғонадаги соғлиқни сақлаш масканлари сунъий интеллектта сармоя киритишнинг энг муҳим объекти бўлиб қолмоқда.

## Ўзбекистон нечанчи ўринда?

Ўзбекистон ҳукумати томонидан сунъий интеллектдан фойдаланиш жараёнига жиддий эътибор қаратилаётган бўлса-да, Халқаро тараққиёт тадқиқот марказининг 2019 йилдаги ҳисоботида кўра, республикамиз 190 та мамлакат орасида 158-ўринни эгаллаб турибди. Мазкур рейтингда юқорига чиқиш имкони борми?

— Бунинг учун йўналишдаги илмий ишланмалар сонини кўпайтириш, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилиши зарур, — дейди **Жамшид Қаршиев**. — Айнан шундай тизим ИТ-технологиялари

## Сунъий интеллект нима?

Сунъий интеллектдан инсон ақл-идрокига тенглаштириш мумкин бўлган алгоритмик тўплам сифатида 1956 йилдан бери фойдаланилмоқда. У одамзотнинг мантиқий ва ижодий функцияларини бажарувчи тизим ҳисобланади. Инсоният томонидан қабул ишланган фантастик кинофильмлардаги ерга вайронагарчилик келтирувчи одамга ўхшаш машина, дея тасаввур қилувчилар ҳам йўқ эмас. Аммо бу тушунча ҳақиқатга зиддир. Сунъий интеллект технологиялари ҳар қандай соҳани ўзгартириши мумкин, аммо унинг имкониятлари чексиз эмас. Унинг асосий чекловлари шундаки, маълумотдаги ҳар қандай ноаниқлик натижага таъсир кўрсатади. Сунъий интеллект технологияси маълумотлар ҳажми кўпайиши, алгоритмлар такомиллаштирилиши, ҳисоблаш қуввати ва ахборотни сақлашнинг оптималлашгани фонидан ўз эътирофига эришиб улгурди.

Айримлар бу атамани эшитганда темир одамларни кўз ўнгига келтиради. Бу гўёки катта маблағ эвазига ишланган фантастик кинофильмлардаги ерга вайронагарчилик келтирувчи одамга ўхшаш машина, дея тасаввур қилувчилар ҳам йўқ эмас. Аммо бу тушунча ҳақиқатга зиддир. Сунъий интеллект технологиялари ҳар қандай соҳани ўзгартириши мумкин, аммо унинг имкониятлари чексиз эмас. Унинг асосий чекловлари шундаки, маълумотдаги ҳар қандай ноаниқлик натижага таъсир кўрсатади. Сунъий интеллект технологияси маълумотлар ҳажми кўпайиши, алгоритмлар такомиллаштирилиши, ҳисоблаш қуввати ва ахборотни сақлашнинг оптималлашгани фонидан ўз эътирофига эришиб улгурди.

## Глобал иқтисодий ўсишнинг «ёқилғиси»

Тадқиқот ва таҳлиллар ахборот технологиялари ва сунъий интеллект яқин келгуси йилларда глобал иқтисодий ўсишнинг асосий «ёқилғиси» ва дунё ЯИМнинг асосий қисмини ташкил этишини кўрсатмоқда. БМТ маълумотларига кўра, 2022 йилга келиб дунё бўйича ЯИМнинг қарийб чорак қисми рақамли технологияларга боғлиқ бўлиб қолиши прогноз қилинган.

— Канада, Сингапур, БАА, Финляндия, Япония, Хитой, Италия, Тунис, Буюк Британия, Германия каби ўнлаб давлатлар сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияларини эълон қилган, — дейди **Инновацион ривожланиш вазирлиги бўлим бошлиғи Жаҳонгир Саматов**. — Ўзбекистонда юритилаётган рақамли иқтисодиёт сиёсати замирида ҳам сунъий интеллектни ривожлантириш мақсади кўзда тутиляпти. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 апрелдаги «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг мувофиқ рақамли иқтисодиёт билан шуғулланидиган яхлит тизим яратилди. «Электрон ҳукумат», иқтисодиёт тармоқлари ва қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, ИТ паркларини ташкил этиш ва бошқариш каби вазифалар тўлиқ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ваколатига ўтди.

## «Ақлли дастурлар» оммалаштириляпти?

Мамлакатимизда сунъий интеллектни амалиётга жорий этиш жараёни айрим соҳаларда ривожланаётган бўлса, баъзи тармоқларга у ҳали умуман кириб ҳам бормаган.

— Андижон технопаркида қишлоқ хўжалиги майдонлари ҳолатини сунъий йўлдош маълумотларидан фойдаланиш орқали тезкор ва аниқ баҳолаш тажрибаси синаб кўрилмоқда. — дейди **илмий изланувчи Жамшид Қаршиев**.

— Лойиҳа доирасида вилоятнинг жами 6 та майдони танлаб олиниб, вектор форматда «Monterra» онлайн платформасига жойлаштирилди. Бу ер эгалари учун сунъий йўлдош технологиялари ёрдамида экинзор ҳолатига оид тегишли хулосани узатиш имконини беради. Аммо бундай технологиялар синови бошқа ҳудудларда ҳам амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

«Ақлли мактаб» дастури жорий этилган Фарғона шаҳрининг 10 та мактабидан ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзулар фанлар кесимида аниқланмоқда. Хулосага таяниб, ҳар бир мактабда фанларнинг тўлиқ ва сифатли ўзлаштирилиши бўйича чора-тадбир белгиланади. Ота-оналар боласининг ўқиб-ўрганиши бўйича мобил илова гистограммаси орқали хабардор бўлиб боради. Айни пайтда бу дастур пассив ўқувчига қай жиҳатдан ёндашишга «йўл» кўрсатади. Билимни автоматик тарзда аниқлашга имкон берувчи сунъий тафаккур тизими анъанавий қоғоз шаклидаги журналга баҳо қўйишга барҳам бериб, ўқитувчига ўз устида кўпроқ ишлаши учун шарт-шароит яратяди.

«Ақлли мактаб» дастури жорий этилган Фарғона шаҳрининг 10 та мактабидан ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзулар фанлар кесимида аниқланмоқда. Хулосага таяниб, ҳар бир мактабда фанларнинг тўлиқ ва сифатли ўзлаштирилиши бўйича чора-тадбир белгиланади. Ота-оналар боласининг ўқиб-ўрганиши бўйича мобил илова гистограммаси орқали хабардор бўлиб боради. Айни пайтда бу дастур пассив ўқувчига қай жиҳатдан ёндашишга «йўл» кўрсатади. Билимни автоматик тарзда аниқлашга имкон берувчи сунъий тафаккур тизими анъанавий қоғоз шаклидаги журналга баҳо қўйишга барҳам бериб, ўқитувчига ўз устида кўпроқ ишлаши учун шарт-шароит яратяди.

«Ақлли тиббиёт» — «электрон навбат», «беморнинг электрон карточкаси», «электрон рецепт», «электрон карточка» каби хизмат турлари ҳеч кимга янгилик эмас. Бу борада ишлаб чиқилган сунъий интеллект дастурлари профилактика

**Баҳ-райндаги қурилиш объектларида корона-вирус ва бошқа микроорганизмларни 30 дақиқа ичида 90 фоизгача йўқ қила оладиган, вирусга қисқа тўлқинли ультранауша нур ёрдамида таъсир қиладиган робот тажриба-синовдан ўтказилмоқда.**

ривожланишининг тезкор суръатларини ҳисобга олмас экан, сунъий интеллектни амалиётга кенг татбиқ этиб бўлмайдди. Телекоммуникация инфратузилмасини етарлича ривожлантириш, олис аҳоли пунктларини ҳам замонавий технологиялар билан таъминлаш ўз ечимини кутмоқда.

Дарҳақиқат, ривожланган давлатлар қаторига қўшилишда айнан сунъий интеллект масаласига қай жиҳатдан ёндашишга кенг татбиқ этиб бўлмайдди. Телекоммуникация инфратузилмасини етарлича ривожлантириш, олис аҳоли пунктларини ҳам замонавий технологиялар билан таъминлаш ўз ечимини кутмоқда.

**Хулқар ҚУЗМЕТОВА**  
«Mahalla»

## Мавзуга оид маълумот:

Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ, «электрон ҳукумат» доирасида **1,3** триллион сўмлик **104 та**, иқтисодиётнинг реал секторига **5,3** триллион сўмлик **87 та**, телекоммуникациялар борасида **15,1** триллион сўмлик **35 та**, аграр соҳада **24 та**, ИТ парклар бўйича **18 та** лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

**Энергия ресурсларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўйича яхлит онлайн тизим яратилади.**







Одамлар орасида «Ҳозирги замонда қоғоз гапиреди» деган ибора бор. Ҳақиқатан ҳам, уй сотасизми, кредит оласизми ёки бошқа бирор иш билан шуғулланасизми, қайси ташкилот эшигини қоқманг, сиздан қандайдир маълумотнома, рухсатнома каби турли ҳужжатларни талаб қилади. Бу эса фуқароларнинг гоҳ у давлат идораси, гоҳ бу ташкилот эшигида оворая сарсон бўлиши, коррупция, бюрократия каби тўсиқларга дуч келишига сабаб бўлади.

# ҚИШЛОҚ ОДАМЛАРИ

## қачон сифатли давлат хизматидан фойдаланади?

**Оворагарчиликлар қачон тугайди?**  
«Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади». Айни гоҳ асосида Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилгани юқоридаги каби ҳолатларга чек қўяётгани бор гап. Энди биргина Давлат хизматлари марказига бориб, 150 га яқин ҳужжат турларини олиш мумкин. Албатта, бу қулайлик одамларнинг оғирини енгил қилди.

Бироқ бундай марказларнинг, асосан, туман ва шаҳар марказларида жойлашгани марказдан қарийб 50-60 километр, баъзи жойларда 100 километр узоқликдаги олис ҳудуд одамлари учун айрим қийинчиликларни туғдираётгани аниқ ҳақиқат. «Бир парча қоғоз»ни деб шунча масофани босиб ўтиш, тоғу тошлар, чўллардан ўтиб, марказга бориш нафақат вақтни, балки йўл ва бошқа харажатлар учун нақдини ҳам ортиқча сарфлашга сабаб бўлмоқда. Ҳўш, олис ҳудуд одамлари қачон сифатли давлат хизматларидан фойдаланади? Маҳаллаларда

чекка қишлоқ ва овулларда яшайдиган одамлар учун ноқулайлик туғдираётгани ҳам бор гап. Айни муаммони бартараф этиш мақсадида қишлоқларда шохобчалар ташкил этилиб, туманлардаги ДХМлар ходимлари томонидан ҳафтанинг дам олиш кунлари чекка ҳудудларда давлат хизматлари кўрсатилди. Айниқса, бугунги таҳликали даврда бу амалиёт кўпчиликка манзур бўлди.

**Ҳам вақт, ҳам нақд тежалади**  
Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани марказидан қарийб 100 километр узоқда жойлашган Бўзтепа қишлоғи аҳолисининг ҳудуд марказига бирор ҳужжат билан боғлиқ иш учун бориб келиши, айниқса, қиш-қировли кунлар, қолаверса, тоғли йўл бўйлаб қийин кечади. Шу маънода мазкур қишлоқда ташкил этилаётган сайёр давлат хизматлари кўрсатиш тадбирлари одамлар учун аниқ муудо бўлмоқда.

— Айниқса, қиш-қировли кунларда туман марказига бориб келишимиз янада қийинлашади, — дейди мазкур маҳаллада яшовчи Муродбек Саломов. — Лекин бирор кун йўқки, аҳоли, айниқса, тадбиркорларимиз юмуш билан Давлат хизматлари марказига бормаса. Шу маънода ДХМ мутахассислари ўзлари мобил автобусда келиб, биз учун давлат хизматлари кўрсатаётгани ишимизни янада осон қилмоқда. Аҳолининг ҳам вақти, ҳам нақди тежалиб, узоғи яқин, оғири енгил бўлди.

Агар марказнинг филиали қишлоғимизда очилса, одамлар учун янада кенг имкониятлар яратарди.

**Маҳаллаларда ДХМ филиали очиладими?**  
Давлат хизматлари кўрсатувчи шохобчаларнинг биринчиси тажриба тариқасида Қорақалпоғистон

Республикаси Кўнғирот туманидаги Қорақалпоқ қишлоғида ташкил этилди. Мазкур аҳоли пункти туман марказидан 380 километр йироқда жойлашган. Яъни ҳудуд одамлари ортиқча вақт ва пул сарфлаб, туман марказига қатнамасдан маҳалласида очилган шохобчада ишларни битказиш имкониятига эга бўлди.

Аммо ҳудудларда шундай манзиллар ҳам борки, уларга етиб бориш вақти 5-7 соатни ташкил этиб, чўл ёки тоғли ҳудудларни кесиб ўтиш талаб этилади. Бу эса филиал ходимларининг ўзи у ерга бориб келишига бир кун вақт талаб қилишини кўрсатди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 31 январдаги «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалар аниқ шу муаммоларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятли.

— Фармонга кўра, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларда ДХМлар филиалларини босқичма-босқич ташкил этиш белгиланди, — дейди Н.Муҳаммадиев. — Жисмоний ва юридик шахсларга кенг қамровли, шу жумладан, мобил (сайёр) давлат хизматлари кўрсатиш филиалларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Филиаллар маҳаллаларнинг фуқаролар йиғинлари биноларида бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади. Бугунги кунда республикамизнинг олис ва бориш қийин бўлган жойларида ДХМларнинг 68 га яқин филиаллари халқ хизматида. Жорий йилнинг олти ойи давомида мазкур филиалларда 18 мингга яқин давлат хизматлари кўрсатилди.

Айтиш керакки, ўтган қисқа фурсат ичида бу каби филиаллар ҳудудларда яшаётган одамлар учун ниҳоятда зарурлиги, одамларнинг турмуш шароитини янада енгиллаштириб, ортиқча югур-югур, оворагарчиликларнинг олдини олиши исботланди.

**“ БУГУНГИ КУНДА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ОЛИС ВА БОРИШ ҚИЙИН БЎЛГАН ЖОЙЛАРИДА ДХМЛАРНИНГ 68 ГА ЯҚИН ФИЛИАЛЛАРИ ХАЛҚ ХИЗМАТИДА. ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ОЛТИ ОЙИ ДАВОМИДА МАЗКУР ФИЛИАЛЛАРДА 18 МИНГГА ЯҚИН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛДИ. ”**

— Шароф Рашидов тумани марказидан 40 км. олисда жойлашган Равот қишлоғи аҳолиси ҳам энди давлат хизматлари бўйича ўз ҳудудларида мурожаат қилиш имконига эга бўлишди, — дейди туман давлат хизматлари маркази директори Насим Бекмуродов. — Бу эса, ўз навбатида, ортиқча вақт ва йўл харажатларини қисқартирди деганидир. Давлат хизматлари марказининг филиали ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари фуқароларга хизмат кўрсатади. Филиал Равотга яқин ҳудудда жойлашган қишлоқлар аҳолиси учун ҳам қулайликлар яратади.

Албатта, давлат хизматлари кўрсатиш соҳаси доимий равишда тараққий этиб, аҳолига янада кенг қулайликлар яратилиши — давр талаби. Бунда хориз тажрибасидан фойдаланган ҳолда, рақамли иқтисодий соҳага татбиқ этиш ҳам яхши самара беради. Айни жиҳатдан 2021 йил 1 январдан давлат хизматлари аҳоли гавжум бўлган ва жамоат жойларида ўрнатиладиган инфокиоскалар орқали ўзига ўзи хизмат қилиш тамойили асосида кўрсатилиши ҳам режалаштирилмоқда. Бундай қулайликлар аҳолининг ўз турмуш тарзи, ҳаётидан мамнун, рози бўлиб яшашига хизмат қилади.

Санжар ЭШМУРОДОВ  
«Mahalla»

**“ Мавзуга оид маълумот: ”**  
Жорий йилнинг ўтган даврида Давлат хизматлари агентлиги томонидан давлат хизматлари кўрсатувчи орган ва бошқа ташкилотларда **62 минг 421 та қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди.**

ДХМ филиалларини очиш фурсати етмадимми?

— Чиндан ҳам, юзлаб давлат хизматларининг бир ташкилотда бирлаштирилгани аҳолига кенг қулайликлар яратди, — дейди Давлат хизматлари агентлиги директори ўринбосари Нўмон Муҳаммадиев. — Бироқ уларнинг ҳудуд марказларида жойлашгани

Ўзбекистон 79,3 минг тоннадан зиёд қовун-тарвуз экспорт қилди.



# ЯНА ЯНГИ УЙЛАР МУАММОСИ:

## Нега одамлар пулини тўлайдию, бекаму кўст уйни қабул қилиб олмайди?

«Ўзшаҳарқурилишинвест» ИК МЧЖ маълумотларига кўра, юртимиз шаҳарларида 2017 йилда 191 та, 2018 йилда 402 та, 2019 йилда эса 355 та арзон кўп қаватли уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилган. Хусусий қурилиш фирмалари томонидан аҳолига тортиқ этилаётган тураржой объектлари эса янада салмоқли рақамни ҳосил қилади.

Энди ҳақли саволлар тугилади: давлат томонидан сифат, муддат ва нарх мақбуллигини таъминлаш, аҳоли диди, талабига тўлиқ мос тушадиган уй-жойларни фойдаланишга топшириш бўйича муҳим кўрсатмалар берилса-да, бунинг ижроси қандай бўлмоқда? Хоҳ арзон, хоҳ қиммат нархдаги квартира бўлсин, янги уйга кўчиб кирган оила ҳеч қандай муаммога дуч келмаяптими? Бу масалага мутасадди идораларнинг муносабати қандай?

### «Янги уйга 4 миллион сўм сарфладик!»

Саволлар шу қадар кўпки, агар каттагина миқдордаги биринчи тўлов билан тайёр уй-жойга кўчиб кирган оила соҳибларига юзлансангиз, ҳасратидан чанг чиқади. Юқоридаги суммадан ажабланманг, янги уй-жойга кўчиб кирганидан қувончи ичига сиғмай юрган юртдошларимиз билан гаглашсангиз, бундан ҳам каттароқ суммани айтувчилар топилади. Уларга ҳам осон эмас, ахир, биринчи тўлов учун йиққан-терганини ёки қарз-ҳаволага олганини сарфласа-да, кўчиб кирган кунидан бошлаб, ташвишларга кўмилса?

— Ёзувчилар уюшмаси аъзолари учун қурилиб, имтиёзли ипотека

### Мавзуга оид маълумот:

**Жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида «Ўзшаҳарқурилишинвест» инжиниринг компаниясига уй-жой харид қилган фуқаролардан 300 та шикоят келиб тушган ва талаблари қондирилган.**

кредити асосида тақсимланган янги квартирага эга бўлди. — дейди Ўзбек тили ва адабиёти университетининг олий адабиёт курси тингловчиси Башорат Отажоновна. — Сиртдан қараганда, кўркам ва жозибдор. Дастлабки тўлов учун умумий қийматнинг 15 фоизи, яъни 56 миллион сўмни тўлади. Беш қаватли уй-жойнинг 6-қавати ҳам бизга тегишли бўлиб, 92 кв.метрдан иборат. Очиғини айтсам, кўчиб киришимиз билан муаммолар гирдобиди қолдик.



Биринчи кунданоқ ванна сувидан фойдалансак, пастдаги кўшнлар югуриб чиқишди. Уларнинг девори оқиб тушган сув туфайли хароб бўлган экан. Исми жисмига монанд бўлмаган «Мустаҳкам қурилиш» хусусий қурилиш компанияси вакилига бу масалада муурожаат қилишим билан телефонини учуриб қўйди. Шунингдек, очик айвонга чиқадиغان эшиклар калити бўлса-да, қулфланмайди. 6-қаватга чиқиладиган зина қопламаси ҳолатдан сина бошлади. Плинтус ҳам наридан-бери ўрнатилган. Хуллас, август ойининг ўрталарида уйга кўчиб кирган бўлсак, майда-чуйда нуқсонларни бартафат этиш учун 4 миллион сўм сарфладик.

### Шаҳарсозлик қандай талабларга жавоб бериши керак?

Хўш, юқоридаги сингари ортиқча харажатга тушган кишиларни ким химоя қилади? Амалда бундай муаммоларга қонунчилик нуқтаи назаридан ечим борми? 2002 йилда қабул қилинган Шаҳарсозлик кодексига тураржой объектларига қўйиладиган сифат масаласи эътиборга олинганми? Албатта, ўша даврдаги қурилиш ишлари ҳажми ва сифатини ҳозирги вақтда кетаётган кенг қўламдаги бунёдкорлик жараёни билан тенглаштириб бўлмас экан, у ҳолда кодекс қачон янгиланади?

— Ўзбекистон қурилиш жадал ва тезкор кетаётган мамлакат ҳисобланади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Носиржон Аминов. — Бу ҳолат ўз ўзидан шаҳарсозлик бўйича янги талабларни келтириб чиқаради. Президентнинг виртуал қабулхонаси, ҳуқуқ-тартибот идоралари, Халқ қабулхоналари ва бошқа ваколатли органларга аҳолидан келиб тушаётган муурожаатлар айна



йўналишдаги қонунчилик нормаларини такомиллаштириш заруратини кун тартибига қўймоқда. Муурожаатларда, асосан, уйнинг ички қисмида йўл қўйилган пардозлаш, коммуникация тармоқлари билан боғлиқ камчиликларга ким жавобгар, пудратчи ташкилотлар масъулиятини оширадиган қонун ҳужжатлари борми, нега улар ишламайди, деган ҳақли саволларга дуч келинади.

Айтишим керакки, янги тахрирда ишлаб чиқилаётган Шаҳарсозлик кодексига кенг жамоатчилик вакиллари-нинг айнан шу мазмундаги 50 га яқин тақлиф-мулохазаларини сингдирдик. Кодексга 12 та янги модда киритилди, шунингдек, 164 та қисм, 30 дан ортиқ мавхум ва ортиқча ҳавола чиқариб ташланди, 91 та тахририй тузатиш киритилди. Ҳужжатнинг мазмунан янгилашиши қурилишда сифат устидан назорат қилиш турларини қонуний жиҳатдан белгилаш имконини беради. Инспекция, техник, муаллифлик назорати кучаяди. Пудратчи ташкилот ички назоратни кодекс талаблари даражасида амалга оширсагина, аҳолининг янги объектда учрайдиган нуқсонларга нисбатан эътирози камаяди, бу эса рисоладагидек шаҳарсозлик нормалари яратилди, деганидир.

### Қурилишда қачон сифат назорати ўрнатилади?

Маълумки, қурилиш соҳасини жадаллаштириш, объектнинг сифат, муддат, нарх жиҳатидан барча талабларга жавоб бериши бўйича 33 та қонун, қарор, фармойиш қабул қилинган. Хўш, уларнинг ижроси қай даражада таъминланаяпти? Агар охириги тўрт йил ичида кучга кирган мазкур ҳужжатлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилганда эди, аҳоли вакилларида ҳақли эътирозлар, норозиликлар тугилмасмиди? Қурилиш вазирлиги мутасаддилари бу масалага қандай қарайди?

— Аҳоли — истемолчи, объектдан фойдаланувчи сифатида ҳамisha ҳақ — дейди Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси масъул ходими Муҳаммаджон Мўминжонов. — Янги уйга катта миқдордаги пулни тўлаб кирган киши яна ўз ҳисобидан таъмирлашга киришса, бу адолатдан бўлмайди, албатта. Беш қўл баравар эмас. Афсуски, айни пайтда фаолият юритаётган 38 минг 718 та қурилиш-пудратчи ташкилот раҳбарларининг барчаси ҳам объектни амалдаги талаблар бўйича топширишга масъулият билан қарамаяпти.

**Қурилиш вазирлиги томонидан биринчи босқичда 30 та (2020 йил июндан), иккинчи босқичда 64 та (2021 йилдан) кўрсаткич асосида 6 та мезон бўйича пудратчи ташкилотлар фаолиятига балл берилади.**

Баъзи ҳолларда эса бунга хомашёнинг сифатсизлиги, қурувчиларда малака, уқув етишмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Яширишнинг ҳо-шожати йўқ, шошма-шошарликка ҳам йўл қўйилмоқда.

Бунга чек қўйиш мақсадида жорий йилнинг август ойдан «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида «Қурилишдаги назорат-тест» жараёнини Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида бошлади. Худудий назорат инспекцияси рўйхатидан ўтган 1 минг 341 та қурилиш объекти мазкур тизимга киритилиб, унга 25 нафар инспектор жалб этилди. Улар планшет орқали иншоотнинг ташқи ва ички томонида қурилиш-таъмирлаш ишларини назорат қилиб боришади. Агар бу тажриба ўзини окласа, уни оммалаштириб, нафақат уй-жой, балки маъмурий-маиший объектларда ҳам сифат назоратини ўрнатиш режалаштирилган.

Дарҳақиқат, ватандошларимиз манфаатларига йўналтирилган давлат сиёсатида аҳолининг уй-жойга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш устувор аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаганимиздек, катта маблағни янги уй-жой учун тўлаб кирган ва унинг умумий қийматини шартномага мувофиқ турли муддатларга таълашда давом этадиган юртдошларимиз ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари қонун ҳимоясида эканини ҳеч ким унутмаслиги керак.

Хулқар ҚУЗМЕТОВА  
«Mahalla»

Октябрь ойининг бошларида апелляция шикоятларини қабул қилиш онлайн тарзда йўлга қўйилади.



# Жўжалар сизгирга айландимми?

## Ёхуд фақат жўжа тарқатиш билан камбағалликни қисқартириб бўладими?

Газетамизнинг жорий йил июнь ойидаги 18-сонида «Сизгирга айнаётган жўжалар» ёки камбағалликни қисқартиришнинг Иштихонча усули» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Самарқанд вилоятининг қатор туманларида кам таъминланган оилаларга жўжалар тарқатилаётгани ва улар яқин ойларида сизгирга айланиши ҳақида айтилган эди.

Мана, орадан бироз вақт ўтиб, ғалвир сувдан кўтариладиган пайт ҳам келди. Хўш, берилган жўжалар оилаларга қандай наф келтирди? Уларнинг қанчаси сизгирга айланди? Умуман, вилоятда камбағалликни қисқартириш бўйича йил бошида белгиланган режалар қай даражада бажарилди? Шу ва бошқа саволларга жавоб излаб вилоятнинг айрим туманларида бўлдим.

### Ҳам жўжа, ҳам ойлик маош

Иштихон туманининг «Сўғот» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Феруз Очилов ва Музаффар Турсуновнинг ҳар бирига 100 донадан жўжа берилган эди. Имкониятдан тўғри фойдаланиш натижасида ҳозирда уларнинг оиласи сизгирли бўлишди.

— Бу жўжалар жуда тез вояга етар экан, бир ойнинг нари-берисида уларнинг ҳар бири қарийб 2 килограммдан тош босадиган бўлди, — дейди Феруз Очилов. — Уларни сотиб, пулига яна жўжа олиб боқдик. Мана, яқинда жўжалардан келган даромад ҳисобидан сизгир харид қилдим. Яна уйда қарийб 40 та товук бор. Бу жуда сердаромад соҳа экан. Келажақда товук боқиш билан шуғулланмоқчиман.

Туманининг «Каттақангли» маҳалласида яшовчи Бекмурод Абдурахимов ва Элмурод Шодмонов эса жўжалардан олинган фойда эвазига қўй сотиб олишди ва қуёнчиликни йўлга қўйишди.

— Жўжа тарқатганимиздан сўнги, одамларда қизиқиш пайдо бўлди, — дейди йиғин раиси Шерали Отақулов. — Шартномага кўра, улар вояга етганидан кейин парҳез гўшт экспорти билан шуғулланувчи ташкилот вакиллари келиб, уй соҳибига бозор нархида товукларнинг пулини тўлаб, олиб кетишди. Харидор излаб, кўчага чиқишнинг ҳожати қолмади. Товуқнинг пулига уй соҳибига аввалгидан икки-уч барабар кўп миқдорда яна жўжа берилди. Бу жўжалар ҳам вояга етганидан сўнги ўша харидор яна уларни олиб кетишга келди. Натижада товуқнинг пули эвазига рўзгорга яхшигина она-бола сизгир олиб берилди. Оила аъзолари учун яна бир қўлай томони шундаки,



жўжаларга ем ва донни ҳокимлик бепул етказиб берапти. Бундан ташқари, жўжаларни боққани учун уй соҳибига 800 минг сўм миқдорда ойлик маош ҳам мунтазам бериб борилмоқда.

### Оиланинг бири қачон икки бўлади?

Афсуски, бу борада вилоятнинг ҳамма туманларида ҳам аҳвол бирдек эмас. Жумладан, қўшни Нарпай туманининг «Турон» маҳалласида яшовчи 3 ўғил, 3 қизнинг отаси 87 ёшли Алиқул бобо Тошевнинг оиласи ҳокимлик томонидан олиб берилган она-бола сизгирнинг боласини, бир бош қўй, 30 та товуқнинг ярмидан кўпрогини сотиб, рўзгорга ишлатиб юборди.

— Энди, пул жуда зарур бўлиб қолди-да, бўлмаса сотмасдим, — дейди отахон. — Бунинг устига, қўйнинг битта оёғи синиб қолди, жўжалар ҳаммаёқни ифлос қилиб юборди. Оиламиз жуда ночор, 5 фарзандим ногирон, уларга доридармон, озиқ-овқат керак. Ноилоҳ, ҳокимлик томонидан берилган жўжаларни сотишга мажбур бўлдим.

— Одамларга жўжа тарқатиш, кам таъминланган оилаларнинг ишга яроқли аъзоларини ишга жалб қилиш ва бошқа чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида камбағал оилалар сони туманда 110 тага қисқарди, — дейди туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи ўринбосари Насим Ҳусанов. — Шу жараёнда бир ҳақиқатга амин бўлдимки, агарда оила аъзолари-



### Қуруқ статистика билан кимни алдамоқчимиз?

Оқдарё туманидаги Алишер Навоий номили ва «Бошдархон» маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлганимизда эса йиғин раҳбарлари олдимизга қатор статистик маълумотларни қўйишди.

— Йиғинимиз ҳудудида 29 та камбағал оила бор эди, кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг 9 таси камбағалликдан чиқарилди, — дейди А.Навоий номили маҳалла раиси Носиржон Каттаев. — 4 та оилага 50 тадан жўжа берилди. Ишсизлар сони 50 та эди. Ҳаммасини юз фоиз иш билан таъминладик. Агар кўраётган чора-тадбирларимиз ижобий натижа берса, тез орада камбағаллар сони кескин камайиши аниқ.

«Бошдархон» йиғини раиси Абдурафик Ҳақбердиевнинг айтишича, 12 та оилага иссиқхона қуриб берилган, 6 та оилага эса 50 сотихдан ер берилган.

Жўжа, ер, иссиқхона олиб ишлаётганларнинг манзилни сўраганимизда эса негадир йиғин раислари турли баҳоналарни рўқач қилиб, биз билан боришга вақти йўқлиги, кейинроқ бир хабар олишимиз лозимлигини айтишди...

Шу ўринда бир мулоҳаза. Бизга узок йиллар мерос бўлиб келган мавсумийлик, рақамлар ортидан қувиш каби иллатлардан ҳали-ҳамон айрим маҳаллий раҳбарлар қутула олмаптилар, чоғи. Йўқса, «камбағалликни тез орада бартараф этамиз», «2 йилдаёқ ҳаммани иш билан таъминлаймиз» каби ваъдаларни бермаган бўлардилар. Қолаверса, бугун мамлакатимизда 6 миллионга яқин камбағалнинг мавжудлиги ана шу қуруқ ҳисоботу мавсумийликларнинг натижаси эмасмикан?

Мазкур мақолани тайёрлаш жараёнида Пастдарғом туманида айнан шу мавзуга доир юз берган воқеа ижтимоий тармоқларда катта шов-шувга сабаб бўлди. Хўш, «1000 та жўжа» спектаклини тайёрлаш кимга керак бўлиб қолди? Воқеанинг тўлиқ тафсилотлари билан кейинги мақолада танишасиз.

Ёрмат РУСТАМОВ  
«Mahalla»



нинг ўзи муштни бир жойга қўйиб ҳаракат қилмаса, уларни тўрт томондан кўтарганингиз билан бефойда экан. Одамлар ҳокимлик томонидан берилган молни сотиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборарса, бу кетишда оиланинг бири икки бўладими?

### «Фақат жўжа тарқатиш билан камбағалликни қисқартириб бўлмайди...»

Пайрайк туманидаги Хўжа Исмоил номили маҳаллада 6 миңдан зиёд аҳоли истиқомат қилади ва шундан 41 та оила камбағаллар рўйхатида туради.

— Биз бу оилаларга фақатгина жўжа тарқатиш билан чекланиб қолганимиз йўқ, ғалладан бўшаган майдонларни ҳайдаб, иккинчи экин экиб ҳам бердик, — дейди маҳалла раиси Фароғат Асқарова. — Бундан ташқари, 1 гектар ерга ловия экиб, йиғин ходимлари билан парваришляемиз. Ундан олинган даромад ҳисобидан янада ночор оилаларга ёрдам бермоқчимиз. Умуман олганда, ҳар бир оиланинг шароити, яшаш тарзидан келиб чиқиб уларга алоҳида ёндашилмас экан, фақатгина жўжа тарқатиш билан камбағалликни қисқартириб бўлмайди.

Ўзбекистон 13 та давлатга 51 миң тоннадан зиёд узум экспорт қилди.





# «РАИС ЁЗИНИ НОЧОР ОИЛАЛАР ЁРНИГА ҚЎЙИБ КЎРИШИ КЕРАК ЭДИ...»

**С**ўнги кунларда Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида маҳалла раиси билан боғлиқ «1000 та жўжа спектакли» кенг жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлди. Хўш, аслида нима бўлган эди? Бу «спектакль» нима учун уюштирилди? Нега йиғин раиси шу ишга қўл урди? Ўрганишлар натижаси нима бўлди?

## Раис нега хатога йўл қўйди?

Камбагал оилаларга жўжа тарқатиш орқали уларни бундай рўйхатдан чиқариш бўйича вилоятда «Иштихонча ташаббус» кенг қўлоқ ёйганидан хабарингиз бор. Шу мақсадда Пастдарғом туманида ҳам шундай хайрли ишга қўл урилди. Тумандаги ҳар тўрттала сектор раҳбарлари камбагал оилаларни аниқлаб, уларга манзилли ёрдам кўрсата бошладилар.

«Кўқони» маҳалла фуқаролар йиғинини тумандаги тадбиркорлар маҳалласи дейиш мумкин. Бу ерда 20 дан ортиқ хусусий мулк эгалари фаолият кўрсатишади. Йиғиннинг собиқ раиси Хусниддин Турсуновнинг айтишича, ўша

та жўжа сақланаётган бўлган. Раис ўзининг ўғлини кам таъминланган оила вакили қилиб кўрсатган ва мухбирларни алдаган. Боз устига, унинг ўғли Достон Тиркашев ҳам яқинда тадбиркорликни бошлагани, секин-аста оила ўз имкониятларини тиклаб бораётгани ва отаси айна вақтда Россияда (!) эканини билдиради. Собиқ раис бу жўжалар аслида кимга берилиши лозим эди, деган саволимизга эса, афсуски, жавоб бера олмади.

## Муҳокама нималарни аниқлади?

Яқинда юқоридаги ҳолат бўйича Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов «Кўқони» маҳалласига ташриф буюрди ва

бу ерда вилоятдаги барча мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида муҳокама ўтказилди.

Р.Маматов воқеа ҳақида фикр билдирар экан, маҳалла бугун халқ билан давлат ўрта-

сида чинакам кўприк бўлиши, йиғин раислари доимо одамларнинг қувончу ташвишлари билан яшаши, уларнинг муаммоларидан хабардор бўлиши, энг муҳими, зиммасидаги вазифа ва бурчни виждонан бажариши, акс ҳолда, унинг фаолиятига одамлар ўзининг муносиби баҳосини беришини таъкидлади. Шу билан бирга, келтириб ўтилган вазифаларни бажаришда масъулиятсизликка йўл қўйган ҳар бир масъул ходимга нисбатан тегишли чора кўрилиши қатъий айтиб ўтилди.

Учрашув давомида «Кўқони» маҳалла фуқаролар йиғини вакиллар кенгаши ҳузурда ўтказилган йиғилиш тафсилотлари хусусида маълумот бериб ўтилди. Унга кўра, йиғин раисининг хатти-ҳаракати атроф-



лича муҳокама этилгани, кун тартибидеги масала юзасидан қарор қабул қилиниб, Ҳ.Турсунов ўз аризасига кўра, эгаллаб турган лавозимидан озод этилгани билдирилди. Ўз навбатида, собиқ раис барчанинг олдида айбини тан олиб, кечирим сўради.

Бундан ташқари, Пастдарғом тумани ҳокими ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Марғуба Санақуловага ҳам масъулиятсизликка йўл қўйгани учун «ҳайфсан» интизомий жазо чораси қўлланилди.

## Бош прокуратура нима дейди?

Юқоридаги ҳолат бўйича Бош прокуратура берган баёнотга кўра, Пастдарғом тумани прокурори А.Валиевнинг фаолияти юзасидан ҳам хизмат текшируви ўтказилган.

Текширишда «Кўқони» маҳалласи собиқ раиси Хусниддин Турсунов томонидан уюштирилган мазкур «сахнали кўриниш»нинг ташкиллаштирилишида А.Валиевнинг алоқдорлиги аниқланмаган. Бироқ туман прокурори раҳбарлик қилаётган 2-сектор фаолиятида бир қатор жузъий камчиликлар аниқлангани сабабли, унга нисбатан интизомий жазо — «ҳайфсан» эълон қилинган.

## Бирники — мингга... (ми?)

Очиғи, бугун қилмишидан пушаймон бўлиб, бош эгиб ўтирган Хусниддин Турсуновнинг йўл қўйган хатоси туфайли вилоят-

даги юзлаб фидойи, ўз ишига содиқ маҳалла раислари ҳам хижолатда қолишди. Ахир, «Бирники — мингга, мингники — туманга» деган нақл бежизга айтилмаган.

— Гапнинг очиғи, бу ҳолатни эшитиб, маҳалла раиси номига доғ туширган ҳамкасбимдан жаҳлим чиқди, — дейди **Жомбой туманидаги «Журият» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бердиқул Маҳмудов**. — Ахир, шу жўжани кутаётган, ёрдамга муҳтож оилалар қанчадан-қанча. Менимча, раис ўзини шундай ночор оилаларнинг ўрнига қўйиб кўриши лозим эди. Мана, энди биргина хатони деб элга овоза бўлиб ўтирибмиз.

— Дарҳақиқат, бу шармандали ҳолат биз учун жуда уятли, аммо тизимда ҳалол, пок, тўғрисиўз раҳбарларимиз ҳам жуда кўп, — дейди **Самарқанд вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси масъул ходими Абдусами Кўзибоев**. — Ҳар ёмоннинг бир яхисиси бўлади, деганларидек, бу воқеа барчамиз учун аччиқ сабоқ бўлди. Менимча, бундан, албатта, тегишли хулосалар чиқарилади.

\*\*\*

Ҳозирда мазкур ҳудудда янги раисни сайлаш бўйича ишчи гуруҳ тузилиб, ташкилий жараёнлар бошлаб юборилган. Шунингдек, тумандаги барча фуқаролар йиғинларида кам таъминланган оилаларни тизимли равишда қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланиб, амалий ишларга киришилди.

Ёрмамат РУСТАМОВ  
«Mahalla»



қуни маҳаллий мухбирлар келиб камбағалликни қисқартириш бўйича йиғинда олиб борилаётган ишлар билан танишмоқчи бўлишган. Шу кун маҳаллада кимдир қазо қилган бўлиб, раис таъзия-маросимига шошиб турган. Бунинг устига пахта терими мавсумига отрядлар рўйхатини тезда юқорига етказиш зарур бўлган.

— Жуда шошиб тургандим, шу боис мухбирларни бошқа бирор жойга олиб боришга вақтдан қизганиб, ўзимнинг уйимга бошладим, — дейди у. — Бу билан эса тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганимни кейин англаб етдим. Афсус, энди бошимни минг тошга урмай, вақт ортага қайтмайди.

Шу пайтда раиснинг уйида 1000

Самарқандда 80,6 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди.



**К**ейинги вақтларда инсон ўлими билан якун топаётган автоҳалокатлар ҳақидаги хабарлар кескин кўпайди. Афсуски, бундай ҳодисалар ортида қанчадан-қанча оилалар, қора кўзларнинг бахтсизлиги турганини доим ҳам ҳис қилавермаймиз. Хўш, инсон ҳаётига нуқта қўяётган ҳалокатларнинг асл сабаби нимада? Биз қачонгача ЙТХларнинг оқибати билан курашамиз? Қандай йўл тутилса, бунинг олдини олиш мумкин?



# АВТОҲАЛОКАТ оқибатлари билан қачонгача курашамиз?

Айни мулоҳазалар билан **Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси масъул ходими, подполковник Музифа СУЛТОНОВА**ни суҳбатга чорладим.

— Айнан ЙТХларнинг оқибатларини кўрсатиб бериш орқали бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ҳайдовчиларни янада хушёрликка чақириш учун ҳар бир ҳудудда содир бўлган автоҳалокатлар ҳақидаги маълумотлар доимий равишда бериб боришмоқда. — дейди **М.Султонова**. — Аниқ рақамларга тўхталадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида республика ҳудудида жами 3 минг 596 та ЙТХ қайд этилган бўлиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 520 тага ёки 12,6 фоизга камайган. Таҳлилларга кўра, бундай ҳодисалар, асосан, пиёдалар йўлнинг белгиланмаган жойидан кесиб ўтиши, ҳайдовчилар томонидан белгиланган тезлик меъёрларига риоя қилмаслик, эҳтиётсизлик, қувиб ўтиш қоидаларини бузиш, бошқарув вақтида ухлаб қолиш, маст ҳолда рулга ўтириш каби сабаблар туфайли келиб чиқмоқда.

Яна бир жиҳат: кейинги вақтларда юртимизда автомобиль сонининг кескин ошиши кузатилди. Масалан, 2009 йилда 1,3 миллион донга автомобиль мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу рақам 3,3 миллионга етган. Қолаверса, замонавий автомобилларнинг ўртача ҳаракатлиги тезлиги ҳам ортиб бормоқда. Ачинарлиси, юқорида келтирилган рақамлар билан бирга, ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини кўпол равишда бузиш ҳолати ҳам кўпайиб бораёттир. Бу — ҳаракат иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳурмат ва маданиятнинг йўқолиб бораётгани билан ҳам боғлиқ.

## Пиёдалар қоидабузарлиги кўпаймоқдами?

— Маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир кодексда пиёдалар йўлнинг белгиланмаган қисмидан кесиб ўтгани учун жарима белгиланган. Бироқ статистикада кўриняптики, 2020 йилнинг ўтган даври мобайнида ЙТХларнинг аксари айнан пиёдалар айби билан содир бўлган.

Инсон оддий бир хатти-ҳаракат билан бошқа иштирокчилар учун хавфли бўлган вазиятга сабаб бўлиши мумкин. Пиёда чорраҳани ёки йўлнинг белгиланган қатнов қисмини кесиб ўтаётганда кулоқчиндан, телефондан, китоб ёки газета ўқишдан, яъни инсон диққатини ўзига жалб этувчи ишлар билан шуғулланмаслик талаб қилинган. Таассуфки, 2-3 йил аввал ҳар учинчи ЙТХда пиёда айбдор бўлар ёки жабрланар эди, бугунги

кунда ҳар иккита ЙТХдан биттасида пиёда ё иштирок этяпти, ё айбдор бўлмоқда. Йўл хушёрликни ёқтиради. Фақат бунинг олдимизга сингдиришимиз, уйда ота-она, мактабда ўқитувчи, йўлларда ЙПХ ходимлари хушёрликни йўқотмаслик шартлигини ўқитиши зарур.

## Автоҳалокатларнинг олди олинадими?

— Тезлик билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида Германиянинг «Atlas Internatsional» компанияси томонидан махсус радарлар билан жиҳозланган 20 та автомобиль харид қилинди ва синов тариқасида ишга туширилди. Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барча йирик чорраҳаларга ҳаракат бошқарувининг автоматлаштирилган компьютер тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда. Ҳозирда ушбу тизим 144 та чорраҳага ўрнанилган.

Қолаверса, йўл ҳаракатини ташкил этишнинг янги, замонавий элементларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, янги турдаги йўл белгилари, замонавий йўлўтказгичлар амалиётта жорий этилмоқда.

## Тарғиботнинг ўзи самара берадими?

— Дунё тажрибасига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқарган сабабларни омма эътиборига тақдим қилиш ҳайдовчиларни келгусида рулда ҳаракатланишида бир мунча мулоҳаза қилишга ундайди.

Таҳлилларга кўра, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари, асосан, шаҳарлараро, ҳаракат интенсивлиги юқори бўлган автомобиль йўлларида кўпроқ кузатилмоқда. Халқаро тажрибада бу масаланинг ечими сифатида айнан шундай

йўлларни аҳоли пунктларидан ташқарига чиқариш белгиланган. Шу боис ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳам яшаш жойларини айланиб ўтувчи ҳудудлараро йўллар қурилмоқда.

Бундан ташқари, ҳодисалар сонини қисқартиришга эришган Европа мамлакатларида йўл қоламасининг сифатига ҳам катта эътибор қаратилади.

Автомобилларнинг тезлигини табиий равишда пасайтириш мақсадида Европа тажрибасидан келиб чиқиб, «Шовқин чизиқлар» ҳамда замонавий сунъий ноте-кисликлар ташкил этиш ишлари жадаллаштирилган. Йирик шаҳарларда тирбандликнинг олдини олиш ва ҳаракат хавфсизлигини тўғри ташкил этиш мақсадида чорраҳаларда «Вафли чизиқлари» синов тариқасида ташкил этилди.

Аммо бир жиҳатни унутмаслик керак, қачонки, биз ўз ҳаётимизга бефарқ бўлиб, йўл ҳаракати қоидаларини кўпол равишда бузаварар эканмиз, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган чоралар иккинчи даражали иш бўлиб қолаверади.

Албатта, мутахассис таъкидлаганидек, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмас эканмиз, ижобий натижага эришиб бўлмайди. Аммо омманга айбдор қилиш билан чекланиб қолмай, таълим масканларида йўл қоидаларига бағишланган кўшимча соатларни жорий этиш, ҳайдовчиларнинг маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўрадиган фурсат етмадимикан?! Қолаверса, бундай вазифани фақат ИИБ ЙХҲББ зиммасига юклаб қўйиш қанчалик тўғри? Ахир, бу масала барчамизга тегишли эмасми?

Суҳбатни «Mahalla» мухбири **Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ** эзиб олди.

## ДАРВОҚЕ...

### Яқин йилларда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланган:

- ✓ республиканинг барча ҳудудларида йўл ҳаракатини ташкил этувчи автоматлаштирилган компьютер тизимлари жорий этилади;
- ✓ автомобиллар ҳаракатини назорат қилувчи ситуацион марказлар ташкил этилади;
- ✓ ҳайдовчилар тайёрлаш тизими ислох қилиниб, имтиҳон олиш жараёни тўлиқ автоматлаштирилади;
- ✓ мунтазам ЙПХ масканлари қайта жиҳозланиб, уларда замонавий (автоматлаштирилган) назорат тизимлари (камералар, тарози ва ҳоказо) ўрнатилди.

16-22 сентябрь кунлари юртимизда Европа ҳаракатланиш ҳафталиги ўтказилади.





**К**ўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўловчилари учун Давлат солиқ кўмитасидан янгилик. Энди фақат экспортёр корхоналарга ҚҚС қайтариб берилмайди, балки барча ҚҚС тўловчилари мазкур солиқнинг салбий фарқи суммасини қайтариб олиш имкониятига эга.

## ҚҚС ТЎЛОВЧИЛАР УЧУН ЯНГИЛИК

### Эндиликда бу имкониятдан барча фойдаланиши мумкин

Хабарингиз бўлса, мамлакатимизда шу кунга қадар қўшилган қиймат солиғи суммаси фақат экспортёр корхоналарга қайтариб берилаётган эди. Эндиликда мазкур имкониятдан барча қўшилган қиймат солиғи тўловчилар фойдаланиши мумкин.

Хўш, Вази́рлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги «**Кўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш тўғрисида**»ги қарорига мувофиқ, амалиётга татбиқ этилаётган ушбу тизимнинг афзалликлари нимада? ҚҚС салбий фарқ суммасининг ўзи нима? Бу ҳақда Давлат солиқ кўмитаси томонидан журналистлар учун ташкил этилган пресс-турда батафсил маълумот берилди.

– ҚҚС салбий фарқ суммаси бу тадбиркорлик субъектлари томонидан маълум бир ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш даврида реализация қилинган иш ва хизматларнинг қўшилган қиймат солиғидан харид қилинган иш ва хизматлар ҚҚСнинг ошишида салбий фарқни келтириб чиқаради. – дейди Давлат солиқ кўмитаси давлат солиқ катта инспектори Дилдора Хошимова. – Мисол учун, тадбиркорлик субъекти 200 сўмлик маҳсулотни қўшилган қиймат солиғи билан 230 сўмга харид қилиб олди (шундан 30 сўми ҚҚС). Маълум вақтдан сўнг ушбу харид қилинган маҳсулотдан 100 сўм қийматидагисини,

яъни ярмини ҚҚС билан биргалликда 115 сўмга реализация қилди. Қолган қисмини ўз эҳтиёжи учун ишлатди. Натижада тадбиркорлик субъектида салбий қўшилган қиймат солиғи фарқ суммаси ҳосил бўлди. Яъни бу сумма 15 сўмга тенг. Чунки тадбиркор маҳсулотни харид қилаётганда давлатга 30 сўм ҚҚС тўлаган эди.

Янги тизим асосида ҚҚС тўловчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида уларга хизмат кўрсатиш 1 июлдан бошлаб шаҳар ва туман давлат солиқ инспекцияларидан ҳудудий давлат солиқ бошқармаларга ўтказилди. Бу хизмат кўрсатиш сифати ва тезкорлигини оширишда қўл келмоқда. Солиқ

тўловчиларнинг солиқ органларига биринчи мурожаатида ечимини топмаган масала бўйича юқори органлардан жавоб кутиш ҳолатлари ҳам кескин камайди.

#### ҚҚС суммаси қандай тартибда қайтариб олинади?

Агар солиқ даври охирида ҚҚС бўйича бюджетга тўлаш учун ҳисобга олинган солиқ суммаси ҳисобланган солиқ суммасидан кўп бўлса, унда ҚҚСни қоплаш (қайтариш) билан боғлиқ вазият юзага келиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, солиқ тўловчи ортиқча тўлаган ёки ундан ортиқча ундириб олинган қўшилган қиймат солиғи маблағларини қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҚҚС суммасини қоплаш (қайтариш) бўйича ҳисобга олинган жойи бўйича солиқ тўловчилар Давлат солиқ бошқармасига, йирик солиқ тўловчилар эса Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясига ариза юборади. Янги тартибга кўра, ариза берилган



#### Мавзуга оид маълумот:

Давлат солиқ кўмитаси қўшилган қиймат солиғи суммасини қоплаш (қайтариш) билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётган солиқ тўловчилар учун @qqqs\_qaytarish\_bot телеграм-ботини ишга туширмоқда.

Мурожаат этаётганда корхона номи, СТИРи ва мурожаатни қабул қилувчи солиқ органини кўрсатишни унутманг.

► Эслатиб ўтаемиз, ҚҚС суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш) янги қоғдага кўра, солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги давлат солиқ бошқармаси, йирик солиқ тўловчилар бўйича эса Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси қарори асосида амалга оширилади.

► Ҳисоботида номувофиқликлар аниқланган тадбиркорлик субъектлари хатоларини тузатиб, ҚҚС суммасини қайтариш учун қайта ариза юбориш ҳуқуқига эга.

**Қопланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси деганда, товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир операцияларнинг солиқ базасидан ҳисоблаб чиқарилган ҚҚС суммаси билан олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобга олинган ҚҚС суммаси ўртасидаги салбий фарқ тушунилади.**

кундан бошлаб икки хил усулда – 7 ва 60 кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

**Тезлаштирилган тартиб** (7 кундан кечиктирмай) солиқ органининг ҚҚС суммаси ўрнини қоплаш тўғрисидаги қарори асосида йирик солиқ тўловчилар, дипломатик ваколатхона вакиллари, банк кафолатига эга шахсларга, экспортчи корхоналарга, маҳсулот тақсимотида оид битим иштирокчилари («0» ставка) ва солиқ мониторинги иштирокчилари учун қўлланилади. **Умумий тартиб** (60 кундан кечиктирмай) бошқа барча ҚҚС тўловчилари учун татбиқ этилади.

Пресс-тур иштирокчилари янги тизимнинг қулайликлари билан

ДСҚ ҳузуридаги Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси ҳамда Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг қўшилган қиймат солиғи тўловчиларга хизмат кўрсатиш бўлими фаолияти мисолида танишди.

– Солиқ тўловчилар учун алоҳида [QQS.uz/smart\\_soliqchi](https://t.me/QQS_uz_smart_soliqchi) телеграм каналини очдик, – дейди Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жаҳонгир Мирпўлатов. – 24 соат мобайнида ишлайдиган ушбу каналга соҳа мутахассислари бириктирилган. Улар туну кун ҚҚС билан боғлиқ ҳар қандай мурожаатга жавоб беришади. Ҳозир 20 мингта ҚҚС тўловчи бўлса, бир ҳафта давомида 283 та ариза келиб тушди. 48 миллиард сўм миқдоридagi маблағ корхона ҳисоб рақамларига қайтарилди.

Журналистлар шунингдек, ҚҚСни қоплаш (қайтариш) тартиби билан пойтахтимиздаги саноат ва қурилиш секторининг турли соҳалари учун махсус техникаларни ишлаб чиқарувчи «Krantas GROUP» корхонаси мисолида ҳам танишди. Корхона томонидан 28 август кuni қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш бўйича ариза берилган эди. Қисқа муддатда улар ҳисобига 3,7 млрд. сўм қайтариб берилди.

– Қайтариш муддати ниҳоятда тез бўлди, – дейди «Krantas GROUP» корхонаси бош ҳисобчиси Шўҳрат Дониёров. – Тезлаштирилган тартибда 7 кунда қайтарилиши керак бўлган маблағимиз 5 кунда қайтарилди. Биздан талаб қилинган иш: икки минут вақт ёзилган ариза бўлди, холос.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик ривожини йўлида амалга оширилаётган бу каби ислохотлар бизнес вакиллари фаолияти ривожига, иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтишда ва янги иш ўринларини

яратишда муҳим ўринга эга.


Бир сўз билан айтганда, пандемия даврида ҚҚС суммасининг қайтариш масаласи шаффоф ва тезкор тарзда ҳал этилиши алоҳида аҳамиятга эга. Тадбиркорлик соҳаси учун бу давлат томонидан берилган мақсадли ёрдам бўлиб, қайтарилган маблағларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатишга имкон беради. Қолаверса, ҚҚС заңжирдаги узилишларнинг олдини олади.

Рустам ЮСУПОВ  
«Mahalla»

Ўзбекистонда 2 минг 635 та мактабда аъъанавий дарс жараёни бошланди.



Пешку туманидаги «Дўстлик» маҳалласи Қўрғон қишлоғи аҳли ўтган қиш мавсумида коммунал хизмат сифатидан анчайин қийналиб қолишди. Газни-ку бир амаллашди. Суялтирилган газ баллонлари хонадонни иситмаса-да, пишир-тушир ишларида асқатди. Аммо электр... Қишни бир амаллаб ўтказган қишлоқ аҳли кунлар исини билан кейинги қиш ташвишига тушиб қолишди. Афсуски, туман электр тармоқлари ташкилоти, бошқа мутасадди органларга йўлланган мурожаатлар бу иш катта маблағ талаб этилгани сабабли ечим топмасдан қолаверди.



## НЕГА АҲОЛИ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИГА ЭМАС, ҲОКИМЛИКЛАРГА КўПРОҚ МУРОЖААТ ҚИЛМОҚДА?

Туманда вилоят ҳокимининг сайёр қабулини эшитган қишлоқ аҳли сўнгги умидини шу қабулга тикишди.

– Ҳоким шу ойнинг охиригача қишлоқда янги трансформатор ўрнатиш ҳақида топшириқ берди, – дейди қишлоқ аҳли номидан вакил бўлиб келган Рафиқ Ҳалимов. – Бу бошқа гап-да. Илгари йўллаган мурожаатларимизга «масалани ўрганиб кўрамиз», «дастурга киритамиз», деб муж-мал жавоб қайтаришарди. Мана, энди электр корхонасидагилар трансформатор ўрнатгани бора-диган аниқ санани ҳам айтишди. Дарвоқе, қабулда қишлоғимизнинг яна бир муаммосини айтдим: ички йўлларимиз таъмирга муҳтож. Ҳозирча асфальтлаштиришнинг иложи йўқлигини тушунтириб, шағал ётқизиб, йўллари текислаб беришни айтишди...

«Ўзбек» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Нурафшон қишлоғида яшовчи Жумагул Бақоева эса пахта йиғини-терим мавсуми бошланишига оз фурсат қолганини, қишлоқдаги кўпчилик хотин-қизлар ушбу мавсумда фаол иштирок этиш ва шу орқали оиласи фаровонлигини ошириш истаги борлигини, бироқ ёш боласи борлар учун боғча зарурати пайдо бўлганини айтиб, мазкур масалани ҳал қилиб беришни сўради.

Албатта, бир-икки ой ичида боғча қуришнинг ўзи бўлмайди. Аммо масалага шу қишлоқ худудидан уй боғчаси ташкил этиш, тадбиркорни ҳужжат расмийлаштириш ишларига кўмаклашиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу кунни тумандаги сайёр қабул дарагини эшитиб, нафақат пешкуликлар, балки қўшни туманлар аҳолиси вакиллари ҳам ўз мурожаатларига ечим излаб ҳоким қабулида бўлишди. Жумладан, **Ғиждувон тумани «Буктарой»** маҳалласи Найманобод қишлоғидан Ҳамза Раҳмонов автобекат қуриш учун ер майдони ажрати-лишини сўраган бўлса, **Вобкент тумани «Ўзбакон»** маҳалласида яшовчи Жамшид Гадоев қаровси

бинони таъмирлаб, қорвачиликни ривожлантираётганини, ҳозирда туман ҳокимлиги билан мазкур бинони хусусийлаштириш масаласида низолар келиб чиқаётганини билдирди. Ушбу мурожаат эгаларининг талаблари қонун доирасида ҳал этиб берилди.

### Муаммони ҳал этиш учун айнан ҳокимлик кўрсатмасини кутиш шартми?

– Сайёр қабуллар ёки вилоят ҳокимлиги аппарати электрон ботларига юборилган мурожаатлар таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, муаммоларнинг аксарияти кўйи тизимлар, хусусан, шаҳар ва туман ҳокимликлари, бошқарма ва идоралар томонидан ҳал этса бўладиган масалалардир, – дейди Бухоро вилояти ҳокимлиги аппарати ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Дилшод Аҳмедов. – Аммо фуқароларнинг ушбу тузилмаларга дастлабки босқичда қилган мурожаатлари эътиборсиз қолганлиги, айрим мансабдор шахслар томонидан қонунчилик талабларига зид равишда фуқаролар ва юридик шахслар томонидан юборилган мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқмаслик ва муаллифга жавоб бермаслик, сифатсиз ўрганиш каби ҳолатларга тизимли равишда йўл қўйилгани ушбу мурожаатларнинг вилоят ҳокимлигигача келиши ёки такрор мурожаатларнинг сони ортишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, **Бухоро шаҳрида яшовчи Махбуба Расуло**дан кўйидаги мазмунда шикоят келиб тушган: «Мен 2008 йилдан буён Бухоро шаҳридаги 16-мактабда ўқитувчиман. Маълумотим олий, Бухоро давлат университетини бошланғич таълим бўйича тугатганман. Бирок турли сабаблар билан менга бошланғич синф раҳбарлигини беришмаяпти. Мактабимизда ҳали-ҳамон нафақа ёшидаги, ўрта махсус маълумотли ходимлар ишляпти. Яъни олий маълумотли ёш педагог кадрлар кам дарс соатларида ишлашга мажбур бўляпмиз. Раҳбарият эса

бунга бепарво. Аҳволни мутасадди ташкилотлар томонидан қонуний ўрганиб, менга амалий ёрдам беришингизни сўрайман».

Ҳокимлик йўналтиригидан сўнггина Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими томонидан ушбу мурожаат сифатли ўрганилиб, педагогнинг дарс соатлари оширилди. Унга янги ўқув йилида қабул қилинган 1-синфлардан бирининг синф раҳбарлиги ҳам топширилди.

### Халқ қабулхоналари ариза расмийлаштирувчи жойми?

Ҳар кун у ёки бу муаммоси вақидан вилоят ҳокимининг қабул қилишини сўраб ўнлаб фуқаролар мурожаат қилишади. Ҳолбуки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизимини самарали йўлга қўйиш мақсадида жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилган эди. Ҳўш, бу тизим қай даражада ўз самарасини бермоқда? Тақдим этиладиган рақамларга қарасак, барчаси рисоладагидек. Аммо...

– Қоракўл тумани «Солур» маҳалласидан ҳоким қабулига келдим, – дейди ўзини **Муқаддас Борзорова** деб таништирган онахон. – Ўзи оилавий шароитимиз ҳаминқадар эди, баҳордаги талафот эса дард устига чипқондек бўлди. Шамол уйимизни вайрон қилди. Уйимизни тиклаш учун озроқ қурилиш материаллари беришди. Аммо етмади. Буёғи қиш. Чала уйда яшаб бўлмас... Аризамни кўтариб бормаган жойим қолмади. Халқ қабулхонасига ҳам бир неча бор бордим... Аммо ёрдам ўрнида фақат қоғоз юборишади. Қоғоз билан уйни ёпиб бўлмас...

Халқ қабулхонасидаги кунлик иш жараёнини кузатамиз. Фуқаро мурожаат билан келади, аризини баён қилади, кейин уни қоғозга туширади. Ариза расмийлаштирилгач, мuddати кўйилиб, ижрочи ташкилотга юборилади. Кейин эса ижрочи ташкилотнинг жавоб хати расмийлаштирилиб, яна мурожаат муаллифига жавоб юборилади. Ҳолбуки, Халқ қабулхоналари

фақатгина келадиган ҳужжатларни қайд қилувчи, мурожаатчи ва ижрочи ўртасидаги ёзишмаларни бир-бирига етказувчи эмас, ҳар бир мурожаатнинг қонуний ечим топишини таъминловчи орган эмасми?

– Биз нафақат аҳоли мурожаатларини қабул қилиш, балки халқ ичига кириб борган ҳолда улар муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш борасида ҳам иш олиб боряпмиз, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро шаҳридаги Халқ қабулхонаси мудири Азамат Бекмуродов**. – Масалан, «Шарқ юлдузи» маҳалласидаги 7-умумтаълим мактаби ва 23/3-қўп қаватли уй атрофи, шунигидек, 5-, 8-мактабгача таълим ташкилотлари олди чиқинди-ахлатхонага айлантирилгани, уларга яқин жойлаштирилган электр трансформаторлари хавфсизлик талабига жавоб бермаслиги, очиқ ва қаровсиз ётгани боис аҳолининг ҳақли эътирозларини келтириб чиқараётгани туфайли мутасадди ташкилотларга тегишли топшириқлар берилди.

– Корхонамизда сўнгги вақтларда бўлаётган қондабузарлик ҳолатлари, раҳбарнинг ходимлар билан муносабатда ноҳолислиги юзасидан мурожаат этгандим, – дейди **номини ошкор этишни истамаган танишимиз**. – Аммо Халқ қабулхонасига йўллаган мурожаатим яна айланиб-айланиб раҳбаримиз қўliga тушибди. Натижада раҳбаримиз ўзи устидан ёзилган шикоят хатини ўзи ўрганиб, ўз имзоси билан жавоб юборди. Қўз олдимда ёзилган ўша хат бир ҳафтадан сўнг яна Халқ қабулхонаси орқали айлиниб қўлимга тушди. Раҳбар устидан шикоятим асоссиз, мен ноҳақдирман. Аммо шу масалани бирор ҳолис киши келиб, ўрганиб, асосли жавоб юбориши керакмиди?..

Юқоридаги сингари муаммоли ҳолатлар аҳоли мурожаатлари билан ишлашда Халқ қабулхоналари фаолиятини ҳам янада такомиллаштириш борасидаги тақлифларни келтириб чиқармоқда.

Акбар РУСТАМОВ  
«Mahalla»

Яккасаройда 6 тасмали 3 та йўл ўтказгич ва автомобиль йўли қурилмоқда.



**И**лмнинг даражасини нима белгилайди? Кашфиётми ёки журналларда чоп этилган мақолалар? Аслида уларни ёнма-ён келтириш мантиқсизлик дерсиз. Бироқ адашасиз. Боиси Ньютоннинг бошига тушган олма бугун янги қонуниятларга асос бўлмайди. Чунки замон ўзгариши сайин талаблар ва қарашлар ҳам тусланмоқда. Илм-фан тараққиётининг жадаллашуви эса олимларни тин олишга қўймайди.

# ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ

(3-мақола)

## дунё илмидан қанчалар ортида қолган?

Бироқ бугун тадқиқотчининг салоҳияти унинг чоп этган мақоласига қараб белгиланяптими? Рейтинги баланд журналларда бирон сатр чоп этсангиз бас, барча олқишлар сиз учун янграйди. Аслида бундай кўзбўямачиликлар кимга керак? Наҳот, Ўзбекистон илм-фан даражасини шу билан ўлчаб бўлса? **Инновацион ривожланиш вазирлиги Фан ва илмий техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармаси бошлиги Шуҳрат ОТАЖОНОВ**га айлани саволлар билан муурожаат қилдик.

Эътиборлиси, олимларимиз Scopus базасида 2017-2018 йилда 1121 та, 2019-2020 йилда эса 2601 та чиқиш қилди. Кўрсаткичлар яхшиланмоқда. Бироқ мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётти. Боиси 37 мингдан зиёд изланувчидан 2, 5 минг нафари фан доктори, 7, 5 минг нафари фан номзоди. Халқаро ташкилотлар мамлакат илм-фанидаги натижадорликни таҳлил қилишда мақола чоп этиш индикаторига эътибор қаратади. Қўшни давлат Қозғистон билан таққослаганда натижаларимиз паст. Қозғистонда олимларнинг мақолаларини халқаро талаблар асосида тайёрлаб берувчи хизматлар бундан 10 йил аввал йўлга қўйилган. Биз ўтган йилдан бу тажрибани татбиқ эта бошладик.

Халқаро журналлар ҳар бир мақолани кичик бир изланиш сифатида кўради ва талабни шу асосда қўяди. Мақолада тадқиқот ўтказилгани, олинган натижалар, чиқарилган хулосалар акс этиши лозим. Бунинг учун ҳар бир изланувчига етарлича шароит яратилиши, тажрибалар замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида ўтказилиши керак. Афсуски, илмий асбоб-ускуналаримиз базаси анчайин эскирган. Уларда қилинган таҳлил натижаларини жаҳон стандартлари қабул қилмайди. Чунки эски ускуна берган натижа-нинг ишончилиги паст бўлади, у доим ҳам тўғри чиқмайди.

унутмаслигимиз, уни яхшилашга ҳаракат қилишимиз шарт. Олимларда халқаро базаларга қизиқиш уйғотиш лозим. Улар бир-икки марта мақолани пулга тайёрла-ди. Учинчисида кўникма пайдо бўлади. Шу орқали изланувчиларнинг мақола чоп этиш фаоллиги ортади. Агар тадбиркорлик йўлига ўтган бундай воситачилар фаолиятига чеклов қўйсақ, илм-фан бўйича индикаторларимиз паст-сайиб кетади. Эндиликда маҳаллий журналлар талабларини ҳам халқаро стандартлар даражасига келтиряпмиз. Натижада ҳадемай олим ҳам, ёрдам кўрсатувчи воситачилар ҳам ўзгаради.

### Scopus тахрир ҳайъатида ўзбек олимлари борми?

— Албатта, бор. Айниқса, физика, астрономия, математика, кимё-биология йўналишига ихтисослашган нашрлар тахрири ҳайъатларида академикларимиз фаол. Улар Scopus базасидаги журналларга мақола тайёрлаш жараёнида бевосита иштирок этишяпти.

### Илм аҳлини нималар кутяпти?

— Ҳар бир олим учун миллий индекс ташкил этмоқчимиз. Масалан, бир олим ҳақида шунча йилдан буён изланиш олиб боради, халқаро базаларда шунча мақола чоп этган каби маълумотларни ўзида жамлаган база яратилади. Биз грантлар асосида илмий лойиҳаларни молиялаштираемиз. Ҳар йили танловлар эълон қиламиз. Аммо баъзида айрим йўналишларда мутахассислар топишга қийналамиз. Миллий иқтисодий индексини йўлга қўйсақ, олимларимиз рейтингини аниқ шаклланади. Лойиҳаларни экспертдан ўтказиб берувчи аниқ гуруҳлар юзага келади. Шунингдек, 6 та йўналишда халқаро миллий журналларни ташкил қилиш ҳам кўзда тутилган. Ушбу журналларни кейинчалик Scopus базасига киритиш мақсад қилинган.

Садоқат МАХСУМОВА  
сўхбатлашди.



### Тахрир учун 800 АҚШ доллари?!

— Республикада 37 мингдан ортиқ илмий-тадқиқот ва тажриба олиб бораётган ходимлар бор, — дейди Шуҳрат Отажонов. — Олимнинг изланишларини кўрсатиб берадиган биринчи талаб бу — ишини нашрларда эълон қилинганлик даражасидир. Чунки чоп этилган мақолани илмий жамоатчилик ўқийди. Биргина Scopus халқаро базаси 18 мингдан ортиқ журнални қамраб олган. У дунё олимларининг илмий фаоллигини кўрсатувчи индикатор ҳисобланади.

Базадаги журналларда мақолани чоп этиш олимни халқаро майдонда танитади, мамлакатнинг илмий салоҳиятини намоён этади. Рўйхатдаги мингта яқин журналнинг рейтингини баланд бўлиб, уларда мақола чоп этиш келгусида Ўзбекистоннинг илм-фан соҳасига инновация олиб келишига сабаб бўлади. Натижада янгиликни патентлаш, амалиётда жорий этиш жараёни ҳамкорликда амалга оширилади.

Ҳақли савол туғилади: бундай хизматлар нега керак? Олим ўз йўналиши бўйича халқаро журналда мақола чоп этмоқчи бироқ у инглиз тилини яхши билмайди. Бундай хизматлар орқали мақола журнал талаблари асосида тахрирланади. Вазирлик Springer Nature халқаро ташкилоти билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Ушбу ташкилот олимларимиз тайёрлаган мақолани танланган журнал талабларига мослайди. Бунинг учун биз уларга 200-500, 800 АҚШ долларигача маблағни фонддан тўлаб берамиз. Мақсад халқаро журналларда мақола чоп этмоқчи бўлган илм аҳлига кўмаклашиш, изланишлари натижаларини халқаро миқёсда оммалаштиришдан иборат.

### Хатолик нимада?

— Ҳозир олий таълим муассасаси рейтингини белгилашда Scopusда чиққан мақола талаб қилинади. Рейтинги баланд журналда чиқиш қилган фан номзоди 30, фан докторига эса 60 фоизлик устама белги-ланган. Олим ва мутахассисларимиз нима қилишяпти? Мақолам савия-сиз, сифатсиз журналда чиқса ҳам майли, университетимиз рейтингини кўтарилса, ўзим устамага илтинсам бўлади, қабилида иш тутяпти.

Афсуски, аксарият олимларимиз ҳақиқатдан ҳам бу журнал Scopus



2020-2022 йилларда идоравий рақамли трансформация дастури ишлаб чиқилади.



15 октябрдан карантин чоралари яна қаттиқ кучайтирилиши ростми? Республика Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи, коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси Нурмат Отабеков бундай миш-мишларни асоссиз эканлигини билдиради.

– Аввало, шуни таъкидлаш керакки, республикаимизда ҳали карантин чоралари бекор қилинмаган, балки юмшатишган. Аммо фуқароларнинг нотўғри тушунишлари натижасида аҳоли орасида коронавирус инфекцияси қайд этилганлар сони камаймаётгани сир эмас, – деди Нурмат Отабеков. – Бир нарсани унутмаслик керак «мен, сен, улар» дейилганидек, карантин тадбирлари кучайтирилиши ва юмшатилиши бизнинг хатти-ҳаракатларимизга боғлиқ. Агар биз карантин ва чеклов тадбирларига риоя этмас эканмиз, профилактик тадбирларни унутиб қўярканмиз, мутахассис шифокорларнинг тавсияларига амал қилмас эканмиз, у ҳолда касаллик кўпайиб кетишига ва Республика Махсус комиссиясини карантин чоралари кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга мажбур қиламиз.

Дарҳақиқат, карантин чораларининг кучайтирилиши ёки юмшатилиши ҳар биримизнинг хатти-ҳаракатимизга боғлиқ. Негаки, кейинги пайтларда карантин чоралари бекор қилинмаганини, аксинча юмшатилишини кўпчилик юртдошларимиз унутиб қўймоқда. Фуқароларимиз пандемиядан сақланишнинг бирдан-бир йўли – масофа сақлаш ва ниқоб тақиш эканини унутишга тир.

Шу билан бирга, аҳолимиз ўртасида тождор вирус билан боғлиқ кўплаб саволлар пайдо бўлмоқда. Буни тахририятимизга келаятган мурожаатлар ҳам тасдиқламоқда.

**Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси Нурмат ОТАБЕКОВ**дан айна шу саволларга жавоб олишга ҳаракат қилдик.

**– Фарзандим мактабда анъанавий таълим олади. У ўқиш пайтида ниқобга спирт билан ишлов бериши мумкинми?**

– Тиббий ниқобларга спирт билан ишлов бермаслик керак, айниқса, бир марталик ниқобларга. Чунки болаларда касаллик аломатларисиз кечаётган бўлса, ниқобларнинг ички қисмига бола оғиз бўшлиғидан ажралган вируслар ёпишади. Бола мактабда бир марталик ниқобларни спиртли эритма билан ишлов берман, деб кўллари билан ушлаганида кўллари ва шу ниқоблар қўйилган сатҳларда вируслар қолиб кетади.

# КОРОНАВИРУС аниқланган ўқитувчилар шахси сир сақланиши тўғрими?



Бу эса шу вақтнинг ўзида мактабдаги бошқа бола организмга вирус тушишини келтириб чиқаради.

Шунингдек, тиббий ниқобларнинг ички қисмига спирт билан намлаб нафас олганда бир қанча асоратларни, масалан, оғиз атрофидаги тери қаватида куйиш, бурун шиллиқ қаватининг шикастланиши ва ҳид билиш қобилиятининг пасайишини келтириб чиқариши мумкин.

**– Фарзандларим коронавирус инфекцияси аниқланган хонадон фарзандлари билан бирга ўйнашади, мактабда ҳам бир синфда ўқишади. Бундай вазиятларда нима қилишни тавсия қиласиз?**

– Бундай вазиятларда кўпчи хонадондагилар карантин қоидаларига риоя қилишлари ва фарзандларини карантин даврида кўчага ёки мактабга чиқармаслик керак бўлади. Шунингдек, ўзингиз ва фарзандларингиз карантин ва шахсий гигиена қоидаларига янада кўпроқ риоя қилишларингиз талаб этилади. Кўллари тез-тез совун билан узоқроқ ювиш, уйдан ташқарида антисептик воситалар билан дезинфекция қилиш, томоқни кунига 6-8 мартадан мойчечак дамлама-си, хлорофиллипт, туз эритмаси ва шунга ўхшаш тузли эритмалар билан чайиш, кунига 3-4 литрдан ортиқ суюқлик: лимон чой, малина, наъматак, асал чойлар ичиш, регидрон суюқлигини қўлтумлаб ичиб туриш, хоналарда доимий равишда нам тозалов ишларини олиб бориш ҳамда кунига 3-4 марта шамоллатиш, 1 марта исириқ тутатиш энг муҳим вазифалардан биридир.

Агар сиз бу беморлар билан алоқада бўлган бўлсангиз, поликлиника шифокорига хабар беришингиз керак.

**– Болалар коронавирус билан касалланса келажакда саломатлигига жиддий таъсир кўрсатиши, масалан, бепуштлиқка**

**олиб келиши мумкинми?**

– Коронавирус касаллиги мутлақо янги касаллик бўлиб, ҳали у ҳақида етарли маълумотга эга эмасмиз. Алоҳида бу борада илмий излашлар амалга оширилмаган. Қолаверса, касаллик ёш болаларда жуда енгил ўтяпти. Шунинг учун келажакда бирор-бир жиддий асорат қолдириши ҳақида башорат қилиш нотўғри бўлади. Фикримизча, COVID-19 келажакда фарзанд кўрмаслик (бепуштлиқ) каби ҳолатларни келтириб чиқарадиган касалликлар сирасига кирмайди.

**– Мактабда коронавирус аниқланган ўқитувчилар шахси сир сақланиши тўғрими? Фақат ўша ўқитувчилар изоляция қилинса, улар билан алоқада бўлганлар нима қилишади?**

– Мактаб ўқитувчилари орасида касаллик аниқланганлар 14 кунга изоляция қилиниб муолажалар буюрилади. Улар билан доимий мулоқатда бўлган ўқитувчилар суриштириш давомида аниқланиб, улар ҳам уй шароитида изоляция қилинади. Касаллик аниқланган ўқитувчиларнинг шахси билан боғлиқ маълумотлар эса тиббиёт сирини ҳисобланади.

\*\*\*

Афсуски, тождор вирус ҳамон ёнимизда. Кунлик рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, одамларимиз эҳтиётсизлик оқибатида касалликка кўп чалинмоқда. Епропа мамлакатларида эса пандемиянинг иккинчи тўлқини бошланаётгани ҳақида хабарлар тарқалмоқда. Демак, барчаси ўз қўлимизда, «темир қоида»га қатъий амал қилишимиз шарт ва зарур. Айниқса, кечагидек «Tashkent City»да ўтказилган шоу тўйларни қатъий назоратга олиш лозим. Йўқса, карантин даврида янги-чи тўй ўтказиш маросимлари авж олиши мумкин.

**Рустам ЮСУПОВ** тайёрлади.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

**Тождор вирус аниқланган ўқитувчилар ўрнига ким дарс ўтади?**

**?** – Шу кунларда Ўзбекистонда ўқитувчилар оммавий равишда коронавирус тестини топширмоқда. Хабарларга кўра, биргина Қашқадарё вилоятида лаборатория текширувидан ўтган 855 нафар ходим вирус юқтирилганлигида гумонланган. Бундай ҳолатларда мактабларда касалланган ўқитувчиларнинг ўрнига ким дарс ўтади?

**Наргиза ЮСУПОВА,** Қашқадарё вилояти.

**Файзулла ЭШҚУЛОВ,** Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси матбуот котиби:

– Аввало, бу ўқитувчиларда коронавирус аломатлари мавжуд эмас, аксинча гумонланган сифатида шифокорлар томонидан кузатувга олинди. Навбатдаги босқичда эса вирусни юқтирилганлигида гумонланган педагог ходимлар яна бир бор текширувдан ўтади.

Қашқадарё вилоятидаги умумтаълим мактабларида ҳам 2020-2021 ўқув йилини карантин қоидалари ва талаблари асосида ташкил этиш мақсадида барча педагог ходимлар коронавирусга текширилмоқда.

Навбатдаги саволга келадиган бўлса, аввало, барча педагоглар коронавирусга тест топширганидан сўнг барчаси ижобий чиққан тақдирдагина, қолаверса, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва СЭОМ хулосалари берилган мактаблардагина ўқишга рухсат берилмоқда. Бугунги кунгача 153 та мактабга ана шундай тартиб-қоидалардан сўнг фаолият юритишига рухсат берилди. Ўқитувчиларда коронавирус аниқланган тақдирда ҳам мактабларда дарс ўтиш жараёнида муаммо туғилмайди. Чунки карантин даврида бир нечта фан дарсликлари ўтилишига рухсат берилмади.

**ЕСО-93 бензини биржа савдоларига қўйила бошланди.**



Сиз ўзингиз яшаб турган ҳудуддаги маҳаллий Кенгаш депутатини танийсизми? Қуйи палатага сайла(н)ган депутатни-чи? Афсуски, бугун кўпчилигимиз ишонч билдириб сайланган депутатларимизни танимаймиз. Чунки уларнинг аксарияти нафақат сайловда, балки сайланиб олгандан кейин ҳам «қораси»ни кўрсатмайди.

Халқ дарди билан ҳамнафас бўлмаётган бундай депутатлар дастидан маҳаллий ҳудудларда муаммолар кўлами кенгайиб, халқ турли ташкилотлар эшигини қоқиб сарсон-саргардон бўлмоқда. Хўш, халқ билан мулоқот қилаямиз, деб кўкрагига ураётган депутатлар аслида нима билан банд? Нега уларни сайлов участкаси ёки округидаги фуқаролар танимайди? Ахир, маҳалла фуқаролар йиғинларида уларнинг қабул кунлари белгилаб қўйилган-ку?!

Сиз айтгандек, танганинг иккинчи томони ҳам бор. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар жамоатчилик асосида ишлайди, баъзилари (асосан, тадбиркор, фермер, мактаб директори, тиббиёт бирлашмаси раҳбари ва ҳоказолар) маҳаллий ҳокимият томонидан мажбуран сайлаб қўйилган. Уларга ўзи сайланган ҳудудга бориш, сайловчиларни қабул қилиш каби иш режасида қатъий белгиланган вазифаларни адо этиш ҳам осон эмас. Чунки баъзи ҳудудлардаги туман Кенгаши депутати сайловчилари билан учрашиш учун юз-юз элик километр йўл босишига тўғри келади. Бу эса вақт ва маблағ талаб этади. Депутат шунча масофага ўз ҳисобидан жамоат транспортда борса ҳам, ойлик маошининг анча қисмини сарфлашига тўғри келади. Бу ёқда эса...

### Ҳуқуқий асослар яратилмоқда, бироқ...

Қайд этиш керакки, сўнги йилларда маҳаллий Кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилиб, ҳоким, унинг ўринбосарлари, прокуратура, адлия, ички ишлар ва соғлиқни сақлаш идоралари раҳбарларининг тегишли Кенгашлар олдида ҳисобдорлиги қонунларда белгилаб қўйилди. Бироқ бу борада амалга оширилган ишлар ҳозирги кунда етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Хўш, бунга нима сабаб бўлмоқда? Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва



## Энди МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

# котибиятлар бўлади. Вазият-чи, ўзгарадимми?

суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Жаҳонгир ШИРИНОВ ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

– Бунга халқ депутатлари Кенгашларига ташкилий жиҳатдан кўмаклашувчи бўлинманинг мавжуд эмаслиги, мазкур вазифа гарчи ўзига хос бўлмаса-да, ҳокимликларнинг аппарати томонидан амалга оширилатгани сабаб бўлмоқда, – дейди Жаҳонгир Ширинов. – Жорий йилнинг 14 сентябрь куни Президентимиз томонидан имзоланган «Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни юқорида келтирилган масаланинг ечими бўла олади. Дарҳақиқат, маҳаллий Кенгашларнинг доимий асосда ишлайдиган котибиятларининг ташкил этилиши мазкур кенгашлар фаолиятини янада кучайтириш учун хизмат қилади.

### Қонунга қандай ўзгартиришлар киритилди?

– Қонун билан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига Кенгаш котибияти билан боғлиқ ўзгартишлар киритилди. Жумладан, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатлардан хизмат кўрсатиш вазифасини ҳокимликлар аппаратида тегишли халқ депутатлари Кенгаши котибияти зиммасига ўтказиш, котибият юридик шахс ҳисобланиши ва унинг фаолияти тегишли маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилиши, котибият тузилмаси, штатлари, ходимларининг меҳнат ҳақи миқдори ва моддий-техника таъминоти белгилаб қўйилди. Шунингдек, қонунда уларнинг ишлаши учун зарур харажатларни тегишли халқ депутатлари Кен-



гаши томонидан тасдиқланиши, котибият ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари маҳаллий Кенгашларнинг ваколат муддатига боғлиқ бўлмаслиги қайд этилган. Котибият Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва ўз номи туширилган муҳрига ҳамда бланкига эга бўлиши ҳамда котибиятнинг намунавий низоми ва намунавий тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан тасдиқланишига оид нормалар мустаҳкамланди.

Бундан ташқари, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига халқ депутатлари Кенгаши депутатини ҳужжатлар, зарур ахборот ва маълумот материаллари билан таъминлаш, шунингдек, депутатлик фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича мутахассисларнинг маслаҳатларини уюштириш вазифасини вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари зиммасидан Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибиятига ўтказиш билан боғлиқ ўзгартишлар киритилди.

### Тажриба ўзини оқладими?

– Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги «Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибни жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида»ги фармониغا мувофиқ, эксперимент тариқасида халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туманлар Кенгаши котибиятлари ташкил этилган эди. Бу қай даражада ўз самарасини кўрсатмоқда?

– Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида котибиятларнинг ташкил этилиши маҳаллий Кенгашлар фаолиятини ахборот-таҳлилий, ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа жиҳатдан таъминлаш, доимий комиссияларнинг назорат соҳасидаги ваколатларини самарали амалга оширишга хизмат қилмоқда. Қолаверса, маҳаллий ижроия ҳокимияти, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Хорижий амалиёт ўрганилганда Грузия, Беларусь, Қозоғистон ва Қирғизистон каби давлатлар маҳаллий Кенгашларининг фаолиятига кўмаклашиш учун махсус тузилмалар (депон, котибият ва бошқалар) ташкил этилганлиги кузатилди.

органлар ҳамда бошқа идоралар раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари (ахборотлари) эшитувини ташкил қилишга кўмаклашиш имкониятини берди.

Шу билан бирга, депутатлар томонидан юридик ва жисмоний шахсларни қабул қилиш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш ҳамда мурожаатларнинг ҳисобини юритиш ва уларнинг ижросини назорат қилишда қўл келмоқда. Шунингдек, меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий тусга эга қарорларнинг маҳаллий Кенгаш муҳокамасига киритилишидан олдин тегишли Адлия бошқармаларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини енгиллаштиради.

Шулоса қилиб айтганда, мазкур қонун маҳаллий Кенгашлар фаолиятига бевосита кўмаклашувчи тузилмани ташкил қилиш орқали ҳокимликларнинг ташкилий-назорат гуруҳлари зиммасидан ўзига хос бўлмаган вазифалар соқит қилинишига ҳамда маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг янада яхшиланишига хизмат қилади.

Келгусида маҳаллий Кенгаш депутатларига янада кўпроқ ваколат бериб, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарур. Солиқ имтиёзлари ва транспорт воситаларидан фойдаланишда (самолёт, поезд) чегирмалар жорий этилиши ҳам халқ вакиллари ишида жонлан-тиришга таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, автомашина сотиб олишда имтиёзли кредитлар ажратилиб, алоҳида иш хоналари билан таъминланса, нур устига нур бўларди. Шундагина улarga ўз вазифасини тўлақонли бажаришига имкон берган бўламыз.

Рустам ЮСУПОВ  
ёзиб олди.

Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиали ташкил этилди.



# БОҒЧАЛАР ИШ БОШЛАДИ: болалар саломатлигининг ҳимояси кафолатланганми?

Кундан-кунга вазият таранглашмоқда: касалланганлар сони ортмоқда. Жаҳон матбуоти эса Европада иккинчи тўлқин бошлангани ҳақида бонг ураёттир. Тождор вирус намгарчиликда кўпайиши инобатта олинса, унинг асоратлари ҳам кенгайиб бориши ойдинлашади.

Тўғри, масофа сақлаш, ниқобда юриш, аллақачон турмушимизнинг ажралмас қисмига айланди. Бироқ вирус жиловини кўлдан чиқардик. Энди у билан ёнма-ён яшашга, ҳисоблашишга мажбур ва маҳкумимиз. Карантин чекловларининг қисқартирилиши пандемията мослашимиз учун ташланган биринчи қадамдир.

Ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар ишга тушганига салкам бир ой бўлди. Навбатдаги босқичда мактаблар ва боғчаларнинг фаолият бошлаши назарда тутилган. Унга кўра, Республика махсус комиссиясининг қарори билан жорий йил 5 сентябрдан мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларининг фаолиятига руҳсат берилган. Шу ҳафта аввалдан боғчалар очилиши бошланди. Қайд этилишича, мактабгача таълим ташкилотлари фақат халқ депутатлари Кенгаши ва санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати руҳсати ҳамда боланинг ота-онаси розилиги билан амалга оширилади.

Биринчи ўринда, катта ва 5-7 ёшли тарбияланувчилар тайёрлов гуруҳлари иш бошлайди. Бу 5 ёшгача бўлган боланинг ижтимоий масофа сақлаши ва гигиена қоидаларига амал қилишдаги қийинчиликлари билан изоҳланади.

Ўрта, яъни 4-5 ёшдаги болалар гуруҳларининг очилиши октябрь, кичик гуруҳларнинг (3 ёшдаги болалар) очилиши ноябрь ойига мўлжалланган. Очилиш муддатлари мамлакатдаги эпидемиологик вазиятга қараб ўзгариши мумкин.

## Қандай талабларга жавоб бериши керак?

Бироқ иш бошлаган ҳар бир боғча белгиланган санитария талабларига риоя этиши керак. Хусусан, ходимлар ва болаларнинг (тарбияланувчиларнинг) соғлиғи ҳолатини доимий назорат қилиш (тана ҳароратини мунтазам ўлчаб бориш), тана ҳарорати 37 даража ва ундан юқори бўлган ёки инфекция аломатлари мавжуд ходимлар ва болалар (тарбияланувчилар)



машгулотлардан четлатилади. Ходимлар тиббий ниқобдан фойдаланиши ва ижтимоий масофани сақлаши лозим. Санитария-гигиена ва дезинфекция талабларига қатъий риоя этиши, бино хоналарини доимий равишда дезинфекциялаш, уларга кириш-чиқиш жойларини пирометр, антисептик восита ва дезинфексион «тўшак»лар билан жиҳозлаш қатъий назорат қилиниши керак.

## Қандай боғчалар очилмайди?

Очигини айтиш керак, бутун мактабгача таълим ташкилотлари орасида шароити талаб даражасида эмаслари ҳам бор. Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 900 дан ортиқ боғчаларда ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар ҳал этилиши кутуляпти. Ҳозирги қалтис вазиятда бундай боғчалар қандай йўл тутади?

— Тоza ичимлик суви билан таъминлаш – мактабгача таълим ташкилотлари очилиши учун белгиланган алоҳида талаблардан бири. — дейди Мактабгача таълим вазири Агриппина Шин. — Бу муаммо – тизимнинг оғриқли нуқталаридан бири. Тўғри, ҳозирда 939 та мактабгача таълим ташкилотиди ичимлик суви етказиб бериш ва уни сақлаш муаммоси бор. Бу муаммо устида ишланмоқда. Агар МТТларда 5 кунлик ичимлик суви захираси бўлмаса, уларнинг фаолият бошлашига руҳсат берилмайди.

## Хавф гуруҳидаги ходимлар нима қилади?

Яқин кунгача қайга бормайлик, хлорли йўлақдан ўтишга мажбур бўлаётгандик. Метрою бозорларнинг кириш эшиги шу қурилмалар билан жиҳозланган. Бироқ шу кунларда бу «посбон»ларнинг

бирон-бир самара бермаслиги ойдинлашди. Ҳақли савол туғилди: мактабгача таълим ташкилотлариди ҳам шундай йўлақлардан фойдаланиладими?

— Пандемия шароитида МТТлар фаолият юритиши учун санитария-эпидемиология нормалари ишлаб чиқилган. — дейди Мактабгача таълим вазири Умида Муҳиддинова.

— Унга кўра, МТТларнинг кириш қисмида хлорли тўшаклардан фойдаланилади. Улар орқали болалар оёқ кийимларини тозаллаган ҳолда ичкарига киришади. Лекин хлорли йўлақлардан фойдаланилмайди. Тизимда фаолият юритувчи хавф гуруҳидаги ходимларнинг вазияти ҳисобга олинади. Сурункали касалликлари бор ходимларга хоҳишига қараб уйда қолишига руҳсат берилган. Уларга ўзларининг ҳолатини келиб чиқиб, масофавий тарзда ишлаш таклиф қилинган. Шу ўринда айтиб ўтиш оғир, боғча ходимлари ҳар б ойда режалаштирилган тиббий куриқдан ўтказилади. Бундан ташқари, ҳозир улардан коронавируста тест ҳам олинапти.

## Ота-оналар — сиз учун!

Айни пайтда фарзандини боғчага жўнатаётган ота-оналар кўнглида ҳам минг хавотир. «Болам касаллик юктириб олсачи?», «Ўзи ҳамма болалар боғчага борса бўладими?», «Нима қилсак у касалликка чалинмайди?», «Боланинг иммунитетини яхши бўлса, хавотирга ўрин йўқми?» каби саволлар кўпчилигининг кўнглидан ўтаётгани бор гап.

— Иммунитетнинг қай тарзда шакллангани бола турли инфекцияга дуч келганда намоён бўлади. — дейди Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси Барно Абдусаматова. — Яъни у

боғчага бориб бошқа болалар билан алоқада бўлганида. 3 ёшгача болалар йилига 4, 3 ёшдан юқори болалар йилига 6 мартадан кўп ўткир респиратор вирусли инфекция, грипп, бронхит каби касалликлар билан касалланса, бундай болалар тез-тез касалланувчи болалар гуруҳига кириди. Гўдакда камқонлик аниқланган бўлса (қонда гемоглобин миқдорининг камайиб кетиши) иммунитет тизими иш фаолиятини сусайтиради. Бундай болалар шифокор назоратида бўлиши ва сурункали касалликлари бўлса уларни мунтазам даволатиб туриш зарур.

Болалар орасида кўп учрайдиган гижжа ва унинг бошқа турлари иммун тизимига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, қон таркибидаги турли инфекция кўзга туғувчи бактериялар ҳам жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бола саломатлигини мустаҳкамлаш учун унинг кундалик таомна-сига тўйимли ва калорияга бой маҳсулотлардан қўшиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, гуштли ва сабзавотли овқатлар, мевалар, денгиз маҳсулотлари, тухум, витаминларга бой табиий шарбатлар ва сут маҳсулотлари кундалик таомнада бўлиши зарур.

Нима бўлганда ҳам гишт қолмадан кўчди. Боғчаларнинг иш бошлаши билан катта таваққалга кўл урилди. Биз бу синов-тажриба ўзини оқлашини жуда хоҳлардик. Чунки болажонлар тафаккури шаклландиган айни паллани телевизор қаршисида ўтириб ўтказмаслиги, дарсларни ўлда-жўлда ўзлаштирмаслиги керак. Йўқса жамият ёш авлод саводини бой беради, унинг эртанги товони эса қимматта тушиши мумкин.

Гулнора ТУРДИҚУЛОВА,  
ўқитувчи.

Фарғонада кислород концентратори ишлаб чиқариш бошланди.



# МУТАСАДДИЛАР ҳали вақт борлигини рўқач қилишмоқда

Куз-қиш мавсумига ҳозирлик борасида жуда кўп гапирилади, қарорлар қабул қилинади, масъуллар тайинланиб, маблағлар ажратилади. Лекин мавсум ҳозирлиги билан боғлиқ аҳолини қийнаётган масалалар кундан-кунга кўпайиб бораверади.

«Бир товуқа ҳам дон, ҳам сув керак» деганларидек, мавсум эшик қоқаетган паллада кўп қаватли уй эгаларининг мурожаати ҳам ортиб бораверади. Уйлар томи ва иссиқлик қувурларини таъмирлаш, кириш йўлакларини сошлаш, синган ойналарни алмаштириш каби масалалар кун тартибига чиқади. Қизиқ жиҳати, бу ишлар айна куз-қиш мавсумида ҳамма жойда бирдек муаммо бўлиб қолади. Ҳўш, бу каби долзарб масалалар Фарғона шаҳрида қандай ҳал этилади? Аҳолининг бу борадаги талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун қандай чора-тадбирлар белгиланган?

– Жорий мавсумда 95 та кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш учун тижорат банклари томонидан 1 миллиард 650 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари жалб этилади, – дейди Фарғона шаҳар ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал курилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Дилмурод Бекмирзаев. – Ҳозирга қадар, 19 та кўп қаватли уйнинг том қисми жорий ва мукамал таъмирдан чиқарилди. Кириш йўлакларини мавсумга ҳозирлаш, темир эшиклар ўрнатиш борасида белгилаб берилган вазифалар ижроси босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Бундан ташқари, 30 та кўп қаватли уйнинг электр тақсимлаш шитлари, 1470 погонметр иссиқлик тик қувурларини сошлаш ишлари олиб бориляпти.

## Ишлар қилинмоқда, бироқ...

Дарҳақиқат, Дилмурод Бекмирзаев таъкидлаганидек, иқтисодиёт тармоқлари, кўп қаватли уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектиларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича кўплаб ишлар қилинмоқда, белгилаб берилган вазифалар ҳам кўп. Аммо уларнинг айримлари фақат қоғозларда қолмоқда. Хусусан, уй олди қисмини бетон қопламалар билан қоплаш, кичик йўллар, болалар майдончалари қуриш, ирригация тармоқларини таъмирлаш ишлари ҳали бошланганича йўқ. Мутасаддилар белгиланган ишларни поёнига етказиш учун ҳали вақт



борлигини рўқач қилишдан нарига ўтмаяпти.

## Муаммонинг ечими бор... (ми?)

Мавсум ҳозирлиги билан боғлиқ иш кўламига назар ташланса, йиллар давомида ечимини кутиб турган талай масалалар борлиги ойдинлашади. Жумладан, Фарғона шаҳридаги Алишер Навоий мавзесида жойлашган кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолига марказлашган иссиқсув ва иссиқлик етказиб бериш ҳануз муаммолигича қолмоқда. Қишли-қировли кунларда уй-жойларини иситиш истагида бўлган фуқаролар уйдаги газ плиталари ёки электр иситиш мосламаларидан фойдаланиб келади. Айримлар эса мустақил иситиш қурилмалари қуриб олган ҳолда «жон» сақлайди. Бу эса айна куз-қиш мавсумида табиий газ ва электр таъминотида етишмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Муаммонинг ечими борми?

– Президентимизнинг «2018–2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш



## ДАРВОҚЕ...

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан иссиқлик манбаларининг иситиш ускуналарига когенерацион газ турбинаси технологиясини амалга жорий этиш мақсадида Фарғона шаҳридаги «РҚ-3» марказий қозонхона модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳаси учун 131,89 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилмоқда. Бу йилга 300,5 минг геккалория иссиқлик энергияси ва 294,57 миллион килловатт электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятини беради.

дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Алишер Навоий мавзесидаги марказий иссиқлик тизимига уланмаган 234 та кўп қаватли уйларда алоҳида иссиқлик тежовчи локал қозонхоналар ўрнатиш юзасидан таклиф ва лойиҳалар ишлаб чиқилган, – дейди Фарғона вилоят «Иссиқлик манбаи» назорат бўлими бошлиғи Абдулазиз Қўлдошев. – Аммо таклиф қилинган лойиҳалар ҳануз молиялаштирилгани йўқ. Бу кўп қаватли уйларни иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлашда ўзига хос муаммолар келтириб чиқишига сабаб бўлиб қолмоқда.

## Лифт – ҳамон оғрикли масала

Куз-қиш мавсуми доирасида олиб борилаётган ишлар кўламига назар ташлайдиган бўлсак, мавжуд лифтларни таъмирлаш устувор вазифалардан бўлиб турибди. Холбуки, шу кунга қадар бу борада бирон-бир ибратли ташаббус амалга оширилгани йўқ.

Фарғона шаҳрида 76 тадан ортиқ кўп қаватли уй-жойда яшовчи фуқаролар лифтанг фойдаланиб келишади. Бугунга келиб маънан эскирган 20 дан ортиқ лифтларни

таъмирлаш билан боғлиқ ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ «Водий Нодирабегим» хусусий уй-жой ширкатига қарашли учта кўп қаватли уйларда лифтлар ишламайди. Юқори қаватларга иссиқ сув ҳам етиб бормайди. Нега?

– Худудимизнинг Янги аср кўчасидаги 76-, 78-, 80-кўп қаватли уйларда лифтлар қачон ишлаганини эслай олмайман, – дейди «Юлдуз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раънохон Аҳмаджонова.

– Лифтларнинг доимий ишлаб туриши кўп қаватли хонадонларда яшовчи аҳолининг ҳамжихатлигига ҳам боғлиқ. Чунки уларни таъмирлаш, назорат қилиш учун маълум миқдорда пул тўлаш талаб этилади. Лекин ҳамма ҳам «беминнат» дастёрнинг хизмати-дан фойдаланишни хоҳламайди. Қолаверса, лифтлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун эҳтиёт қисмлари ва мутахассисларнинг етишмаслиги ҳам муаммолар кўламини кенгайтирмоқда.

Ҳўш, мавжуд муаммо юзасидан ширкат раҳбарининг фикри қандай?

– Иссиқ сув босимининг пастлиги сабабли 5-қаватдан юқорига иссиқ сув етиб бормайди, – дейди «Водий Нодирабегим» хусусий уй-жой ширкати раиси Дилрабахон Мадаминова. – Бу масалада амалий ёрдам сўраб ҳудудий «Иссиқлик манбаи» корхонасига мурожаат қилганмиз. Улар масалани ечиш учун ҳар бир кўп қаватли уйларга насос ўрнатиш таклифини беришмоқда. Аҳоли бу таклифни қўллаб-қувватламаяпти. Аввалари ушбу кўп қаватли уйлар олдида марказлашган насос тизими ишлаган. Бу сув таъминотини яхшилаш билан бирга, харажатларни иқтисод қилиш имконини берган.

Сирасини айтганда, қишнинг ҳар бир кунини, ҳар дақиқасини. Бу фаслни беталафот ўтказиш эса мавсумга тайёргарлик кўриш борасида қилинган ишлар, белгиланган чора-тадбирларнинг амалий ижросига боғлиқ.

Расул КАМОЛ  
«Mahalla»

## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Фарғона шаҳрида жами 128 та ижтимоий соҳа муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Шу кунга қадар 21 та янги қозонхона ўрнатиш, 11 тасида таъмирлаш, 2 минг 704 погонметр иссиқлик тармоқларини ҳимоя воситалари билан ўраш, 1371 квадрат метр эшик ва ромларни алмаштириш ишлари олиб борилди.

Ўзбекистонга саккиз ойда 360,4 мингта  
мобиль телефон импорт қилинди.



Адлия вазирлиги Фуқаролик кодексининг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқмоқда. Кодексни янгилаш — 2019 йил 5 апрелда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида кўзда тутилган эди. Хўш, амалдаги кодексга қандай ўзгаришлар киритилмоқда? Янги тартиблар нимаси билан аҳамиятли?

Айтиш керакки, амалдаги Фуқаролик кодекси 1996 йилда қабул қилинган, ammo мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи иқтисодийётни янада либераллаштиришни тақозо этмоқда.

— Бугунги кунда реал бозор иқтисодийёти ва илгор халқор стандартлар талабларига жавоб берадиган, тўғридан-тўғри амал қиладиган замонавий фуқаролик кодексини ишлаб чиқиш давр талабидир, — дейди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти директори **Аъзам Мадаминов**. — Шу маънода янги таҳрирдаги кодекс лойиҳаси бир томондан, Фуқаролик кодекси моддаларини унификация қилиш ва тизимлаштириш чораларини, иккинчи томондан, тадбиркорлик, шу жумладан, хорижий инвесторлар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор янгиликларни ўз ичига олган. Хусусан, алоҳида қонунларда ва Фуқаролик кодексиди мазмунан тақдорланадиган бир қатор қоидалар (масалан, интеллектуал мулкка оид, юридик шахслар фаолияти ташкилий масалалари билан боғлиқ нормалар) лойиҳа матнидан чиқариб ташланган бўлса, айримлари (масалан, лизинг қоидалари) амалдаги қонунлардан кодекс лойиҳасига кўчириб ўтказилмоқда.


### Фуқарога қонуний етказилган зарар ҳам қоплаб берилади

Маълумки, амалдаги кодексга кўра, давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилиниши, шунингдек, улар мансабдор шахсларнинг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қопланиши лозим.

Ҳужжатнинг янги таҳрири билан эндиликда давлат органларининг нафақат ноқонуний, балки қонуний хатти-ҳаракатлари натижасида

# ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИ

## янгилашга қандай зарурат туғилди?



фуқароларга зарар етказилган ҳолларда ҳам зарар қоплаб берилиши тартиби жорий этилиши мумкин.

— Бугунги қонунчилик бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг фуқароларга етказилган зарари фақат ноқонуний ҳаракатлари орқали келиб чиққан бўлсагина қоплаб берилади, — дейди **А.Мадаминов**. — Яъни ҳокимият ёки бошқа давлат идораси қайсидир ҳаракати билан фуқарога зарар етказса, ушбу ҳаракат ноқонуний деб топилишига, зарар ундирилиши мумкин. Хорижий тажрибани ўрганганимизда шунинг гувоҳи бўлдикки, қўлаб мамлакатларда амалдор қонуний ҳаракати билан зарар етказса ҳам, давлат зарарни тўлаб бериш мажбуриятини олар экан. Ушбу масала ҳам кодекснинг янги лойиҳасида ўз аксини топган.

Шунингдек, мулк хусусий ёки



лик кодексиди алоҳида боб билан тартибга солилмаган, қўшнилари ўртасида низолар бўлса, умумий қоидалар асосида ечиб келинган. Эндиликда янги кодексга қўшнилари ҳуқуқи бўйича янги боб қўшилади ва унда муайян бир чегараларни белгилаш, мавжуд мулкка нисбатан кимнинг ҳуқуқи борлиги каби масалалар акс этади.

— Хорижий тажрибани ўрга-

### «Лафзсизлик тўлови» нимани англатади?

Фуқаролик кодексининг янги таҳрирдан неустойка термини чиқарилиб, уни «лафзсизлик тўлови» атамасига алмаштириш таклиф этилмоқда (неустойка — шартномадаги бирор мажбуриятни вақтида бажармаганлик учун икки томоннинг биридан олинадиган жарима). Бироқ муҳокамалар жараёнида айни ўзгаришга қарши фикрлар ҳам айтилмоқда.

— Неустойка терминини ўзбекча муқобилига алмаштириш масаласи таклиф этиляпти, — дейди Бош прокуратура бошқарма катта прокурори **Жамшид Қўшилов**. — Бизнингча, бу сал ноўрин бўларди. Чунки неустойка ундириш масаласи бошқа хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам бевосита бор. Неустойка фақат ёзма ҳуқуқий муносабатларда қўлланиладиган атама ҳисобланади. Лафзсизлик деган тушунчани ўзбек имло луғатидан кўрдик, бу сўз халқ орасида айнан оғзаки келишувларда қўлланилиши маълум бўлди. Бу масалани қайта кўриб чиқиб, содда шаклда неустойка терминининг ўзини қолдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

\*\*\*

Фуқаролик қонунчилиги ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим муносабатларини тартибга солар экан, шунга монанд унинг роли, замон ҳамда макон руҳига мос бўлиши жамият ва давлат учун ҳам аҳамиятлидир. Янги таҳрирдаги кодекс лойиҳасини такомиллаштиришда ҳам айни жиҳатларга эътибор қаратилмоқда.

Санжар ИСМАТОВ  
«Mahalla»

### Кодексга криптовалюта тушунчаси киритилмапти

Яна бир янгилик: фуқаролик қонун ҳужжатларини Интернетда вужудга келадиган муносабатларга ҳам татбиқ этиш билан боғлиқдир. Келгусида электрон ёки бошқа техник воситалар ёрдамида тузилган битимларни ёзма шаклга тенглаштириш, электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда товарларни сотишнинг, рақамли пул, яъни криптовалюта муомаласининг асосий қоидалари белгиланаётир.

давлатга тегишли бўлишидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқий ҳимоя белгиланмоқда. Давлат реестрига киритилган маълумотга ишониб мулкни сотиб олган мулкдордан, илгариги сотувчи томонидан қандайдир ҳуқуқбузарликка йўл қўйилган бўлса-да, мулк қайтариб олинмаслиги ҳамда мулк ҳуқуқининг ҳимоясини таъминлашга қаратилган янги қоидаларни жорий этиш назарда тутилмоқда.

### Қўшнилари муносабати тартибга солинади... (ми?)

Сир эмас, қўшничлик муносабатлари бугунги кунгача Фуқаро-

ниб, янги таҳрирдаги кодексга «Қўшни ҳуқуқи» деган бобни киритдик, — дейди Тошкент давлат юридик университети кафедра муdiri **Нурилло Имомов**. — Бунда муайян бир чегараларни белгилаш, мавжуд мулкка нисбатан кимнинг ҳуқуқи борлиги каби масалалар акс этади. Мисол учун, уй-жой, иморатлар қурилатганда баланглиги қанча бўлиши керак, у қўшнига зарар қилмайдими, ўртадаги девор келишиб қуриладими ёки биронинг мулки ҳисобланадими, симлар, сув қувури ўтиши, дарахт ўсган бўлса, унинг шохидан тўкиладиган мевалар кимники каби ўнлаб масалалар тартибга солинган.



Ўзбекистонда 3,7 миллион абонент электр ҳисоблашнинг автоматлаштирилган тизимига ўтказилди.



# Янги ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ

## қўл меҳнатини енгиллаштирадими?

Кўпчилик яхши эслайди: 1990 йилларнинг охирида қишлоқ хўжалигимиз тарихида «Кейс» фирмаси даври бошланди. Шу пайтлари бу турдаги трактор, комбайнларни оммавий равишда харид қилдик. Корхонага эътирозимиз йўқ. Уларнинг машиналари ҳақиқатан замонавий: кабинада кондиционер, радио ишлаб туради, ҳайдовчига силкинишлар деярли сезилмайди, ёритиш тизими зўр — кечқурун ҳам бемалол ишлаш мумкин ва ҳоказо. Аввалги комбайн ва тракторлардан минг чандон афзал.

Аммо масаланинг айрим кўнгилни хира қилган жиҳатлари ҳам йўқ эмасди. Масалан, трактор оғирлиги боис ҳайдалган ер устидан юрганида уни жуда қотириб юборарди. Иккинчидан, кўп ёқилги ва мой сарфлайди. Тракторнинг ўзи жуда қимматлиги устига (битта «Кейс» ўрнига иккита оддий трактор олиш мумкин), эҳтиёт қисмлар ҳам Америкадан келтирилгани боис ҳар қайси фермер ҳам ундан фойдалана олмасди.

Боз устига, бундай тракторларнинг хариди давлат томонидан қўллаб-қувватлангани «Кейс»га Ўзбекистон бозорига ўзига хос монополия ўрнатилганга имкон яратарди. Масалан, Хитой, Россия, Беларусь ва бошқа давлатларнинг қишлоқ хўжалиги техникаси учун бизнинг бозорда бу каби имкониятлар мавжуд бўлмаган. Энг асосийси, «Кейс»га бўлган «муҳаббат» минглаб одамлар ишлаб, тирикчилик қилган, ўзимизнинг Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи инқрози сабабларидан бири ҳисобланади. Ваҳоланки, «хўрозқандни чет элники деса, ётиб ялаш» ўрнига ўша эътибор ва имтиёзни Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводини қаратганимизда бугун вазият мутлақо бошқача бўлиши мумкин эди.

Албатта, «Кейс» компанияси ўша пайтлари Ўзбекистонда юқоридаги каби имтиёزلарга қай тарзда эришгани бизга қоронғу. Биз кейинги йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводида амалга оширилаётган ишларга тўхталмоқчимиз.

### Бугун аҳвол қандай?

— Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш соҳаси абгор аҳволга келди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси Шерзод Рахимов. — Қўллаб қорғоналар қатори Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи ҳам йилдан-йилга «ўтириб» борди.

Машиналаримиз хорижники, жумладан, бугунги кунда урфга кирган Хитой қишлоқ хўжалиги техникалари билан рақобатлаша олмайди. Зеро, ишлаб чиқаришда илм-фан ютуқларини жорий этиш, замонавий, оригинал механика ва конструкторлик ечимлардан фойдаланиш, бозорбоп нархларни татбиқ этиш тажрибаси деярли йўқ. Тизимдаги корхоналар йилга 26 минг дона турли қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлса-да, 2018 йилда маҳсулот ҳажми 11 минг 500 дона, ўтган йили эса 10 минг донага ҳам етмади. Бу қишлоқ хўжалиги соҳаси жадал ривожланаётган, техникага талаб йил эмас, кун сайин ортиб бораётган мамлакатда содир бўлган одамни ажаблантиради.

Аммо жорий йилда соҳада ўзгаришлар эпкини эса бошлади. Яқинда Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи АҚШнинг «СНН» компанияси билан биргаликда TZST CE-220 пахта териш машинаси — трансформер ишлаб чиқаришнинг ўзлаштиргани ва маҳсулотни фермерларимизга етказиб бера бошлагани тўғрисида хушxabар тарқалди.

### Пахтани тракторда териш яна жонланади

— Заводимиз нафақат республикада, балки Марказий Осиёда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи ягона корхона, — дейди завод бош технологи Мурод Эргашев. — «Ўзавтосаноат» томонидан заводдаги ишлаб чиқариш ва корпоратив бошқарувни оптимизациялаш бўйича қатор стратегия ва дастурлар ишлаб чиқилган. Мазкур режаларни амалиётга татбиқ этиш учун корхонага автомобилсозлик тармоғидан 200 нафар мутахассис жалб этилди. Бунда фаолиятнинг ҳар жиҳатдан замонавий ахборот тизимлари, бошқарув, ҳисоб-китоб ва сифат назорати тизимлари жорий қилинди. Бугун тайёрлов цехларимизда металлни кесиб

немис технологияси асосида амалга оширилмоқда. Кесилган металллар пайвандланиб, сўнгра бўялади ва йиғув цехига ўтказилади. Бу каби янгиликлар сабаб ўтган икки ойда ишлаб чиқариш ҳажмини кунига 5 дона техникадан 40 тагача оширишга эришдик. Йил охирида ишлаб чиқариш қувватини 80 фоизга етказиш кўзда тутилган.

### Универсал терим машинаси қандай ишлайди?

Энди янги пахта терим машиналарига келсак. Аҳамиятли жиҳати, завод замонавий фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жалб қилди. TZST CE-220 пахта териш машинаси — трансформер, янги авлод машинаси ҳисобланади. У фақат пахта терими мавсумидагина ишлатилмайди. TZST CE-220 пахта териш машинасида йил давомида, дейлик, чигитни қаддашдан тортиб, ҳосилни йиққунга қадар дала ишлатилади. Унумли фойдаланиш мумкин. Янги авлод машинасида тўрт мавсумда фойдаланиш имконияти яратилган. Янги авлод машинасига терим пайтида бункер ўрнатилади, мавсум якунлангандан сўнг бункер ечибли, универсал ҳайдов трактори сифатида ишлатилади. Машина кунига ўртача 20 тоннагача пахта теради. Агрофон яхши тайёрланган бўлса, ундан ҳам кўп териши мумкин. Бункер ҳажми 1 минг 200 килограмм. Ушбу пахта териш машинаси 400 теримчининг ўрнини боса олиши билан янада аҳамиятлидир. Янги авлод техникасида 4 мингдан зиёд детал бўлса, шундан 2 мингдан ортиғи ўзлаштирилди. Ҳозирча двигатель, пахта териш аппарати четдан келтириляпти. Пахта териш аппаратини ўзлаштириш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган йили шу русумда 50 та техника тажриба тариқасида

чиқарилган. Синов яхши натижа берди. Жорий мавсумда 500 та ана шундай машина ишлаб чиқарилади. Ҳозиргача 100 тадан ошми фермерларга етказиб берилган. Бугунги кунда маҳаллийлаштириш 20 фоиз оширилган.

### Кейинги босқичларга шошилиш керак

Машинасозлик, айниқса, замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодига катта кўмак бўлиши тайин. Узоқ йиллар мобайнида йўқ бўлиб борган заводимиз яна уйғонгани кўпчилик, айниқса, қиммат нархларда чет элдан техника сотиб олаётган фермерларни қувонтиргани аниқ. Боз устига, арзон терим машиналари, ҳосилни йиғиш пайти қўл меҳнатини чеклаш имконини ҳам яратди.

Аммо бу билан ҳали мақтанишга эрта. Бугунги қишлоқ хўжалиги техникаси соҳаси жуда сертармоқ. Бу ўта замонавий иссиқхоналар, интенсив боғлар учун машиналардан тортиб, сунъий онг билан бошқариладиган кенг майдонларни томчилаб суғориш технологиялари, қишлоқ хўжалиги дронлари, чорвачилик, паррандачилик ва бошқаларга мўлжалланган маҳсулотларни қамраб олади. Юртимизда юқоридаги соҳалар жуда жадал ривожланыпти. Техникага бўлган талаб ўта юқори.

Умид қиламизки, Марказий Осиёда ягона деб айтганимиз Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи яқин орада фақат пахтачилик соҳаси учун эмас, бошқа тармоқлар учун ҳам ўта замонавий техникаларни ишлаб чиқара бошлайди.

Улуғбек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»



Фуқароларни ҳисобга олишнинг янги тартиби жорий қилинди.





## Дунёга келмасдан савдоси бошланган ЧАҚАЛОҚ

Бу ҳақда Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси йиғилишида айтиб ўтилди. Хўш, чақалоқлар савдосининг бундай авж олишига нима сабаб бўлмоқда?

– Икки кун давомида одам (чақалоқ) савдосининг келиб чиқиш сабаблари, унга қарши курашиш ишларининг аҳволи, фарзандликка олишга оид норматив актларни такомиллаштириш бўйича вилоятда амалга оширилаётган ишлар атрофлича ўрганилди. – дейди Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича Миллий комиссия масъул котиби Улуғбек Гайназаров. – Ўрганиш давомида ушбу турдаги жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чоратadbирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмагани ойдинлашди. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилиш сабаблари ўрганилганда, барта-раф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаган. Манфаатдор давлат идоралари, вазирликлар ва муассасаларнинг ташаббускорлиги етарли даражада эмас. Идораларо ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйилмагани, одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликнинг сони ортishiга олиб келган.

### Эссиз, одам деган ном, Эссиз аёллик шаъни...

Маълумки, ҳар бир ўзбек оиласида қиз боланинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади, унга шарқона одоб ўргатилади. Чунки у эртага она бўлади, авлодлар давомийлигини таъминлайди. Шунинг учун қиз боланинг шаъни миллат шаънидек асралади, ҳимоя қилинади. Ўз навбатида, ўзбек қизлари ҳам бунга лойиқ бўлишга ҳаракат қилишади. Лекин...

Ҳаммаси 1990 йилда Нишон туманида туғилган Мафтуна Жўраеванинг (барча исм-фамилиялар ўзгартирилган) Саид исмли йигит

билан танишиб, пинҳона учрашувга чиқишидан бошланди.

Мафтуна ота-онаси вафот этгандан сўнг акаси ва янгаси билан бирга яшар, аммо уларнинг тергашларига қулоқ солмас, кўпинча бирор ишни бошлашда билганидан қолмасди. Саид билан муносабатларида ҳам ана шундай йўл тутди. Йигитнинг «Сенга уйланаман, тез орада совчиларим боради», деган гапларига ишониб, у билан яширинча учрашиб юрди. Бора-бора муносабатлар янада чуқурлашиб кетди. Акаси ва янгаси бу ҳақда билганида эса қизнинг аллақачон бир неча ойлик ҳомиласи бор, аксига олиб, у учрашиб юрган йигит аввалги «ўлдим-куйдим»ларни унутиб, жуфтакни ростлаб қолган эди.

Маҳаллада гап-сўзга қолишни уйлаган янга ишни ўз вақтида бости-бости қилиш учун йигит ҳақида сўраб-суриштиришга тушди. Билсаки, у қизнинг ҳомиладор бўлиб қолганини эшитиб дарҳол чет элга кетиб қолган, аслида исми Саид эмас, балки Юнус экан.

### Қалтис чора

Шундан сўнг тўй ҳақидаги режаларидан умидини узган янга бошқа чора кидиришга тушди. Топди ҳам. Аммо у ўйлаб топган усул нафақат қонунга зид, балки аёл, она, қолаверса, тумандаги мактаблардан бирида ёшларга сабоқ бериб келаётган ўқитувчидек касб эгаси учун мулақо номуносиб эди. Лекин янга айнан шу чорани энг тўғриси деб билди.

– Режага кўра, Мафтуна бир-мунча вақт кўни-кўшнингиз кўзига ташланмай турди. – дейди жиноят ишлари бўйича Нишон тумани суди раиси Шаҳобиддин Ҳасанов. – Туғуруқ вақти яқинлашган эса, янгаси ҳамроҳлигида туман тиббиёт бирлашмасининг туғуруқ комплекси-га келиб, туғуруқхона мудираси Сурайё Ўриновага дардини ёради. Қандай қилиб бўлмасин, чақалоққа харидор топиш кераклиги, шунда

туғуруқ харажатларини ортиги билан тулашни билдиради. Пул ҳақидаги ваъдаларни эшитган бўлим мудираси кўп ўйлаб ўтирмай, ишга киришади. У комплекста доя бўлиб ишловчи Жамила Турдиевани ёнига қақриб, маслаҳат солади. «Сизнинг 9 йилдан буён фарзанд қўрмаётган бир танишингиз бор эди-ку. Битта чақалоқ бор, айтсак шуни асраб олмасмикан?» деб сўрайди. Гап нима ҳақида кетаётганини англаган Жамила ҳам қариндошига айтиб кўришини айтади.

Бу орада эса хали дунёга келмасдан туриб савдоси бошлаб юборилган чақалоқ ҳам туғилди. Шундан сўнг Жамила Турдиева қариндошига битта қиз чақалоқ борлиги, хали онаси қўлига ҳам олмагани, меҳри тушмаганини айтиб, уни асраб олишни таклиф қилди. Қариндоши келиб, чақалоқни кўрди. Аммо томонлар келиша олмади. Шундан сўнг, туғуруқхона мудираси ва доя чақалоққа бошқа харидор излай бошлади. Кўп ўтмай «мижоз» топилди. Қарши шахрида яшовчи Ирода исмли аёл болани 4 миллион сўмга сотиб олишга рози бўлди.

Телефон орқали барча масала ҳал этилгандан сўнг, шу йилнинг 25 март куни доя, янга ҳамда қайинсингил чақалоқни олиб Қарши шахрига жўнашди. Йўлда янга ва қайинсингил пулни ким олиши масаласида баҳслашиб, жанжаллашиб қолишди. Жамила Турдиева эса «Пулни ўзим олиб, тўппа-тўғри Сурайё опага элтиб бераман. Кимга қанчадан тегишини ўзи ҳал қилади», деганча жанжалга чек қўйди.

Кўзидан кетиб келгач, доя чақалоқни олиб, нариги машинага ўтди. Болани у ерда қолдириб, 4 миллион сўм пул билан қайтди. Аммо жўнаб кетишга улгурмасиданок барча режалар чиппака чикди.

– Аёл бу ишни туғуруқ комплекси мудираси Сурайё Ўринова ташкиллаштиргани, пулни ҳам унга олиб бориши кераклигини тан ола-

ди, – дейди Шаҳобиддин Ҳасанов. – Шундан сўнг, операция яна давом эттирилиб, унинг барча иштирокчилари Нишон туманига келишади. Жамила Сурайё Ўриновага қўнғироқ қилиб, иш ҳал бўлгани, пулни олиб кетиши мумкинлигини айтади. Кеч бўлиб қолганига қарамай, Сурайё дарҳол ўғли билан айтилган йўлга етиб келди ва пулни санаб олаётган вақтида қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Нишон тумани судининг очиқ суд мажлисида ушбу жиноят иши кўриб чиқилиб, унинг барча иштирокчиларига қонуний жазо тайинланди.

### Маҳалла нима дейди?

– Ушбу ҳолат маҳалламиз учун иснод, – дейди Нишон туманидаги «Умид бунёдкори» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари Замира Бозорова. – Тўғриси, бу қизимиз ҳақида шундай гапни эшитгач ҳайрон қолдим. Чунки у оғир, босиқ қиз эди. Маҳалламизда икки минг нафардан зиёд хотин-қизнинг асосий қисми мавсумий ишларга жалб этилади. Мафтуна ҳам мавсумий ишлар билан банд эди. Охири пайтларда кўринмай қолганди. Янгасидан суриштирганимда уйда эмас, меҳмонга кетган, дерди. Билсам у ҳомиладор экан. Кейин бу воқеалар бўлиб ўтди. Айни пайтда Мафтуна ва янгаси уй қамоғида. Уларнинг ҳолидан хабар олиб турибмиз. Мафтунани жамоат ишларига жалб қилганмиз. Ҳар куни ўзим билан бирга.

Дарҳақиқат, эгри қадам ташлаган борки, жазосиз қолмайди. Инсоннинг инсонни бозорга солиши эса нафақат қонун талабларига, балки инсоний мезонларга ҳам мос келмайди. Бу ишга қўл урганлар эса қонун ва виждони олдида жавоб беради.

Шоҳиста БОЗОРОВА  
«Mahalla»

«Лукойл» компанияси халқ таълими тизимида  
робототехника синфларини ташкил этади.



Болалигимизда эшитган ва айтиб юрганимиз, мурғак қалбга мос ва хос қўшиқлар ҳамон бизга юқори кайфият бағишлайди. Ўзимиз ҳам улғайиб, тинглайдиган кўшиқларимиз ҳам гарчи анча «улғайган», «ўсган» бўлса-да, барибир болаликдаги ўша қадрдон, жонбахш оҳанглари соғинаверамиз. Аммо бугунги ўғил-қизларнинг ёшига мос бўлмаган кўшиқларни хиргойи қилиб юришига, унга рақсга тушишига кўп гувоҳ бўламиз.

# Болалар қўшиқчилиги қачон оммалашади?

Наҳотки, улар ўзлари хис қилишга эрта бўлган туйғулар тарафдор этиладиган хонишлардан таъсирланиш даражасига етган бўлишса, болаликнинг беғубор олами қайда қолди, деган саволлар миянгизда чарх уради. Улар куйлайдиган кўшиқлар шунчалик камайиб кетди? Болалар кўшиқчилиги ривожланишдан орқада қолмоқдами? Истеъдодли композитор, кўплаб болалар кўшиқлари муаллифи Хуршида Ҳасанова шу мавзудаги саволларимизга жавоб берди.

## Ютуқлар, ечимини кутаётган масалалар...

— Ўзбек болалар кўшиқчилиги ҳақида сўз кетганда, уни ривожланишдан ортада қолган, дейиш хато бўлади, — дейди **Хуршида Ҳасанова**. — Чунки бу йўналишда кўплаб композиторлар ижод қилишаёттир, қанчадан-қанча кўшиқлар яратилмоқда, болалар гуруҳлари фаолият кўрсатяпти. Айни пайтда давлатимиз томонидан соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, «Томоша» болалар театрига алоҳида бино ажратилди. Албатта, бу Нодира Қурбоннова раҳбарлигидаги ушбу театрнинг янада қизгин ижодий иш боришига туртки бўлди. Кўплаб композиторлар, жумладан, мен ҳам жамоага турли-туман кўшиқлар ёзиб бераётиман. Шунингдек, «Марварид» болалар студияси, «Тантана» гуруҳи, «Булбулча» хор жамоаси билан ҳам ижодий ҳамкорлигимиз мустаҳкам йўлга қўйилган. Булар — республикадаги энг кўзга кўринган ижодий гуруҳлар ҳисобланади. Ўз йўлига, номига эга бўлиш мақсадида изланаётган жамоалар ҳам кўп. Пойтахтда ҳам, вилоятларда ҳам. Уларга ҳам бажонидил ёрдам бераётиман. Бу нимадан далолат беради? Болалар кўшиқлари кўплаб яратилишига талаб пайдо бўлмоқда. Натижада биз, ижодкорлар янада илҳом билан ишлаб, сифатли, жозибадор ашулалар ёзаями.

Қолаверса, телеканалларда болалар мусиқий кўрсатувлари эфирга узатилмоқда. Мисол учун, ўзим «Болажон» телеканалдаги

«До-ми-соль», кейинчалик «Қувноқ нотачалар» дея аталган кўрсатувни олиб бордим. Юртимиз болажонларига янги-янги кўшиқларни ўргатдик.

Ўқувчилар ўртасида мусиқа бўйича кўплаб қўриқ-танловларда ҳакамлик қилганман. Гувоҳи бўлганманки, болалар кўшиқчилиги борасида ўсиш бор.

Аммо кўпинча бизга «Нега болалар кўшиқлари кам?» дея савол беришади. Аслида кам эмас, фақатгина тарғиботи суст. Юқорида айтганимдек, болалар кўшиқлари эфирларга узатилади. Лекин бошқа мусиқий дастурларга нисбатан олганда анча оз ва уларнинг соясида кўринмай кетади. Бунинг устига, халқимиз клипларга ўрганиб қолган. Билемизки, бу жуда қиммат. Кейин уни тижорат каналларида айлантариш ҳам яхшигина харажат талаб қилади. Гап шундаки, унга тикилган маблағ ўзини оқламайди. Шу маънода бу йўналишда ҳомийлик асосида лойиҳалар йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Айни пайтда болалар кўшиқларини нотага кўчириб китоб кўринишида нашр қилиш ҳам эътибордан четда. Агар бу иш амалга оширилса, мусиқий асарларимиз республикадаги барча ўқувчиларга етиб борган бўларди.

Яна бир гап. Олдинлари (ўтган асрнинг саксонинчи йилларини назарда тутаям) болалар мусиқа ҳафталиклари кўп ўтказиларди. Бутун республикадаги хор жамоалари муз саройида (кейинчалик «Алпомиш» саройи деб аталди) йиғиларди. Тасаввур қилинг, залда болалар хор йўналишида куйлашарди. Қолаверса, санъат байрамлари, янаям қизиғи, дам олиш кунлари ўқувчилар учун болалар концертлари ташкил этиларди. Ўйлайманки, ана шундай тадбирлар янгича кўринишда тикланса, болалар кўшиқларини тарғиб қилишда тўғри қадам қўйилган бўларди.

## Кўшиқ — тарбия воситаси бўлиши керак

Фарзандларимиз учун яратадиган кўшиқларимиз тарбия

воситасини ҳам бажаради. Уларда беғубор туйғулар, Ватанга, ота-онага бўлган муҳаббат, табиатга шайдолик, тўғрилиқ, дўстлик, тинчлик тараннуми ва ҳоказолар ифодаланиши болаларнинг маънавий шаклланишига таъсир кўрсатади. Эҳтиёт бўлиш керакки, болалар кўшиқлари матнида бачкана фикрлар, кўпол, ҳақоратли сўзлар учраб қолиши ҳам мумкин. Бола онгига биринчи ўринда сўз етиб боради. Менга кўшиқ қилиш учун шеър тавсия этишса, албатта, сўзларига эътибор бераман. Мазмунни саёз матнларни сўзсиз рад этаман. Биринчидан, бу ишни қилишга уялман, шу билан бирга, номақбул кўшиқларни болаларга раво кўрмайман.

Оғриқли жиҳатларимиздан бири, ҳозирги кунда болажонларнинг ёшига мос бўлмаган севги, «ўлдим-қўйдим» мазмунидаги кўшиқларни эшитиши, хиргойи қилиб сўзлари кўрсатиши. Яқинда телеканалларимиздан бирида «ВИА Мароканд» гуруҳининг клипида жажжи ўғил-қизлар томонидан «я люблю тебя» сўзлари такрор-такрор куйланганини кўриб қолдим. Балки кўшиқ учун болалар овози керак бўлгандир, лекин уларни клипда кўрсатиш нима учун керак? Бу битта ҳолат эмас. Саҳнада ёки клипда ёшгина ўғил-қизларни «ошиқ-маъшук» образида талқин этиш ҳам учрайди. Ахир, болалар руҳияти издан чиқиб кетмаслигини ҳам уйлашимиз керак. Уларга ёшига, туйғуларига мос кўшиқларни айттирайлик.

## Ҳаваскорлик иши эмас, профессионал санъатдир

Болалар кўшиқчилигига профессионал санъат дея қараш керак, деб уйлайман. Чунки ҳамма нарса болаликдан бошланади. Шу даврда инсоннинг шахс бўлиб шаклланиши учун пойдевор қўйилади. Бугун уларга сифатли нарса берсангиз, эртага яхши-ёмонни фарқлашга ўрганади. Қолаверса, бу болаларга-ку, бўлаверди, дея қўл учида кўшиқ ёзасан, уларга ҳурмат билан қарамаслигимизни, уларни кадрламасли-

гимизни англамайдим. Айрим пайтларда санъаткорлар ичида «болалар композитори экан» деб менсимай қарашлар бўлади. Уйлашмайдики, ўз фарзанди ўша ижодкорнинг асарини куйлаб ўсган, шакланган. Мен мусиқанинг кўплаб йўналишларида ижод қиламан. Шунга қарамай, болалар учун кўшиқ яратишни ўзимга фахр деб биламан. Мен ёзган кўшиқни куйлаган бола улғайганда ҳам «Хуршида опанинг кўшиғини ижро этганман» деб эслаб юради. Бу асаримнинг умри қанчалик узоқ бўлишини кўрсатиб беради.

## Бола юрагини тинглаш керак

Ижодкор юрагидан ўтказмаса, яхши асар ярата олмайди. Ёзган нарсаси сунъий чиқиб қолади. Шу маънода мен қалбимда болаларча туйғуларни сақлаб қолганман, деб уйлайман. Қувноқлик, хушчақчақлик табиатимда бор. Болалар билан мулоқот қилишни ёқтираман, улар билан тез тил топишаман.

Болалар учун кўшиқ ёзаётганимда ўзим ҳам яйрайман. Ижодга бутун вужудим билан шўнғиб кетаман. Сабаби, уларнинг оламига яқинлигим бўлса керак. Баъзи композиторлар болалар учун кўшиқ яратаётганда «ҳеч ўхшамаяпти» деб хуноб бўлишганига гувоҳ бўлганман. Демак, уларга айни шу нарса етишмайди ва қийналиб ёзишади. Менда эса аксинча. Мисол учун, «Болажон» телеканали буюртмасига асосан болаларга бағишланган «Иншо», «Етмиш ёшли болакай», «Сехрли тун», «Умид» фильмларига мусиқа ёзиш жараёним ҳам жуда завқли кечди. Хуллас, болалар қалбини забт этиш учун уларга ўзинг ҳам қалбингни очишинг керак.

Сухбатдош:  
Тўлқин ШЕРНАЕВ

«Заҳириддин Муҳаммад Бобур» махсус стипендияси ва кўкрак нишони таъсис этилди.



Қон — инсон организмнинг муҳим қисми, у нафақат ички органларга кислород ва озиқ моддалар етказиб беради, балки муҳим ҳаётий вазифаларни бажаради, иммунитет ва вирусларга чидамлилиқни таъминлайди, моддалар алмашинувидан ортган чиқиндиларни ташқарига ҳайдайди. Шу боис қон томирларимизда бир маромда оқиб, ҳаракатланиб туради. Унутмаслик керакки, қон қуюқлашса, майда қон томирлар ва капиллярлар бўйлаб жуда қийин силжийди. Бу эса танада кислород етишмовчилиги, анемияни юзага келтириб, тромблар — қон қуйқаларининг пайдо бўлишига, инфаркт ва инсулт хавфининг ортишига сабаб бўлади. Шу боис ҳар ким ўзида қоннинг қуюқлашганини иложи борича дастлабки босқичларда сеза билиши керак.



# Коронавирус ТОМИРИДА ҚОН ҚУЮҚЛАШГАН БЕМОРЛАРДА ОҒИР ЎТАДИМИ?

ҚУЮҚ ҚОН НИМАСИ БИЛАН ХАВФЛИ?

Аслини олганда қон қуюқлашишига кексалик, организмда сув етишмовчилиги, овқат ҳазм қилиш тизимидаги сурункали хасталиклар, дисбактериоз, тўлақонли овқатланмаслик, сифатсиз овқатлар, фермент етишмаслиги, турли замбуруғ, вирус ва бактериялар, кучли зўриқиш, стресс, алкоголь, тамаки, камҳаракатлик, ифлосланган ҳаво ва ўта иссиқ iklim — асосий сабаблардандир. Аммо эпидемиологик вазият мураккаблашган айни кунларда қон қуюқлашиши, сатурация каби мавзулар диққат марказига чиқиб, инсон ҳаёти учун хавфли омиллардан бирига айланди. Хўш, сатурация нима? Унинг қон қуюлишига қандай алоқаси бор? Коронавирус инфекциясига чалинганларда бу жараён қандай кечеди?



синдром, тромбоземболия, ўткир миокард инфаркти ва бошқалар туфайли ҳаётдан кетган. «COVID-19» инфекциясидан вафот этган акасарият беморларда гиперкоагуляция — организмдаги барча томирларда қоннинг қуюлиб кетиши кузатилиб, унинг асорати бемор аъзоларида тромбоз, инфаркт, инсулт каби ҳаёт учун ўта хавфли ҳолатларга олиб келган.

қанчалик яқин бўлса, шунчалик ижобий натижа ҳисобланади.

Унутмаслик керакки, агар сатурация даражаси 95 фоиздан кам бўлса, беморни шифохонага олиб кетиш. 95 дан юқори бўлса, уй шароитида даволанишга кўрсатма бериш мумкин.

## Қон қуюқлашганини қандай биламиз?

Қони қуюқ кишиларда умумий ҳолсизлик, тез чарчаш, уйқучанлик, тез-тез бош оғриши, қўл ва оёқлар совиши, жимирлаш, паришонхотирлик, депрессия, оғиз қуриши каби аломатлар сезилади. Булардан ташқари, юрак тез уради, нафас қисиб, тананинг турли қисмларида кўкаришлар пайдо бўлади, онг қарахтлиги ҳам кузатилади. Мияга қон яхши етиб бормаса, бош айланиши, ҳушдан кетиш ҳам содир бўлиши мумкин. Тадқиқотлардан аниқланишича, қон қуюқлашишига олиб келувчи асосий сабаблардан бири — кам сув ичиш. Шу боис иложи борича кўпроқ сув ичиш керак. (Соғлом одам кунига камида 2-3 литр сув ичиши зарур.)

Қон қуюлишининг олдини олишда махсус овқатланиш тартибига ва табиий дамламалардан ташқари, ичиш-чекишдан чекланиш, фаол ҳаракатда бўлиш ҳам жуда муҳим ўрин тутади. Иложи борича кўпроқ пиёда юриш ва эрталаб тоза ҳавода бадантарбия қилиш ҳам яхши самара беради. Қон қуюқлашишини даволашда қонни суялтирувчи махсулотларни истеъмол қилиш энг қулай усулдир. Коронавирус инфекциясига чалинган беморларга эса шифокорнинг махсус кўрсатмаси асосида дори-дармон, овқатланиш меъёрлари буюрилади. Қовурилган таомлар қон қуюлишига олиб келади. Шунинг учун,



**Таманно ЭРДОНАЕВА,**  
Мирзо Улуғбек туманидаги  
6-оилавий поликлиника  
шифокори.

асосан, овқатларни димлаб, қайнатиб ва бугда тайерлаб истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ.

## Қонни суялтирувчи махсулотлар

Қони қуюқлашиши учун ҳар бир инсон тановул қилаётган таомларига эътиборли бўлиши шарт. Табиий тарзда қонни суялтириш учун қуйидаги махсулотларни таомнома таркибига киритиш тавсия этилади. Мол, товуқ, курка гўшти, помидор, лавлаги, бодринг, қарам, балиқ, олма, анор, олхўри, анжир, лимон, киви, занжабил (имбир), долчин (корица), саримсоқпиез, кўкатлар, аччиқ қалампир, пиёз, барча ёнғоқ турлари, зайтун, зиғир мойи ва бошқалар қоннинг меъёрий ҳолатта келишини таъминлайди.

## Нималарни чеклаш керак?

Агар қонингиз қуюқ бўлса, ширинликлар, дудланган гўшт, ёғли таомлар, газли ичимликлар, маржумак (гречка), банан, картошка, ёғли хамир овқатлардан тийилинг. Эсингизда бўлсин: қонни суялтирувчи таблеткалар ва табиий воситаларни ўзбилармонлик билан қабул қилиш, кўп истеъмол қилиш қоннинг ҳаддан ортқ суюлишига ва ички аъзолардан қон кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда даволовчи шифокорингиз билан маслаҳатлашинг.

## Гиперкоагуляция — барча томирларда қон қуюқлашиши

Соғлиқни сақлаш вазирлиги берган маълумотга кўра, «COVID-19» инфекциясидан вафот этган беморларнинг ўлим сабаби тахлил қилинган. Вафот этганлар ўткир юрак қон-томир, нафас етишмовчилиги, ўткир респиратор дистресс

## Сатурация — ҳужайраларнинг кислород билан тўйинганлик даражаси

Оилавий шифокорлар бугунги кунда беморларни яна бир ускуна — пульсоксиметр ёрдамида текширади ва «сизнинг сатурациянгиз фалон фоизни кўрсатяпти», дейишади. Хўш, сатурация нима? У ўпка ўзидан ўтаётган қонни қанчалик кислород билан таъминлай олаётганини кўрсатади. Сатурацияни пульсоксиметр билан ўлчаниб, пульс ва организмдаги кислород миқдори ҳисобланади ва ҳужайраларнинг кислород билан тўйинганлик даражаси аниқланади. Нафас қисили, хансираш кузатила бошлаганда пульсоксиметрдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Асбоб кўрсатган фоиз 100 рақамига



**Дезинфекция туннеллари ўрнига санитайзер-диспенсер қурилмалари ўрнатилади.**



# Кузги ДЕПРЕССИЯДАН қандай халос бўлиш мумкин?

Фасллар ичра олтин кузнинг гўзаллиги, таровати ўзгача. Дарахт барглари сариқ тусга кириши, ёмғирлар мавсуми кўпчиликка ёқимли кайфият бағишлайди. Аммо куз ҳавоси соғлиғига, руҳиятига акс таъсир кўрсатадиган инсонлар ҳам бор. Салқин об-ҳаво, кундузнинг қисқариши, ультрабиенафша нурлари етарли миқдорда бўлмаслиги, атрофдаги манзара таъсирида улар тушунликка тушишади.

Бу ҳолдан чиқа олмай қийналишади. Бу тиббиёт тили билан айтганда, «кузги депрессия» дейилади. Шифокорлар кузги даврда невроз, психоз ва депрессияларнинг сезиларли равишда авж олишини таъкидлашади. Кўпинча бундай ҳолат уйқусизлик, ўта жиззакчилик, руҳий сиқилиш билан бирга кузатилади. Баъзи одамлар шунчаки ёмон кайфият ёки маъносизликни депрессия билан адаштиришади. Бироқ вақтида даволамаса, депрессия енгил шаклдан оғир кўринишга ўтишини унутмаслик керак. Хўш, ана шундай вазиятга учрамаслик учун нима қилиш зарур?

## Асабни асрашга тўғри келади

Фасл алмашиши таъсирида депрессияга тушган инсонлар мутахассис билан маслаҳатлашган ҳолда енгил дори воситаларини қабул қилиши ёки халқ таъбаоти тажрибаларидан фойдаланиб дарддан халос бўлиш чораларини кўришлари зарур. Бундай вазиятда киши ўзига ғам-қайғунини йўлатмасликка ҳаракат қилиши яхши чорадир. Чунки улар нафақат хаёлларингизни банд қилади, ҳатто иммун тизимингизга ҳам инфекция сингари зиён етказиши.

Инсонга яхши кайфият бағишловчи гормон серотонин ҳисобланади. Бу гормон организмда қанчалик кўп бўлса, киши руҳияти ҳам шу даражада юқори бўлади. Доимо юқори кайфиятда бўлиш учун баъзи бир

қоидаларга амал қилиш муҳимдир.

Жумладан, нафас машқларини бажариш муаммога яхши ечим ҳисобланади. Америкалик мутахассислар ўтказган тадқиқотлар ҳулосаларига кўра, кузги депрессияга қарши курашишнинг энг самарали усули бу тўғри ва чуқур нафас олишдир. Боиси, чуқур нафас олиш инсонни тинчлантиради ва руҳий хотиржамлик бағишлайди.

Одам тафтини одам олади, деган азалий ҳикмат бор. Дарҳақиқат, инсонлар ўртасидаги руҳий яқинлик катта куч беради. Одатда кимдир йиғласа, яқин инсонни уни бағрига босган ҳолда тинчлантиради. Бу эса руҳий ҳолатдир. Инсон кимнидир бағрига босганида, мия ишли фаоллашади, оғриқ ва стресс туғғуси эса сустлашади. Демак, ҳаммиса яқинлар даврасига интилиш керак.

## Қуёш нури — бахт гормонларини ҳада этади

Доимо ҳаракатда бўлишнинг фойдасини изохлашга ҳожат йўқ. Исталган кўринишдаги жисмоний фаоллик сизни ноҳуш хаёллардан халос этади. Инсон мияси чалғийди ва дам олади. Бунда тренажёр залига бориб шуғулланиш талаб этилмайди. Шунчаки боғда сайр қилиш ёки велосипедда учиш ҳам бу ҳолатни йўқотиши мумкин.

Булутли, қуёшсиз кунлар ҳам асаб тизимига салбий таъсир қилиши исботланган. Куз фаслида қуёш ҳар кун ҳам нур сочмаслиги мумкин. Қуёш чарақлаган кунлари эса, албатта, офтобдан баҳра бўлиш имкониятини қўлдан бой берманг. Қуёш нури — инсонга бахт гормонларини ҳада этади.

## Овқат ёрдамида ҳам дарддан узоқ бўлиш мумкин

Тўғри танланган озиқ-овқатлар ёрдамида ҳам кайфиятни яхшилаш мумкин. Бу борада қора шоколад истеъмол қилишнинг фойдаси катта. Қора шоколад ва глюкоза инсон миясининг тинчлантирувчи қисми учун фаол таъсир кўрсатади. Шоколад таркибида флавоноид моддаси мавжуд бўлиб, у хотиржамлик ҳиссини тақдим этади. Шунингдек, банан, олхўри, анжир, хурмо ва олма ҳам инсон кайфиятини кўтаришга хизмат қилади.

Экспертларнинг айтишича, ҳазм қилиш жараёни билан боғлиқ муаммолар ҳам тўғридан-тўғри инсон кайфиятига таъсир ўтказиши керак. Мисол учун, Ошқозон тўғри ишлаши учун ферментлар, яъни пробиотиклар тановул қилиш талаб этилади. Пробиотиклар табиий йогурт, кефир, пишлоқнинг бир неча турлари, пиёз, карам таркибида мавжуд. Пробиотикларнинг ўзини эса дорихоналардан топиш мумкин.

Бундан ташқари, таркибида омега-3 кислотаси бўлган маҳсулотлар дастурхонимиздан жой эгаллаши керак. Мисол учун, балиқ, авокадо, ёнғоқлар, pista ва ўсимлик ёғида мавжуд бўлган омега-3 ёрли кислотаси (аминокислота) депрессия аломатларини сезиларли даражада пасайтиради.

## Хулоса ўрнида

Шу билан бирга, дам олиш, саёҳат қилиш, ўз хоббисига эга бўлиш, ёқтирган нарсани харид қилиш, умуман, кайфиятни кўтарадиган ишлар билан машғул бўлиш сизни имкон қадар бу

## ДАРВОҚЕ...

Тайвань миллий тиббиёт маркази олимлари клиниканинг неврология бўлимида рўйхатда турган тахминан 600 беморнинг соғлиғидаги ўзгаришларни кузатиб, мигрень, бош оғриғи ва депрессия ўртасидаги ноёб боғлиқликни кашф қилишди.

Сўнгги тадқиқотларнинг кўрсатишича, мигренга мойиллик асосан баъзи генларнинг тузилишига боғлиқ, организмнинг совуққа таъсири учун жавобгар ДНК участкалари ҳам шулар жумласидандир.

Олимлар тадқиқот давомида ажойиб фактга эътибор қаратишди — депрессиядан азият чеккан одамлар кўпроқ сурункали бош оғриғига мойил бўлишган ва шу билан бирга, оғир шаклдаги мигрендан азият чекувчиларда қолганларга нисбатан кўпроқ ҳорғин кайфият кузатишган. Буларнинг бари депрессия ривожига белгилари сурункали мигрендан азият чекувчиларда қолганларга нисбатан икки карра ёрқинроқ кечилишдан далолат беради. Олимларнинг фикрига кўра, бундай боғлиқликнинг мавжудлиги нафақат касалликларнинг умумий илдизга эга эканлигидан, балки бир касаллик билан куралиши иккинчисидан ҳам халос бўлишга ёрдам беришига ишора қилади.

дарддан узоқлаштиради. Энг муҳими, миянғизни кемираётган «хаста ўй»ни топиб, ундан халос бўлишга ҳаракат қилинг. Бунинг учун ўз устида ишлаб, шахс сифатида шаклланиш талаб этилади. Аслида ҳеч қандай сабаб инсоннинг руҳий сиқилишига, соғлиғини кетказишига арзимайди. Ўйлаб кўрайлик, ҳар куни уйғонишнинг ўзи бахт эмасми? Ҳар бир кундан завқланишни ўргансангиз, амин-мизки, депрессия сўзи сизга бегона бўлади. Қисқа қилиб айтганда, оптимист бўлиш лозим.

Шоира БЕКЧАНОВА,  
олий тоифали шифокор.

Тошкентда Корея билан ҳамкорликда онкология тиббиёт маркази бунёд этилади.



# АЁЛ КИШИГА

## қўл кўтариш динда буюрилганми?

Муқаддас ислом динида хотин-қизларнинг қадр-қиммати, шаъни, ҳақлари ниҳоятда улуғланади. Қуръони каримнинг кўплаб оятларида, бир қанча ҳадисларда бу ҳақда айтилган. Шу маънода айрим эркакларнинг жуфти ҳалолларига нисбатан кўпол муносабатлари, ўзининг жисмоний ва моддий устунлигидан фойдаланган ҳолда зулм-зўравонлик ўтказишни ҳеч бир сўз билан оқлаб бўлмайди. Ҳадис китобларида ривоят қилинишича, Муовия ибн Ҳайра Қушайрий розияллоху анҳу: «Эй Аллоҳнинг Расули, хотинларимизнинг биздаги ҳақлари нима?» деб сўраганида Набий алайҳиссалом: «Агар таом есанг, унга ҳам едирасан, кийим кийсанг, унга ҳам кийдирасан, юзига урма, ёмон сўкма, ташқарида ҳижрон қилма», деганлар.

Бошқа бир ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Аллоҳнинг чуриларини урманглар!» деганлар.

Афсуски, исломнинг бу ҳукмларидан беҳабар кишилар ўзларини бундай номаъқул ҳаракатлардан қайтаришмайди. Энг ёмони, бу каби аҳмоқгарчиликни шарият билан боғлашга, динимизни нотўғри талқин қилишга уринадиганлар ҳам учрайди. Аслида эса ислом аёл кишига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишга тарғиб этади, ҳар доим уларни ҳимоялашни эркаклар зиммасига юклайди.

### Эр киши аҳли аёлига раҳбардир

Маълумки, динимизга кўра, эр киши оиласига, аҳли аёлига раҳбар ҳисобланади. Албатта, бу раҳбарлик қаҳр, жабр ва зулм ўтказиш учун берилган имконият эмас, балки улкан масъулиятдир. Ушбу масъулиятга биноан, эркак киши оиланинг, жумладан, аёлнинг ҳомийлигини, боқувчилигини,



муҳофазасини адо этиши лозим. Оила аъзолари эса, жумладан, аёл киши ҳам ўз бошлиғига итоят қилмоғи вожиб. Мўмина аёллар аслида шундай бўладилар.

Унутмаслик керакки, бу ерда хотин-қизларни камситиш деган тушунчага ҳеч қандай ўрин йўқ. Балки эркакларга ҳам, аёлларга ҳам оиладаги ўрни, бажарадиган вазифалари жисмоний имкониятлари, руҳиятидан келиб чиқиб адолатли кўрсатиб берилган. Лекин динимизнинг бу кўрсатмасини тўғри англайдиган аёллар камайиб бораётгани ачинарлидир. Афсуски, ҳамма аёл ҳам солиҳалик мақомига лойиқ бўла олишмайди. Ҳадларидан турмай, эрларига қарши бош кўтариб, беодоблик, итотсизлик қиладиганлар учрайди. Бугунги кунда оилаларда юзага келаётган кўплаб жанжалларнинг асл сабаби ҳам шунда. Шундай ҳолларда нима қилиш керак? Эр қандай қилиб хотинини ўз йўриғига солиши мумкин?

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида шундай марҳамат қилади: «Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан устун қилгани ва молларидан сарфлаганлари учун эркаклар аёлларга раҳбардирлар. Солиҳа аёллар – итоткор ва Аллоҳнинг ҳифзи-ҳимояси бўйича гойиб(эр)ларининг муҳофазасини қилувчилардир. Бош кўтаришларидан хавф қилинган аёлларга ваъз-насиҳат қилинг, ётоқларида ҳижрон қилинг ва уринг. Агар итотат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманг. Албатта, Аллоҳ олийдир, улуғдир» (34-оят). Демак, бундай беодоб, ҳаддида турмаган аёлларга таъсир кўрсатиш аста-секин олиб борилади

ва даражама-даража чора кўриш йўлга қўйилади.

### Уриш — мисвок ёки кўрсаткич бармоқ билан туртиш демак

Итотсизлик аломатлари кўришиб, эрни беҳурмат қила бошлаганида хотинга олдин ваъз-насиҳат қилинади. Эр унга итотсизлик яхши эмаслиги, ҳар ким ўз ҳаддини билгани яхшилиги, бир-бирларини тушуниб яшашлари лозимлигини охира айтиб англатади. Одоб билан аёлга унинг хатоларини баён қилиб, уларни тузатиш йўллари кўрсатади. Ушбу ваъз-насиҳат самара бериб, аёл ўзини ўнглаб олиб, муносабатлар изга тушиб кетса, айна муддао.

Агар ваъз-насиҳат фойда бермаса, хотиннинг итотсизлиги, беодоблиги, эрига қарши бош кўтариши яна давом этаверса, иккинчи босқичдаги чора кўрилади. Иккинчи босқичдаги чора эса ётоқларда ҳижрон қилиш, бирга ётмай қўйишдан иборатдир. Албатта, ҳижрон ваъз-насиҳатдан кўра анча таъсирли чорадир. Чунки бу масалада аёллар ўта ҳасос бўладилар. Эрларининг улар билан бирга ётмай, гаплашмай қўйгани, эътиборсизлик қилаётгани кўзларини каттарок очишга мажбур этади. Бу чора инсофини йўқотмаган, ўзини таниган аёлларнинг кўзларини дарҳол очди ва хатоларини тузатишга ёрдам беради. Ҳадисдаги тавсияга биноан, хотинидан аразлаган эр жойини бошқа қилиб олганда, бошқа томонга ёки бошқа хонага чиқиб кетмасдан, бир хонанинг ичиде алоҳида ётиши зарур.

Мабодо иккинчи босқичдаги чора ҳам фойда бермаса, аёл инсо-



Жасурбек РАУПОВ,  
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари, Носирхон жоме масжиди имом-хатиби.

фини буткул йўқотиб, итотсизлик, исён ва эрни беҳурмат қилишда давом этаверса, бундай хотиннинг яхшилиқнинг қадрига етмаган шахс экани маълум бўлади. Энди унга нисбатан йўлга солишнинг учинчи ва энг таъсирли чорасини қўллашга мажбур бўлинади. Яъни бундай аёлни уришга тўғри келади. Аммо, «уриш» деганда қаттиқ калтаклаш, аъзоларини яралаш ё синдириш, жароҳатлаш, бададан из қолдириш тушунилмайди. Ушбу ояти каримадаги хотинни уришга берилган изн фақат сиёсат учун, ўзини билмаган аёлларга таъсир ўтказиш учун, холос. Уламоларимиз бу оятдаги уришни, мисвок билан ёки кўрсаткич бармоқ билан туртиш, деб таъвил қилишган. Кўпчилик эса берилган ушбу изндан фойдалангандан кўра фойдаланмаган яхшироқ деган.

### Кечирिश — доимо яхшилиқ омилидир

Табиатан аёл киши қизиққон, таъсирчан, шошқалоқ, ҳиссиётга берилувчан бўлади. Сал нарсага эрига нисбатан итотсизлик, беодоблик қилиб қўйиши мумкин. Аммо хотин хатодан кейин ўзига келиб, итотатга қайтса, эрга қарши бош кўтаришдан тўхтаса, унга қарши чора кўришга ҳожат қолмайди. Шунинг учун ҳам ояти каримада: «Агар итотат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманг», дейилмоқда. Бу нарса оилани мустаҳкамлашга омил бўладиган ишдир. Зеро, бир-бирига нисбатан кечиримли бўлиш доимо яхшилиқ омилидир.

Аён бўлдики, динимиз айрим эркакларнинг хотинларига нисбатан зўравонлик қилиши, калтаклаб жисмоний азоб беришни қоралайди ва мусулмонларни бу ишдан қайтаради. Эрнинг зиммасига ҳар томонлама ақлини ишлатган ҳолда оиласини, аёлини бошқаришни, ҳақиқий ҳимоячи бўлишни юклайди.

Тошкент вилояти бош имом-хатиби вафот этди.



Яқин Шарқ узра тинчлик шабодаси эса бошлади. Бирлашган Араб Амирликлари билан эришилган келишувдан бир ой ўтиб Баҳрайн ҳукумати ҳам Исроил билан яна бир тинчлик битими-га келишгани эълон қилинди. Таҳлилчиларга кўра, Форс кўрфази давлатлари бу келишувлардан Эроннинг эҳтимолий ҳужумларига қарши фойдаланиш ниятида. Аммо фаластинликлар бундан ғазабда. Улар Баҳрайннинг ҳаракатини «орқадан яна бир пичоқ уриш» деб баҳолади.



Абдували САЙБНАЗАРОВ,  
сиёсий шарҳловчи.

# МУЛОҚОТ ВА МУРОСА, албатта, тинчлик келтиради

Президент Дональд Трамп Исроил ва араб давлати ўртасидаги навбатдаги тинчлик шартномасини Вашингтонда 11 сентябрь куни машғум террорчилик хуружи қурбонлари хотирланадиган кунда эълон қилди. Бу келишув нафақат Яқин Шарқ учун, балки бутун дунё учун жуда муҳим. Тинчлик ва ҳамкорлик руҳида ҳар икки мамлакат раҳбари дипломатик муносабатларини тўлиқ тиклашга қарор қилди. Ушбу битим элчиларни алмашиш, юқори технологиялар ва туризмга оид қатор келишувларни ўз ичига олади. Исроил Бош вазири Биньямин Нетаняху ҳам битимни ғалаба сифатида тақдим этмоқда. Сўнгги кунларда «Covid-19» яна кенг тарқалаётгани боис ҳукуматдан аҳоли норозилиги ошиб бораётган бир пайтда Нетаняху бу янгиликдан ўз обрўсини ошириш йўлида фойдаланишга уринмоқда. Исроилнинг араб давлати билан тузган иккинчи тинчлик битимидан учинчи тинчлик битими-га қадар 26 йил ўтди. Учинчи тинчлик келишувидан кейин тўрттинчиси-га атиги 29 кун ичида эришилди.

## Бу ҳарбий иттифоқми?

Битимларда ҳарбий иттифоқ ҳақида ҳеч нарса айтилмаган, аммо кўплаб таҳлилчилар Форс кўрфази давлатлари ўзларини Эрон ҳужумидан қўшимча химоя қилиш мақсадида ҳаракат қилаётганини айтмоқда. Фаластинликларнинг юқори лавозимли расмийси Саиб Эрекат ҳам шундай фикрда. «Баҳрайн ва Исроил ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш тўғрисидаги келишув минтақага оид қатта пакетнинг бир қисмидир. Бу тинчлик ҳақида эмас, мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳам эмас. Биз минтақада иттифоқ, ҳарбий иттифоқ тузилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз, эҳтимол улар буни Араб — Исроил НАТОси деб

аташар. Аммо бундан нима наф? Муаммо биз билан боғлиқ. Бу минтақада тинчлик ўрнатишнинг ягона йўли Фаластин масаласини ҳал қилишдир», — деди Фаластин расмийси. Исроил таҳлилчиларининг таъкидлашича, Баҳрайн Саудия Арабистонига яқин ва бу битимга Саудия томонидан махфий маъқуллаш мавжуд бўлган тақдирдагина эришиш мумкин. Баъзи исроилликлар энди Саудия подшоҳлигининг ўзи ҳам Исроил билан тинчлик ўрнатиш масаласини кўриб чиқиши мумкин, деб ҳисобламоқда. Айни пайтда Исроил ва БАА ўртасида иқтисодий шартномалар ҳам имзоланмоқда. Икки мамлакат ўртасида тўғридан-тўғри рейслар келаси ойдан бошланиши режаланган.

## Минг йиллик адоват дўстликка айланыптими?

Ташкил топганидан буён Исроил давлати етакчилари мамлакатнинг «муроса қилиш мушкул қўшчилар» билан ўраб олинганини таъкидлаб келдилар, аммо яқиндан бери Араб дунёсининг баъзи қисмлари Исроилга нисбатан дўстона муносабат билдиришга ўтгани кўзга ташлана бошлади. Бу 1994 йилдан бери Исроил билан араб давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши бўйича биринчи ҳолат — ўшанда Иордания дипломатик алоқаларни йўлга қўйган эди.

Энди Исроил ҳамда БАА ва Баҳрайн яқин орада инвестиция, туризм, авиакатновларни йўлга қўйиш, хавфсизлик, телекоммуникация, технологиялар, энергетика, соғлиқни сақлаш, маданият, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик бўйича бир қатор келишувларга эришди. Бундан ташқари, ҳар уч мамлакат пойтахтида элчихоналар очилади. Қайд қилиш жоизки, БАА ва Баҳрайн шу пайтгача Исроил давлатини таң олмасдан

келаётган эди. Шу туфайли мамлакатлар ўртасида дипломатик ва иқтисодий муносабатлар бўлмаган. Мана, энди 15 сентябрь куни Вашингтонда Трамп иштирокида Исроил ва БАА ўртасида тарихий тинчлик битими имзоланади. Бу битим Дональд Трампга катта очко келтириб, унинг президентлик сайловлида кампаниясидаги рейтингини кўтаришга ёрдам беради. АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Роберт О Брайн Исроил ва араб давлатларидаги муносабатлар бундан кейин ҳам илиқлашувини айтиб, бунинг учун Дональд Трамп Нобель тинчлик мукофоти-га илгари сурилиши кераклигини баён қилди. БАА ва Баҳрайн Исроил билан Миср ва Иорданиядан кейин дипломатик муносабат ўрнатган учинчи ва тўрттинчи араб давлати бўлди.

## Фаластиндан бўлак ҳамма хурсанд

Бироқ фаластинликлар Исроил ва араб давлатлари ўртасида шаклланаётган илиқ алоқалардан ташвишда. Уларнинг хавотирига кўра, президент Трамп Саудия Арабистони ва бошқа араб давлатларини Исроил — Фаластин можароси бўйича тинчлик сулҳи тузишга мажбурлаши мумкин. Фаластин Озодлик Ташкилотининг юқори лавозимли расмийси Ханан Ашрави хоним сўнгги воқеалар 2002 йилда Араб Лигасининг 22 аъзо давлати томонидан имзоланган Араб Тинчлик Ташаббуси қонунчилиги-га путур етказишини таъкидлайди. Мазкур ҳужжатга кўра, араб давлатлари 1967 йилда эгаллаб олган ҳудудларни тўлиқ тарқэтмагунча Исроил билан яқин муносабатлар ўрнатишга интилмаслиги лозим.

2018 йили АҚШнинг Исроилдаги элчихонасини Тел-Авивдан Қуддусга кўчириш борасида президент Трамп Элон қилган қарор

фаластинликларни ғазабига сабаб бўлган. Фаластинликлар Шарқий Қуддусни ўзининг бўлажак мустакил давлати пойтахтига айланишини истади. Шундан сўнгра улар Вашингтонни ноҳолис тинчлик даллоли бўлишда айблаб, у билан алоқани узганлар. Фаластин БАА АҚШ воситачилигида Исроил билан тинчлик сулҳи тузишини эълон қилгандан кейин Амирликлардан ўз элчисини чақиртириб олди.

## Туркия нима дейди?

Мазкур воқеаларнинг бари минтақада бошланаётган муҳим ўзгаришлар даври аломати сифатида кўрилмақда. Ҳатто Нетаняхуга мухолиф кучлар ҳам буни эътироф этиб ўтган. Бироқ Фаластин муаммосига жуда ҳиссиётли муносабатда бўлувчи оддий араб одамлари Исроил билан яқинлашишни осонгина қабул қилмаслиги мумкин. Ҳозир Фаластин позициясини ҳимоя қилаётган битта давлат бор. Бу — Туркия. Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдуған БАА ва Исроил ўзaro муносабатларни яхшилашга келишиб олганини эълон қилганига жавобан Анкара Абу-Дабидаги элчисини ортга чақиртириб олиши мумкинлигини айтиши бунинг исботидир. Эрдуғаннинг таъкидлашича, у Туркия ташқи ишлар вазири-ни Анкара шундай чораларга бориши мумкинлигидан хабардор қилган. Туркия президенти БАА ва Исроил ўртасидаги келишувни Фаластинга нисбатан «кечириб бўлмас қадам» деб атади. «Агар зарур бўлса, Абу-Дабидаги элчимизни ортга чақиртириб олишимиз мумкин. Чунки биз Фаластин томонидамиз ва унинг ҳуқуқларини ҳеч қимга бериб қўймаймиз», деб айтди Эрдуған.

Хуллас, Яқин Шарқда араблар ва яҳудийлар ўртасидаги муносабатлар илиқлашувини ҳамма ҳар хил баҳолайди. Мулоқот ва муроса, албатта, тинчлик келтиради.



**БМТ туризм соҳаси пандемия сабабли 460 миллиард доллар йўқотганини маълум қилди.**



1980 йили Москва шаҳрида ўтказилган Олимпиадада ҳамюртимиз Рустам Ямбулатов кумуш медаль олиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилганди. Айтиш жоизки, мазкур йўналишдаги бу натижа мамлакатимиз спортчилари томонидан кейин бирор марта ҳам такрорланмади. Халқаро спорт устаси, Олимпиада — 80 трапдан ўқ узиш бўйича кумуш медаль совриндори Рустам Ямбулатов жуда машҳур бўлмаган бу спорт тури тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

## ҚИРҚ ЙИЛ

### аввалги милтиқлар билан олимпия чемпиони бўлиш қийин



#### «Бизда патронлар бўйича чекловлар бўлмаган»

— Ўша пайтда Олимпиада ўйинларида қатнашимизга юз фоиз ишончим комил бўлган, — дейди Р. Ямбулатов. — Менда «танклар» бўлмаган. У ерда Россия, Украина каби республикалардан кучли иштирокчилар бор эди. Мен ўзбекистонлик эдим ва Олимпиада ўйинларига бориш учун ҳаммадан бир поғона баландроқ отишим керак эди. Шунда ҳам охириги дақиқаларда партия органлари аралашмоқчи бўлишган, аммо мураббий номзодимни ҳимоя қилди. Олимпиадага жуда жиддий тайёргарлик кўрганмиз. Бу минглаб километр югуриш, юзлаб километр сузиш, нишонларга қарата отилган юз минглаб патронлар дегандир. Собiq иттифок жамоасида на патронларда, на курол-яроғда чекловлар бўлмаган. Олимпиада ўйинларига олти ой қолганда мени Челюскин станцияси омборига таклиф қилишди. 10 та милтиқни қўйишди ва улардан биринчи бўлиб танлашимни айтишди. Мен дарҳол бештасидан воз кечдим, қолганидан учтасини танлаб олдим. Кейин иккаласи ҳам яхши бўлишига қарамай, улардан бирини ўзимда қолдирдим. Уларни уч-тўрт соат давомида

танладим. Ва февраль ойида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ мусобақасида мен олтин медални қўлга киритдим. Кейин эса Олимпиада ўйинларида кумуш медалга сазовор бўлдим.

#### Мураббийлик фаолияти ва «киллер»лик таклифи

— 1985 йилда мен Ўзбекистон терма жамоасига мураббийлик қилдим. Биз иттифокда тўртинчи ўринни эгалладик. Кейин менинг номзодимни мос эмас деб топишди. 1990 йилларда иш топиш осон бўлмаган, кўпга спортчиларга, айниқса, ўқчи ва курашчиларга жиноятчиликка ўтиш таклиф қилинган. Масалан, менга «киллер» бўлишга жиддий таклиф келиб тушган. Аммо мен дарҳол бундай таклифларга қизиқмаслигимни тушунтирганман.

#### Ўзбекистонга хизмат қилиш — менинг вазифам

— Меҳнатқаш халқимиз бор. Менинг вазифам — ўзбекистонлик спортчилардан таркиб топган терма жамоани тайёрлаш ва уларни жаҳон чемпионлари қилиш. Хозирда янги федерация ушбу спорт турини жонлантиришга ҳаракат қилмоқда, аммо коронавирус туфайли ҳаммаси тўхтаб қолди. Федерация натижаларга ишлаши учун, уни молиялаштириш керак. Яхшиямки, федерациянинг амалдаги раиси молия соҳасини яхши биладиган инсон. У ташкилотнинг молиявий тузилмасини ислоҳ қилди ва бир нечта ҳомийларни жалб қилди. Бу техник базани янгилашни бошлаш, отиш майдонларини таъмирлаш ишларини бажариш ва бир қатор спортчиларни молия-



вий қўллаб-қувватлаш имконини берди.

ўзига қараганда анча қимматроқ бўлади. Бизда металл билан ҳам боғлиқ муаммолар бўлмайди. Бизнинг мутахассисларимиз Италиядаги машҳур «Беретта» заводига бориб келишди. Кўришди, ўрганишди. Агар ҳукумат томонидан рағбат бўлса, ҳаммаликдан зўр қилиб удалаш мумкин. Масалан, қўшма корхона тузишга италияликлар қарши эмас.

#### Янги даврда янги шароитлар

— Шунингдек, биз етарли миқдорда патронларни олиб келишимиз, милтиқлар сотиб олишимиз керак, чунки шу пайтгача ишлатиб келган куролларимиз камида қирқ ёшда. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев эндиликда спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Спортчилар ва мураббийлар учун энг яхши шароитлар яратяпти. Мақсад — ўзбек спортини юқори поғонага кўтариш. Биз ҳозирда керакли патрон ва милтиқларни сотиб оляпмиз. Ўртасаройдаги отиш майдончасида уларни синовдан ўтказамиз. Молиялаштириш масаласи спортда жуда муҳимдир. Масалан, Германияда, агар сиз истиқболли ўқчи бўсангиз, федерация милтиқнинг ярим нархини тўла беради.

#### Спорт милтиқлари ишлаб чиқарувчи завод керакми?

— Бир вақтлар мен Ўзбекистонда завод қурмоқчи бўлганман. Аммо унда бу қийин масала эди. Назарий жиҳатдан буни ҳозир амалласа бўлади, асосийси, ҳукумат буни ривожлантиришдан манфаатдор. Бизда ёнғоқ, ўймакор-усталар бор, улар жуда гўзал милтиқлар ясайдилар — бу бутун дунёда қадрланади. Баъзида милтиқнинг нақши милтиқнинг

#### Замонавий мерганлик майдонлари туризм ривожига хизмат қилади

— Яна бир орзум — дунёда энг яхши отиш майдонини қуриш, шунда ҳамма Ўзбекистонда машқ қилишни орзу қилган бўлар эди. Бизда деярли йил давомида ўқ отиш мумкин: киш унчалар совуқ эмас, бу ерда ҳар нарсани ривожлантиришга шароит бор ва одамлари ҳам яхши. Бундай майдонлар мамлакатимизда спорт туризминини ривожлантиришга ҳам хизмат қилган бўларди.

#### Хулоса ўрнида

Дарҳақиқат, машҳур мерган таъкидлаганидек, ҳозирда мамлакатимиз ўқ отиш спорт федерацияси қайта тикланиш даврини бошдан кечирмоқда. Зеро, бундай спортчилар ва ўйинлар нафақат мамлакатимизнинг халқаро арена-лардаги обрўсини оширади, балки юртимиз иқтисодига ҳам ҳисса қўлиши, спорт туризминини ривожланишига туртки бериши ҳам мумкин. Бундан ташқари, тоғли, манзарали ҳудудларимизда бир неча замонавий мерганлик майдонларини барпо этиш унчалар қимматга тушадиган лойиҳа ҳам эмас. Маҳоратли хунармандларимиз эса ўзлари ясаган жимжамдор кўндоклар савдосини ҳам йўлга қўйишлари мумкин.

У. ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

#### ЭЪЛОН

Тошкент шаҳри М.Улуғбек туманидаги «Якка тартибдаги тадбиркор» Ўролова Тозагул Болғабоевнага берилган 799881 рақамли ёзув билан рўйхатта олинган гувоҳномага тегишли бўлган муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.



Одил Аҳмедов Хитойнинг бошқа клуби — «Тяньцзинь Тэда» клубига ўтди.





# СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИННИНГ Онаси — малика Ойчечак қандай аёл бўлган?

Баъзан маликалар, ҳукмдорларга тегишли аёллар ҳақида сўз борса, эрка, тантиқ, ақли қосир хонимчалар акс эттирилади. Лекин ҳар доим ҳам шундай бўлмаган. Аксинча ҳукмдорлар ўзларига умр йўлдош танлашда гўзалликдан ташқари, қизларнинг ақлу хушига, илми, ибоси, оила ва давлат ишларидаги ўқуви бор-йўқлигига, шаҳзодалар ва бўлғуси валиахдларни тарбиялай олишларига ҳам эътибор қаратганлар. Шарқ аёллари ғарб тарихчилари битганидек, тўрт девор орасида ҳақ-ҳуқуқсиз яшашмаган, аксинча улар барча даврларда давлат ва жамият ҳаётида фол қатнашган. Ана шундай аёллардан бири — малика Ойчечакдир.

## Ойчечакми, Ойчечанми, Ойчаман?

XII аср охирида XIII аср бошларида яшаб ўтган, Хоразмшоҳ Оловуддин Муҳаммаднинг хотини, Жалолиддин Мангубердиннинг онаси бўлган бу аёл ҳақида тарихий асарларда кам маълумот берилган. Унинг исмини муаррихлар ҳар хил келтирадilar. Баъзилари уни Ойчечак, бошқалари Ойчечан, яна бирлари эса Ойчаман деб ёзадилар. Булар орасида Ойчечак номини унинг асл исми деб қабул қилиш мумкин. Бунинг сабаби бор. Жалолиддин Мангубердиннинг шахсий муншийси, котиби бўлган, унга оид барча маълумотларни мукамал билган Шихобиддин Муҳаммадан-Насавий «Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти» асарида унинг онаси исмини Ойчечак номи билан битади.

Ойчечак асли ўғузларнинг Бекдили уруғи оқсоқолиннинг қизи эди. Бой, бадавлат оилада ўсган Ойчечак етук даражада билим олади. Ақлли-хушли, ибולי, адолатпарвар, ҳақиқатпарвар қиз бўлиб вояга етади. Муаррихлар у ҳақда тўхталиб, «Ойчечак ниҳоятда гурурли, доно, илм-маърифатни улғайдиган, адаб илми, санъат, қиссахонликка меҳр қўйган аёл бўлган. У тарих илмига алоҳида эътибор берган», деб ёзади.

## Хоразмшоҳларнинг ёзилмаган, аммо қатъий қондаси

Ойчечакнинг хоразмшоҳлар хонадонига келин бўлиб тушишининг маълум сабаблари бор. XI асрнинг охирида ҳукмдорлик фаолиятини бошлаган Ануштегин — хоразмшоҳлар сулоласи ўғузларнинг Бекдили уруғидан етишиб чиққан эди. Ануштегинларнинг Хоразмдаги ҳукмдорлик фаолиятида давлат бошқарувида ёзилмаган, лекин сулола қатъий амал қиладиган бир қонун бор эди — ануштегин хоразмшоҳларнинг валиахдлари, ҳукмдорлари уларнинг Бекдили уруғига мансуб хотинларидан тугилган фарзанд-

ларидан тайинланарди. Бошқа уруғ, қабила, халққа мансуб аёллардан тугилган шаҳзодалар ҳукмдорлик мансабига лойиқ кўрилмасди. Бундай тартиб мамлакатда уруғлар, қабилалар ўртасида тахт учун курашларни камайтиришга, ануштегинларнинг ҳукмронлик кудратини оширишга, Хоразмнинг империя даражасига кўтарилишига хизмат қилди. Бу ҳолат 1077 йилда Ануштегин Гаржойиннинг давлат тепасига келишидан то 1200 йил — Оловуддин Такаш ҳукмдорлиги охиригача давом этди. 1200 йилда Такашнинг ўғли Оловуддин Муҳаммад хоразмшоҳлар тахтига ўтириши билан бу ёзилмаган қонунга путур етди.

Муаррихларнинг маълумотларига кўра, Такашдан кейин тахтга унинг ўғли Носириддин Маликшоҳ ўтириши керак эди. У Такашнинг Бекдили уруғига мансуб хотинидан тугилган, бу — сулоланинг ички қонун-қондаларига мос эди. Лекин Носириддин Маликшоҳ 1197 йилда вафот этади. Натижада Оловуддин Такаш ўзада валиахд қилиб Оловуддин Муҳаммаднинг тайинлайди. Оловуддин Муҳаммад Такашнинг қипчоқ уруғига мансуб хотини Туркон хотундан дунёга келган. Аммо Такаш ҳокимият тўлалигича ярим қипчоқ Оловуддин Муҳаммад кўлида қолиб кетишини истамайди. Уни Бекдили уруғига мансуб Ойчечакка уйлантиради. 1199 йилда улар оиласида Жалолиддин Мангуберди тугилади. Такаш ажодлари аъналарини давом эттириш, ёзилмаган қонунга амал қилиш ниятида Жалолиддинни Оловуддин Муҳаммаднинг валиахди деб эълон қилади. Шу тариқа у хоразмшоҳлар тахтида Бекдили уруғига мансуб ануштегинлар сулоласи ҳукмронлиги давом этишини орзу қилади. Афсуски, унинг орзулари рўёбга чиқмайди.

## Ҳаммом воқеаси

Шу ўринда тарихчилар ёзиб қолдирган бир воқеани эслаш ўринли. Унга кўра, Оловуддин Такаш урининг охириги йилида ҳаммомда канизаклар ёрдамида чўмилаётганда ҳаммом эшиклари қулфланади.

Такаш ўлимига бир баҳа қолганда мулозимлари томонидан қутқариб қолинади. Кейинчалик бу эшик қулфланиш воқеаси Туркон хотун томонидан амалга оширилгани маълум бўлади. Тарихчилар бу ҳолатни Туркон хотуннинг эри Такаш канизаклар билан чўмилишига қарши ғазоби натижаси эди, деб ёзадилар. Аслида бу ҳолат Туркон хотуннинг эрини ўлдирish қасди, яъни Такашнинг Жалолиддинни валиахд этиб белгилашига қарши исёни эди.

1200 йили Такашнинг вафотидан сўнг ўғли Оловуддин Муҳаммаднинг ҳам, у бошқарган Хоразмшоҳлар давлатини ҳам Туркон хотун қўлга олади. Хокимият тепасидаги Бекдили уруғига мансуб беклар, саркардаларни мансабларидан четлаштириб, юқори лавозимларга қипчоқ уруғидан бўлган ўз яқинларини қўяди. Ўғли Оловуддин Муҳаммаднинг эса қипчоқ хонларининг қизларига уйлантиради. Улардан тугилган фарзандларни тахт ворислари этиб белгилайди. Эри Такашнинг васиятига қарама-қарши ўлароқ, Жалолиддинни валиахдликдан четлаштиради, унинг ўрнига Муҳаммаднинг қипчоқ хотинидан бўлган ўғли Ўзлогшоҳни валиахд қилиб тайинлатади. Шу тариқа Ойчечак ва унинг ўғли Жалолиддин билан Туркон хотун ўртасида қарама-қаршилиқ кучаяди. Мамлакат ҳаётида қўшхокимиятчилик юзага келади. Хоразмшоҳлар давлатини бир томонда — Гурганжда туриб Туркон хотун, иккинчи томонда — Самарқандда туриб Оловуддин Муҳаммад бошқаради. Лашкарлар, саркардалар, «давлат устунлари» ўртасида зиддиятлар авж олади, мамлакатда яқдиллик, бирлик йўқолади.

## Камдан-кам аёлларга хос олижаноблик

Худди ана шу ҳолат — мамлакатдаги уруғлар, қабилалар ўртасидаги зиддиятлар, ўзаро қарама-қаршилиқлар мўғулларнинг Хоразмшоҳлар давлатини осонлик билан босиб олишига хизмат қилади.

Ана шу жараёнда Ойчечак ўзини ниҳоятда фаҳм-фаросатли, оқила аёл сифатида намоён қилади. Ўғли Жалолиддинни тахт учун курашлардан, мамлакатни, давлатни заифлаштирувчи низолардан асраб қолди. Қайнонасининг ўзига ва ўғлига нисбатан зимдан адоватининг алангаланишига йўл бермайди. Бу — камдан-кам аёлларга насиб этадиган олижаноб хусусият эди.

Оғир дамларда, юрт ҳукмдорсиз, султонсиз қолганда ҳам, эри Оловуддин Муҳаммад уни тақдир ҳукмига хавола этиб ташлаб кетганда, қайнонаси Туркон хотун бошқа яқинларини олиб, уни сафига қўшмай Гурганжни тарк этганида ҳам Ойчечак руҳан чўкмайди, мўғуллар бостириб келаётган пойтахтда қолади, ўғли Жалолиддинни кутади. Ўғлининг Гурганжга келишига, уни мўғуллардан ҳимоя қилишига ишонади. Бу борада ўғлига кўмақдош бўлишга интилади. Лекин унинг бу борадаги орзу-умидлари ҳам ушалмайди.

Оловуддин Муҳаммад мўғул қўшини таъқибдан қочиб, Хазар (Каспий) денгизидagi Обескун оролига бориб паноҳ топгач, оғир касалга йўлиқди. У ўлими олдидан ўзи билан бирга бўлган ўғиллари Жалолиддин, Ўзлогшоҳ, Оқшоҳни хузурига чорлаб, «мўғулларнинг қонли панжаси мамлакат танига қаттиқ ботди, бу панжадан юртни фақат акангиз Жалолиддин қутқара олади», дея белидаги султонлик камари ва қичичини Мангуберди белига тақади. Ўзлогшоҳ ва Оқшоҳни унга содиқ бўлиб хизмат қилишга қасамёд қилдиради. Оловуддин Муҳаммад бу билан аввалдан онаси Туркон хотун ва унинг яқинлари истаги асосида тахт вориси қилиб белгиланган Қутбиддин Ўзлогшоҳни валиахдликдан четлаштиради, ўрнига Жалолиддин Мангубердини белгилайди. Ҳа, мард ва жасур, қаҳрамон Жалолиддин Мангуберди ана шундай оқила ва хокисор маликаниннг ўғли эди.

Камол МАТЕҚУВОВ.



Маданий мерос объектларини узоқ муддатга ижарага бериш бўйича инвестицион таклифлар ишлаб чиқилди.



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

## Дезинфекция туннеллари фойдасизми?

— Хлор коронавирус инфекциясини ўлдирадими? Кўчаларни хлор ёрдамида дезинфекциялаш, худудлар ўртасидаги чегаралардан ўтаётганда транспорт воситаларига сепилиши қанчалик тўғри?

**Нигина РУСТАМОВА,**  
Тошкент шаҳри.

**Илмира РАЗИҚОВА,**  
Республика ихтисослаштирилган аллергология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

— Хлор, инсон соғлиги учун катта зарар. Шунингдек, коронавирус инфекциясини ўлдириши ҳам исботланмаган. Кўчаларни ҳар куни ёки ҳафтада икки марта хлор ёрдамида дезинфекция қилишнинг фойдаси йўқ. Чунки вирус 5 кун мобайнида шундоқ ҳам қуёш нурида ўлиб кетади. Коронавирус ҳаво томчи орқали юқувчи инфекция бўлгани боис, бу каби ишлар ортиқча харажат ва инсон соғлиғига зарари бор.

ЖССТнинг хлорли бугларни инсонларга ишлатмаслик бўйича тавсияси бор. Ўзбекистон республикаси ССВ ҳам хлорли йўлаклар — туннелларни тавсия қилмайди. Хлорли йўлаклар, постларда хлорли эритмаларни автотранспорт воситаларига сепиш ҳам самарасиз, ҳам ўша ерда хизмат қилувчиларнинг саломатлиги учун хавфли.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

## Мактабда меҳнат дарслари такомиллаштириладими?

— Эшитишимча, шу кунларда мактабларда меҳнат дарсларини кўпайтириш такомиллаштириш режалаштириладими экан. Шу тўғрисида маълумот берсангиз.

**Саодат УСМОНОВА,**  
Гурлан тумани.



**Лайло РУСТАМОВА,**  
Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Сиз яқинда оммавий муҳокамага кўйилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўқувчи-ёшларни касб-хунарга тайёрлаш тизимини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳаси тўғрисида гапирясиз. Дарҳақиқат, мазкур ҳужжат лойиҳасига кўра, умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчи-ёшларни касб-хунарга тайёрлашнинг янги тизими жорий этилиши, вазирлик тизимида ўқувчиларнинг касбга лаёқатини аниқлаш ва касб-хунарга йўналтириш бошқармасини ташкил этиш назарда тутилган. Касб-хунарга ўргатиш курсларини тамомлаган умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг касб-хунар кўникмаларини баҳолаш, тегишли сертификат ва резидентлик мақомини бериш бўйича масъулият чекланган жамият шаклидаги Сертификациялаш маркази ташкил этилиши белгиланган.

Аммо бу ҳали муҳокамадаги лойиҳа, холос. У Президент томонидан имзолангандан сўнггина амалга оширилади.

САВДО

## Бозордаги торози қачон тўғри ишлайди?

— Бугун бозор ва дўконларимизда кўплаб турдаги хорижда, жумладан, Хитойда ишлаб чиқарилган электрон ёки механик торозилардан фойдаланилماпти. Кўпинча бир торозининг кўрсатганини бошқаси инкор қилиш ҳолатлари ҳам учрайди. Торозиларни стандартга мувофиқлаштириш бўйича ишлар олиб борилаётими?

**Наргиза ҚОСИМОВА,**  
Тошкент шаҳри.

**Махсума ОРТИҚОВА,**  
Миробод туманидаги 5-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси:

— Жорий йилнинг 8 август куни «Ўзбекистон Республикасида метрология хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди. Унга кўра, ишлаб чиқариладиган ва (ёки) сериялаб ишлаб чиқарилиши мўлжалланган ўлчаш воситалари ва Ўзбекистон ҳудудида тўп ҳолида ишлаб чиқариладиган ва (ёки) олиб кириладиган ўлчаш воситаларига эга бўлган ҳужжатлардан ўтказилди. Ўлчаш воситаларини давлат синовларидан ўтказиш натижалари ижобий бўлганда ижрочи 2 иш куни мобайнида ўлчаш воситаларини синовдан ўтказиш натижаларига эга бўлган ҳужжатларни «Ўзстандарт» агентлигига юборди ҳамда Агентлик ўлчаш воситаларининг турини тасдиқлайди ва реестрда рўйхатга олади.

Ўлчаш воситаларининг турини тасдиқлаш сертификатининг амал қилиш муддати 5 йилни ташкил этади. Ушбу қоидалар давлат метрологик текшируви ва назорати татбиқ этиладиган соҳада ўлчаш воситаларини қўлайдиган барча шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

ИМТИЁЗ

## Пахта териш машиналарини сотиб олиш учун кредитлар ажратиладими?

— Жорий пахта терим мавсумида юридик шахсларга терим машинаси харид қилишлари учун давлат томонидан пул ажратилиши айтилган. Шу тўғрисида?

**Асқар МАҲМУДОВ,**  
Дўстлик тумани.



**Озод РАЖАБОВ,**  
«Ўзпахтасаноат» АЖ бўлим бошлиғи:

— Бизнингча, сиз жорий йил 15 сентябрь куни Президентимиз томонидан қабул қилинган «Пахта ҳосили теримини механизациялашни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда белгиланган меъёрларни назарда тутиясиз. Мазкур қарорга мувофиқ, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг «Агробанк»нинг устав капиталидаги улуши 50 млн. АҚШ долларига оширилиб, ушбу маблағлар пахта-тўқимачилик кластерларига ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга маҳаллий пахта териш машиналарини сотиб олишга Марказий банкнинг асосий ставкасида кредитлар ажратиш учун йўналтирилиши белгилаб қўйилган.

ОЛИМ ТАЪЛИМ

## Имтиҳондан норозилар нима қилиши керак?

— Шу кунларда олий ўқув юртига имтиҳонлар жараёнида юз берган чалқашликлар тўғрисида маълумотлар эълон қилинмапти. Шундай бўлса, тест синовлари натижаларидан норозии абитуриентларнинг шикоятини ким кўриб чиқади?

**Нигора СОЛИЕВА,**  
Олтиариқ тумани.



**Барно РАЖАБОВ,**  
Давлат тест маркази бошқарма бошлиғи:

— Қонунчиликка кўра, тест синовлари натижасидан норозии бўлган абитуриентлар таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланган апелляция комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда апелляция шикоятини бериш ҳуқуқига эга. Шикоят берган абитуриент хабарномада белгиланган кунда ўзининг паспорти ва абитуриент руҳсатномаси билан келиши шарт. Абитуриентга унинг жавоблар варақаси нусхаси, тест топшириқлари нотўғри бажарилган жавоблар рўйхати ҳамда тест топшириқлари китоби берилди. Абитуриент ўзининг ҳар бир нотўғри деб ҳисобланган тест топшириғига жавобларини ёзма равишда баён қилади ва қабул қилиб олган барча тест материаллари билан бирга апелляция комиссиясига тақдим этади. Шикоят апелляция комиссияси томонидан фақат абитуриент иштирокида, унинг ёзма жавоблари асосида кўриб чиқилади. Ёзма жавоблар ўз тасдиғини топмаса, комиссия натижаларини ўзгаришсиз қолдиради. Абитуриентнинг жавоблар варақаси, тест топшириқлари китоби Давлат тест марказига етказилмаган ёки йиртилган бўлса, абитуриент тест синовларидан четлаштирилган бўлса, абитуриент ўз жавобларини ёзма равишда баён қилмаган бўлса, апелляция шикояти кўриб чиқилмайди.